


**ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ
АДАБИЁТИНИ
ДАВРЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

ИЛМИЙ ТЎПЛАМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИНИ
ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

илмий амалий анжуман
материаллари



Тошкент - 2013

Ушбу тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилаётган Ф-1-139 “Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси” номли илмий-тадқиқот лойиҳаси асосида тайёрланди. Мазкур тўпламда араб мамлакатлари, афғон, эрон, ҳинд, корея, япон, вьетнам халқлари адабиётининг ривожланиш босқичларини даврлаштириш масалалари бўйича ўзбек шарқшуносларининг қарашлари ўз аксини топган. Тўплам материаллари шарқшунослик соҳаси мутахассислари ҳамда талабалар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

У. Муҳибова, филология фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Р. Ходжаева, филология фанлари доктори, профессор

А.Алимбеков, филология фанлари номзоди, доцент

Мазкур тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институти Ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия қилинган (22 январь 2013 йилдаги 5- сонли баённома)

©Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2013

КИРИШ СЎЗИ

Ватанимиз шарқшунослигида хорижий Шарқ халқлари адабиётини тадқиқ қилиш масалалари алоҳида ўрин тутади ва бу борада салмоқли тажриба тўпланган. Хитой, араб мамлакатлари, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Корея, Туркия, Миср, Сурия каби мамлакатлар адабиётларининг у ёки бу соҳасига оид ўнлаб монографик асарлар, юзлаб илмий, илмий-оммабоп мақолалар чоп этилган, илмий диссертациялар ёқланган. Хорижий шарқ халқлари адабиёти тарихи мамлакатлар кесимида ўтган асрнинг 50-йилларидан эътиборан Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) Шарқ факультети, 1991 йилдан эса Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Шарқ филологияси ва фалсафа ҳамда Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари факультетларида ўқитилиб келинади.

Ўз вақтида XX асрнинг 60-йилларидан эътиборан, Москвада рус тилида ҳам муҳим қадамлар сирасига кирадиган Шарқ халқлари адабиёти тарихини яратиш доирасида: “Ҳинд адабиёти”, “Урду адабиёти”, “Япон адабиёти”, “Туркия адабиёти”, “Хитой адабиёти”, “Непал адабиёти”, “Бенгал адабиёти”, “Панжоб адабиёти”, “Форс адабиёти”, “Афғонистон адабиёти” каби ўнлаб кичик ҳажмдаги очерклар тўплами, икки қисмли “Ўрта асрлар Шарқ адабиёти” (1970 й.), “Шарқ мамлакатлари адабиётида реализмнинг шаклланиши масалалари” (1964 й.), “Шарқ мамлакатлари адабиётининг назарий масалалари” (1969 й.), “Янги давр Шарқ адабиёти” (1975 й.), “Энг янги давр Шарқ адабиёти” (1977 й.), 1983-2000 йиллар орасида яратилган 9 жилдлик “Жаҳон адабиёти тарихи”дан жой олган Шарқ халқлари адабиёти тарихи, “Шарқ мамлакатлари адабиётида бадиий анъана ва ҳозирги замон” (1985 й.), “Шарқ адабиётларида реализмнинг

вужудга келиши муаммолари”, “Шарқ адабиётларида бадийлик анъаналари ва ҳозирги замон” (1986 й.), “Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро таъсири” (1987 й.), “Шарқ халқларининг маданий мероси ва ҳозирги гоъвий кураш” (1987 й.), “Хорижий Шарқ мамлакатларида адабий танқид ва унинг ижтимоий ва эстетик тараққиётидаги роли” (1988 й.), “Шарқ мамлакатлари адабиётида образ семантикаси” (1998 й.) ва бошқа ўнлаб хорижий Шарқ адабиётларининг тарихий тараққиёти ва муаммоларига оид монографик тадқиқотлар, очерк ва рисолалар яратилди.

Аммо, ҳозиргача Шарқ халқлари адабиётининг фундаментал, умумлаштирилган тарихини яратишга хали ҳануз киришилмаган. Бунинг асосий сабаблари шарқшунос – адабиётшуносларнинг бу масалага жиддий эътибор бермаганликлари, шунингдек, хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти тарихи билан боғлиқ бир неча муаммоли масалаларни адабиёт тарихи контекстида ўрганмай қолиб келаётганлиги ёки баҳсталаб бўлиб қолаётганлигидан, деб тушуниш тўғрироқ бўларди.

Жумладан, жаҳон адабиётшунослигига кириб келган янги методологик таҳлил принциплари асосида традиция ва новаторлик, норматив, анъанавий ва замонавий поэтика, бадийлик тушунчалари, ёзма адабиётнинг фольклор билан боғлиқ масалалари, терминология ҳамда жанрлар тараққиёти, типологияси трансформацияси масалалари, ҳар бир Шарқ адабиётини жаҳон адабиётининг бир қисми деб қараш, Шарқ халқлари адабиётини талқин қилишда мавжуд европацентристик ёки ориентацентристик ёндашувлардан ҳоли бўлиш, Шарқ халқлари адабиётида ўрта асрлар ва ҳозирги замон бадий тафаккури, борлиқни бадий ўзлаштиришнинг ўзига хос усул ва услублари, уларнинг типлари масаласи, Шарқ бадий адабиётида каноннинг ўрни, бу адабиётларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш босқичларининг муҳим қонуниятлари ва унда

буюк истеъдодларнинг ўрни каби масалаларни ҳал қилиш муаммолари кўндаланг бўлиб турибди.

Шарқ халқлари адабиётлари тарихини яратиш, ўрганишга ҳаракатлар жараёнида муаллифлар юқорида зикр этилган долзарб муаммолар орасида бу адабиётларни *илмий даврлаштириш* муаммосига дуч келдилар ва бу масала XX асрнинг 60-йилларига келиб шарқшунос олимлар томонидан алоҳида ўрганиб чиқиш, мавжуд муаммоларни баҳсга киритиш, хулосалар чиқаришга ва шу орқали у ёки бу адабиёт тарихини тўғри яратишга ундади.

Дарҳақиқат, XX асрнинг 60-йилларига келиб Шарқ халқлари адабиётини даврлаштириш масалалари шарқшунослик соҳасининг алоҳида долзарб мавзулардан бирига айланди. Чунки, ушбу масаланинг тўғри ҳал қилиниши Шарқ халқлари адабиёти тарихини яратиш йўлидаги зарурий масала, у ёки бу адабиётни янада чуқурроқ ва ҳар томонлама тадқиқ қилиш, унинг халқ ҳаётидаги тарихий-маданий ўрни ва аҳамиятини белгилаш, баҳолашнинг бошланғич нуқтаси эканлигини кўпчилик шарқшунос олимлар тушуниб етган эдилар ва 1962 йили “Народы Азии и Африки” журналида (Москва, 1962 йил, 1-сон) ҳамда “Вопросы литературы” ва бошқа журналларда бу масала бўйича жаҳон шарқшунослигининг баҳсга таклиф этилгани ва қатор таниқли йирик олимларнинг даврлаштириш муаммолари билан боғлиқ мақолаларининг чоп этилиши бежиз эмас эди. Баҳс қарийб уч ярим йил давом этди ва 40 га яқин умумназарий ҳамда алоҳида адабиётлар бўйича мақолалар чоп этилди ёки маърузалар қилинди. Баҳс якунида чуқур илмий деб топилган салмоқли материаллар алоҳида мақолалар тўплами шаклида “Проблемы периодизации истории литератур народов Востока” мажмуасида (Москва, 1968 й.) чоп этилди.

Тўпلامда умумназарий мақолалар билан бирга Хитой, Корея, Мўғилистон, Япон, Ҳиндистон, малай-индонез, вьетнам, форс, араб, Туркия ва бир қатор Африка мамлакатлари адабиётларининг даврлаштириш масалаларига бағишланган мақолалар босилиб чиқди ва уларда Шарқ халқлари адабиётини даврлаштириш масалаларига оид турли қарашлар шаклланди.

2012 йил Тошкент давлат шарқшунослик институтининг бир қатор олимлари томонидан “Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси” номли илмий лойиҳа дастури асосида олиб бораётган тадқиқотлар доирасида Шарқ халқлари адабиётини даврлаштириш мавзусида Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Ушбу анжуманда афгон (паштў), корейс, араб, ҳинд, форс, вьетнам, қадимги Ҳиндистон, хитой, япон каби адабиётларни даврлаштириш масалаларига оид масалалар бўйича назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган маърузалар қилинди. Қўлингиздаги тўпلامда ана шу маърузаларнинг қайта ишланган ва тўлдирилган материаллари эълон қилинмоқда.

Абдураҳим Маннонов,
филология фанлари доктори, профессор

АФҒОН (ПАШТЎ) АДАБИЁТИНИ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

А. Маннонов,

филология фанлари доктори, профессор

XX асрнинг 60-йилларида Шарқ халқлари адабиётини даврлаштириш масалалари бўйича қарийб уч йил давомида “Народы Азии и Африки” журнали (Москва, 1962 йил, 1-сон) ҳамда “Вопросы литературы” ва бошқа журналларида қизгин баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтган эди. Бу масала Шарқ халқлари адабиёти тарихини яратишда жаҳон шарқшунослигининг йирик мутахассисларини баҳсга тақлиф этилгани ва қатор таниқли йирик олимларнинг даврлаштириш муаммолари билан боглиқ мақолаларнинг чоп этилиши ҳам бежиз эмас эди. Баҳс натижаларига оид 40 га яқин умумназарий ҳамда алоҳида адабиётлар бўйича мақолалар чоп этилди ёки маърузалар қилинди. Аммо, Афғонистон дарий ва паштў тилларида яратилган ёзма адабиётларини даврлаштириш масалалари борасида бирон бир мақола ёки маъруза эълон қилинмади. Тўғрироғи, афғоншунос олимлар бу баҳсларда қатнашмадилар.

Лекин, Афғонистон адабиёти тарихига оид юқорида зикр этилган баҳсларга қадар ва улардан кейин ҳам яратилган асарларда даврлаштириш масалалари у ёки бу тарзда ўз ифодасини топган эди. Жумладан, Афғонистоннинг ўзида паштў (афгон) адабиётини даврлаштиришга уриниш ва бу адабиёт тарихини ёзишга биринчилардан бўлиб киришган йирик афгон олими профессор Абдулхай Ҳабибий эди. Бу олим 1946 йил “Паштў адабиёти тарихи” номли китобининг 1-жилдини чоп этди. 1960 йил шу ном билан китобнинг иккинчи жилдини босиб чиқарди, 1963 йилда эса унинг тўлдирилган иккинчи нашри эълон қилинди. Аммо, бу иккала жилдда ҳам паштў адабиётини даврлаштириш масалалари аниқ ўртага қўйилмайди. Фақат шу асарнинг

биринчи жилдини 1975 йилдаги тўлдирилган нашрида¹ А.Ҳабибий биринчи марта паштў адабиёти тарихини даврлаштириш бўйича ўзининг ўта умумий лойиҳасини эълон қилади. Бунга кўра паштў адабиёти тарихи 4 даврга бўлинади: биринчи даврда муаллиф асосий эътиборини исломдан олдин паштў тилининг мажудлиги ва бошқа орий тиллари орасида паштў тилининг ўрнини исботлашга ҳаракат қилади. 2-даври ислом пайдо бўлишидан бошланиб, то ҳижрий 1000 - йилигача етади. Олимнинг таъкидлашича, бу минг йиллик давр ичида паштў тилида кўзга кўринган адиблар, адабий мактаблар, адабий услублар мавжуд бўлмаган. 3-даври ҳижрий 1000 (1620) - йилдан бошланади ва ҳижрий 1300 (1921) - йилда тугайди. Бу уч асрлик давр паштў адабиётда янги шеърӣй ва насрий жанрлар, адабий мактаблар, йўналишларнинг шаклланиши ва ривожланишида катта давр бўлди. 4-даври ҳижрий 1300 (1920) йилдан бошланиб, ҳозирги паштў замонавий адабиётининг ривожланишига олиб келди.

Кўриниб турибдики, А.Ҳабибий паштў адабиётини даврлаштириш масаласида анъанавий йўлдан бориб, уни асрлар кесимида умумий ва ибтидоий тарзда қўяди ва хатто паштў тили тарихини ҳам паштў адабиётининг бир қисми сифатида талқин қилишга уринади.

Ҳабибийнинг ўзи ҳам ушбу асарнинг 1975 йилдаги нашрида: “Мен ўз ишим ва ҳаракатларимни жудаям ибтидоий (бошланғич) эканлигини тан оламан. Лекин, кейинги паштунлар бу ишни яхши амалга оширадилар ва бу боғни тадқиқ ва изланиш гуллари билан яшнатадилар деб умид қиламан”², деган эди.

¹Ҳабибий Абдулхай. Дэ паштў дэ адабиётў торих, лумрай тўк. Дэ Кобул пўҳандзди лэ нашриётў цха. Кобул, 1354 кол. Шунингдек, А.Ҳабибийнинг бу асари учинчи марта 2006 йилда Пешоварда иккала жилди бир китоб шаклида қайта нашр этилди.

²Ўша асар. 7-бет.

“Паштӯ адабиёти тарихи”ни яратишга илк бор қўл урган таниқли олимлардан яна бири Сидиқулло Риштин эди. У ўзининг “Дэ паштӯ дэ адаб торих” (“Паштӯ адабиёти тарихи”) номли асариде адабий даврларни бешга бўлган. Биринчи давр – 100-ҳижрий-қамарий (яъни, 700) йилдан 900-ҳижрий-қамарий (яъни, 1494) йилгача; иккинчи давр 900-йилдан 1100 ҳижрий-қамарий (яъни, 1688) йилгача; учинчи давр 1100-йилдан 1250 ҳижрий-қамарий йилгача; тўртинчи давр 1250 (яъни, 1834) йилдан 1350 ҳижрий-қамарий (яъни, 1930) йилгача; бешинчи давр 1350 (1930) -йилдан ҳозиргача.

Бундай бўлинишда баъзи ижобий томонлар бор. С.Риштин биринчи даврнинг адабий хусусиятларини жуда қизиқарли таҳлил қилган. Китобнинг биринчи даври “Паштӯ миллий адабиётининг баъзи қисми” сарлавҳаси остида пушту фольклорига оид афсоналар, нақллар, кичик қиссалар ва яна ландэй каби халқ шеъри турлари, халқ мақол ва маталлари билан таништирилган. У иккинчи даврни паштӯ адабиёти тарихида “рўшонийлар” деб ном олган биринчи йирик адабий йўналиш билан таништиришдан бошлаб, тўғри йўл тутеди. Аммо, кейинги даврларни белгилашда чалкашликларга йўл қўяди, адабиётни, асосан, ҳукмрон сулолалар билан боғлайди.

Афгон олими Нур Муҳаммад Ғамжин Тамил ўзининг “Паштӯ адабиётида адабий жанрларнинг ривожланиш босқичлари”³ сарлавҳали катта мақоласида паштӯ адабий даврлари устида баҳсга киришиб, паштӯ адабиёти даврларини, асосан, тўрт йирик қисмга бўлади: 1-давр 139-ҳижрий-қамарий (яъни, 756) йилидан бошланади ва ҳижрий-қамарий 950 (яъни, 1540) -йилларгача давом этади.

³ Қаралсин: Ғамжин, Пўҳанмал. Пэ паштӯ адабиёту ке дэ адабий тўтўвэна. (Дэ Афгон ёд. Ғулом Муҳайиддин Афгон дэ шпетим телан пэ виёр дэ ликволэ дэ мақолу мажмуа). Кобул пўҳантун, 1360, 185-220-бетлар.

2-давр ҳижрий-қамарий 950 (1540) -йилдан, яъни рӯшониёлар ҳаракати ва адабиётини бошланишидан то 1220-ҳижрий-қамарий (яъни, 1804) йилгача давом этиб, умумий ҳолда таъкидлаб ўтилган. Бу давр паштў адабиётининг классик ёки ўрта асрлар даврини ўз ичига олади. Бу давр адабиётини изоҳлашда Ғамжин Тамил чуқур таҳлил юритмаса-да, лекин ўрта асрлар афғон адабиётининг ривожланиш босқичини рӯшониёлардан бошланиб, Хушқолхон Хатак, унинг адабий мактаби, ўзига хос услуби, гоёвий-фикрий йўналиши, ундан кейинги адибларнинг ўрни ҳақида умумий тарзда бўлса-да, асосан, тўғри талқин қилади. Аммо, ўрта асрлар адабиётининг алоҳида босқичларидан бирини яратган Абдурахмон, Абдулхамид каби буюк намояндалари олимнинг назаридан четда қолган.

М.Ғ.Тамил фикрича, паштў адабиётининг Янги даври 1220 ҳижрий йилларидан, яъни мелодий 1838 йил биринчи инглиз-афғон уруши бошланишидан, то 1978 йилигача, яъни шу йили Афғонистонда рўй берган Савр тўнтарилишигача (муаллиф “инқилоб” деб атайди – М.А.) бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр доирасига киритилган адабий ҳодисалар маълум йўналиш, услуб, поэтик ёки насрий жанрлар тараққиёти билан боғлиқ ҳолда эмас, балки соф тарихий ҳодисалар, Омонуллахон, Нодиршоҳ, Зоҳиршоҳ, Довидхон асос солган сулолаларнинг келиши ва характери билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий воқеалар орасида вужудга келган адабий ҳодисалар, уларнинг кўринишлари сифатида баҳоланади. Бу даврдаги йирик адабий босқични ташкил этган маърифатпарварлик, “бедор ёшлар” ҳаракати ва улар таъсирида вужудга келган танқидий-маърифий адабий жараёнларнинг тавсифи ўзининг аниқ, концептуал ифодасини топмайди.

М.Ғ.Тамилнинг юқорида зикр этилган мақоласининг ёзилиши Афғонистонда 1978 йилда “Савр инқилоби” деб ном олган ҳодисалардан, кейин, бу мамлакат тепасига ўта сўл, социалистик гоёларни ҳаётга татбиқ қилишни қурол қилиб олган кучларнинг келиш даврига тўғри келди. Шунинг учун ҳам олимнинг ёндашувида 1978 йил Савр тўнтаришигача бўлган адабиётга нисбатан бўлган нигилистик, бир ёқлама, “эскирган” деб қараш ёндашуви сезилиб туради.

М.Ғ.Тамилнинг фикрича, ҳозирги – бугунги адабиёт 1978 йилдан эътиборан бошланади ва бу адабиётнинг тараққиёти бевосита “Савр инқилоби”нинг рўй бериши, собиқ ҳукмрон тузумнинг ағдарилиши билан боғлиқдир⁴.

Олимнинг бу концепциясига қўшилиб бўлмайди. Чунки, Савр тўнтаришидан кейин вужудга келган адабиёт, асосан, ҳукмрон кучларнинг, сиёсий партиянинг қарашларини ифодаловчи, кўп жиҳатдан халқ дарди, ҳаётдан узоқ, бадий саёз, шиорнамо шеърят, сюжетлари “яшасин ишчи – деҳқон” қақирувларига асосланган насрий ҳикоя ва повестлардан иборат бўлган. Шу билан бирга, Савр адабиёти билан ёнма-ён мамлакатнинг ичида ва ташқарисида Савр тўнтариши туфайли хонавайрон бўлган, хорижга дарбадар бўлиб чиқиб кетган миллионлаб оддий инсонларнинг ҳаётини чуқур бадий талқин ва моҳирона бўёқларда акс эттирган ажойиб адабиёт ҳам шаклланиб, ривожланиб бораётган эди.

Умуман олганда, М.Ғ.Тамилнинг ушбу мақоласида паштў адабиётини даврлаштириш масаласига киришиб, бу адабиётнинг тараққиёт босқичлари бўйича ўз таҳлилий мулоҳазаларини билдирганлиги, шунингдек, адабиёт нафақат ижтимоий, ўз даврининг маҳсули бўлган ҳодиса,

⁴Ўша асар. 192-бет.

балки энг муҳими, у ўзига хос ўз қонуниятларига эга бўлган, ҳеч қандай сулолалар билан боғлиқ бўлмаган бадий-эстетик ҳодиса эканлигини эътироф этганлиги⁵ билан диққатга сазовордир. Лекин, Афғонистонда XX асрнинг бошларида йирик замонавий адабий жараёнини бошлаб берган маърифатпарварлик адабиёти, унинг машҳур тарғиботчиси “Сирож ул-ахбор” газетасининг роли, йирик маърифатпарвар адибларнинг ижодий изланишлари, шунингдек, Афғонистон адабиёти тарихида алоҳида йирик адабий йўналиш даражасидаги “Бедор ёшлар” адабий-ижтимоий ҳаракатининг бениҳоя катта ўрни ва ўзига хосликларини алоҳида адабий босқичлар сифатида кўрсатиш, баҳолаш масаласи мақолада тўлиқ аксини топмаган.

Паштў адабиёти тарихини даврлаштириш муаммолари билан таниқли олим Дўст Муҳаммад Шинворий ҳам шуғулланган эди. У ўзининг “Адабиёт назарияси асослари (Ёзма адабиёт мактаблари, йўналишлари ва услублари ҳақида)” номли асарида афғонлар адабиёти тарихини учта йирик босқичга бўлади. Биринчи давр: милонинг VII аср ярмидан то XVI асргача бўлган, қарийб 9 асрни қамраб олган давр. Гарчи бу даврда яратилган паштў адабиётининг намуналари, манбалари ҳозиргача афғоншунослар орасида турли баҳс ва мунозаларга сабаб бўлаётган бўлса-да, лекин, паштў ёзма адабиётининг илк намуналари шу биринчи босқичга тегишли эканлиги ҳақиқатдир. Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, паштў адабиётининг том маънодаги бир бутун йирик адабиёт сифатида майдонга чиқиши милонинг XVI асрдан, тўғрироғи, бу асрнинг 50-йилларидан бошланади ва бу давр адабиётининг бошланиши афғонлар тарихида чуқур

⁵Ўша асар. 185-186-бетлар.

из қолдирган рӯшониёлар ҳаракати ва адабиёти билан боғлиқдир.

Қарийб бир асрдан ортиқ давом этган бу адабиётнинг асосчиси Боязид Ансорий (1521-1572) эди. Дўст Шинворийнинг белгилашича, рӯшониёлар адабиётидан бошланган паштў адабиётининг бу иккинчи давр яна бир неча йирик-йирик адабий мактабларни, жумладан, Хушқолхон Хатак, Абдурахмон Муманд (Раҳмон бобо), Абдулҳамид Муманд каби адиблар асос солган йирик адабий мактаблар, йўналиш ва стил (услуг)ларни ўз ичига олган, салкам икки ярим асрлик Ўрта асрлар даврини кўзда тутди. Муаллифнинг фикрича, XIX асрнинг иккинчи ярмидан, яъни Афғонистон амири Шералихоннинг давлат тепасига келишидан афғон адабиётининг янги босқичи бошланиб, айнан шу босқич (давр)дан эътиборан замонавий афғон адабиётига ўтиш жараёни бошланган.

Ҳақиқатан ҳам, Амир Шералихон ҳукмронлиги даврида мамлакатда илк босмаҳона пайдо бўлди, китоблар, почта белгилари чоп этилди. Дунёвий таълим ва маданият соҳаларида ҳам ислоҳотларга қўл урилди. 1873 йилда Афғонистон тарихида илк бор “Шамс ан-Наҳор” номи билан газета босиб чиқарила бошланди. Газетада маҳаллий шоирларнинг асарлари эълон қилина бошланди. Бошқа соҳаларда ҳам замонавий ислоҳотларга қўл урилди, мамлакатни илк бор модернизациялаш ишларига қадамлар қўйилди. Булар тўғри мулоҳазалардир. Аммо, Дўст Шинворий адабий даврлаштиришни босқич деб таърифланганлиги сабабли “давр” тушунчаси билан “босқич” тушунчаларини деярли бир маънода ишлатган. Аслида давр босқичга нисбатан алоҳида тарихий тушунча бўлиб, унинг ўз ўлчови, хусусиятлари ва аниқ меъёри бор. Шу маънода Шинворийнинг афғон адабиётининг янги даври бўйича эълон қилган босқичлари қайта кўриб чиқилиши, тўлдирилиши ва бу масалада асосий мезон

килиб адабиётнинг ўзи, уни маълум ижтимоий, сиёсий, иқтисодий шароитда, маълум бир тарихий даврда намоён бўлган ўз қиёфаси, бутун бир даврни энлаб турадиган бадиий асарлари мажмуи, уларни яратган машҳур, шу даврга хос истеъдодли адиблари ижодининг “босқич” даражасидаги таҳлили берилмаган.

Паштў адабиётини даврлаштириш масаласида афгон олимларидан Муҳаммад Анвар Нумёлай ҳам мақола ёзган эди. Бу олим паштў адабиётини уч даврга, яъни: оғзаки адабиёт, Хушхолхон Хатак даври ёзма адабиёти, замонавий ёзма адабиёт даври. Кўриниб турибдики, бу олим ҳам масалани ўта умумий ҳал қилишга уринган. Қизиги шундаки, у фольклор адабиётини ёзма адабиётнинг дастлабки даври сифатида талқин қилади. Бу тўғри эмас. Фольклор адабиёти ҳар бир адабий давр ёки босқичларда қадимги даврдан, то ҳозиргача давом этиб келаётган оғзаки адабиёт тури бўлиб, унинг ўзига хос тарихий ривожланиш босқичлари, тараққиёт хусусиятлари мавжуд. Бу – фольклор адабиётини даврлаштириш масаласи ниҳоятда мураккаб ва ёзма адабиётни даврлаштиришнинг маълум меъёр ва мезонлари доирасига тўғри келмайдиган хусусиятларга эга.

Афғонистоннинг забардаст адабиётшунос, манбашунос олимларидан Залмай Ҳиводмал 1379 (2000) йил Пешоварда чоп қилинган “Паштў адабиёти тарихи” (қадимги ва ўрта асрлар) ⁶ номли китобида ҳам даврлаштириш масалалари қўйилган эди. Ушбу китобнинг биринчи бобида, ҳеч қандай даврлаштириш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда афгонларнинг бой фольклори, унинг турлари ҳақида маълумот берилади. Китобда паштў адабиётининг даврлаштириш масаласи бу адабиётда илк ёзма адабиёт намуналарини юзага келиш даври билан

⁶Ҳиводмал, Залмай. Дə паштў адабиёту торих (ларғуни ау мэндзини дауре). Пешавр, 2000 кол.

боғланиб, уни VIII асрдан бошлангани таъкидланади ва бу давр то XVI асрларгача, қарийб 9 асрни ўз ичига олган давр, деб кўрсатилади. Бу даврларда паштў тилида ёзилган бадиий асарларнинг сони ва салмоғи ушбу адабиётнинг XVI асрдан эътиборан бошланган ва том маънодаги адабиёт қиёфасини олган иккинчи даврдан мутлақо фарқ қилиб, унда асосан XIII асрга тегишли Сулаймон Моқунинг етти саҳифасигина сақланиб қолган “Газкират ул-авлиё” асари ҳамда XVIII асрларда ёзилган Муҳаммад Хўтакнинг “Пэта хазона” (“Яширин хазина”) тазкирасида зикр этилган VIII – XV асрларга тегишли маълумотлар ҳамда санокли муаллифларнинг ушбу манбаларда келтирилган санокли шеърӣй ва сақланиб қолмаган насрий асарлари ҳақида гап боради.

Залмай Ҳиводмал юқорида зикр этилган манбалар ҳамда баъзи бир бошқа маълумотларга суяниб паштў тилида илк асарлар ёзилган Ғўр, Касиғар ва Мўлтон каби ҳудудларда пайдо бўлган адабий марказлар борасида сўз юритади. Жумладан, Ғўрда яшаган Амир Крўрнинг ягона фахрия шеъри паштў тилида қўлга киритилган энг қадимги шеър намунаси эканлиги таъкидланиб, бу шеърнинг таҳлили берилади. Шунингдек, Касиғар ва Мўлтонда яшаб ижод этган ўнга яқин шоирларнинг манбаларда сақланиб қолган ўнга яқин шеърӣй асарларининг таҳлили берилади ва бу даврда яратилган паштў тилидаги шеърӣй асарлар араб-форс шеърӣй жанрларини илк бор ўзлаштиришда муҳим босқич бўлганлиги тўғри кўрсатиб берилган.

Залмай Ҳиводмал асарининг энг катта қисми паштў адабиётининг иккинчи, яъни Ўрта асрлар даврининг тарихини даврлар орқали кўрсатиб беришга қаратилган.

XVI асрдан бошланган паштў адабиётининг шиддатли ривожланиши жараёнида бир неча бир-бирдан фарқ қилувчи адабий оқимлар, услублар янгитдан майдонга келган асарлар ва бу асарларнинг мазмун-моҳиятининг

давр руҳини акс эттирувчи омиллар мавжуд. Шунинг учун ҳам Залмай Ҳиводмал XVIII асргача бўлган даврдаги Ўрта асрлар афғон адабиётини бир неча босқич, тўғрироғи, йўналишлардаги адабий жараёнларга бўлади. Булар: диний-тасаввуфий йўналишдаги рўшонийлар ва Охунд Дарвеза адабий мактаблари босқичи;

Паштў адабиётини юксак босқичга кўтарган XVII асрнинг 30-йилларидан XVIII аср бошларигача давом этган Хушқолхон Хатак ва унинг адабий услуби ҳамда паштў шеърятини гўзал босқичга кўтарган ва алоҳида услубият соҳиби бўлган Абдурахмон Мўманд (Раҳмон бобо) йўналишлари;

XVIII асрнинг бошларида Қандаҳорда Хўтақлар князлигида вужудга келган адабий йўналиш босқичи;

Паштў адабиётида “ҳинд услуби”да ижод қилган Абдул Ҳамид Мўманд ва унинг издошлари йўналиши босқичи;

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистонда “руҳилқанд”, - яъни “афғонлар ўлкаси” деб ном олган минтақада яшаб, паштў тилида шеър ёзган шоирлар ижодига хос бўлган услубий йўналиш босқичи; ва ниҳоят, 1747 йил Аҳмадшоҳ Абдолини биринчи афғон давлатининг подшоҳи деб эълон қилиниши ва паштў адабиётининг кейинги тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган сарой ва саройдан ташқарида вужудга келган адабий йўналиш босқичи;

Залмай Ҳиводмалнинг таъкидлашича, XX асрнинг 30-йилларидан паштў адабиёти ривожланишининг учинчи, яъни замонавий даври бошланади. Бу олимнинг паштў адабиётини даврлаштиришга оид лойиҳасидан кўриниб турибдики, у паштў адабиётини даврлаштириш масаласида асосий эътиборини рўй берган йирик ижтимоий воқеалар, тарихий саналар, босқичлар ёки бирон-бир сулолалар билан узвий боғлашдан қочиб, масалани адабий асарларнинг мавзу ва гоёвий хусусиятлари, истеъдодли,

кўзга кўринган адибларнинг у ёки бу давр адабий жараёни услуби ва йўналишларига ўз ижодлари билан қўшган ҳиссаларидан келиб чиқиб ёндашишга ҳаракат қилади. Аммо, баъзи адабий босқич ёки йўналишларни ёритишда сулолаларнинг ўрни асосий эканлигини таъкидлашга (масалан, хўтаклар ёки Аҳмадшоҳ Абдоли даври адабиёти каби) ҳам йўл қўяди. Шунингдек, бу олим ўз китобида ҳозирги замон афгон адабиётини алоҳида даврлаштириш масаласи ҳақида эслатиб ўтиш билан чегараланиб, мумтоз адабиёт каби уларнинг босқичлари, йўналишлари ҳақида деярли тўхтамайди.


Паштў адабиётини даврлаштириш масаласи бўйича алоҳида, махсус шуғулланган афғонистонлик олим, марҳум академик Муҳаммад Сиддиқ Рухий эди. У ўзининг “Паштў адабиёти тарихини даврлари”⁷ номли салмоқли мақоласида паштў адабиёти тарихини даврлаштиришда иккита лойиҳа таклиф этади.

Биринчи лойиҳасида афғон адабиётини жанрлар асосида даврлаштиришни ўртага қўяди.

Олимнинг фикрича, VIII-XIII асрлар орасида яшаган Амир Крўрнинг ягона “фахрия”си, шайх Бэйтанининг муножоти, Исмоил Сарбэннинг голибона шеъри, Бобо Хўтакнинг жангий таронаси, шайх Тайманининг ишқий изҳори ўзларининг халқ кўшиқлари каби жуда содда, ўзига хос бадий жило ва оҳанги, табиийлиги билан биринчи адабий даврнинг асарлари ҳисобланадилар.

М.С.Рухий ушбу лойиҳаси баёни давомида иккинчи даврни паштў тилида XI асрда намуналари пайдо бўлган қасида жанри билан боғлайди. Шунингдек, газал жанрини XIV асрдан пайдо бўлиши паштў адабиётининг учинчи даври ҳисобланади. Шу билан бирга, олимнинг фикрича,

⁷ Қаралсин: Рухий, Муҳаммад Сиддиқ. Дэ паштў дэ адабий торих дауре цинга токил кедой ши? (қаралсин: Дэ адабий торих метўдўлужи). Кобул, Паштў тўлэна, 1367-қол, 14-37 бетлар.



XIV асрлардан эътиборан газал билан бир қаторда *маснавий* шаклидаги асосан, форсийдан таржима қилинган дostonларнинг паштў адабиётида пайдо бўлиши унинг тўртинчи даврини характерлайди. Лойиҳада бешинчи даврда XV асрда рубой, XVI асрдан эътиборан, яъни *олтинчи* рўшонийлар даврида газал, қасида, маснавийлар қатори биринчи марта паштў адабиётида *мухаммас*, *мусаддас*, *таркиббанд* каби шеърӣ турлар юзага келади. Хушҳолхон Хатак ижодида эса паштў классик шеърӣтининг барча жанрлари шаклланади.

Мақолада паштў адабиётининг *еттинчи* даврида XX асрнинг 20-йилларида, анъанавий мумтоз шеърӣят жанрлари қатори озод шеър, оқ шеър, новелла, кичик қисса, повесть, роман ва бошқа жанрларнинг юзага келиши таъкидланади.

Юқорида таклиф этилган биринчи лойиҳа паштў адабиётининг ривожланиш хусусиятлари ва босқичлари ҳақида тўлақонли тасаввур бермаслиги аниқ кўриниб турибди. Буни олимнинг ўзи ҳам эътироф этади ва шунинг учун ҳам ўзининг *иккинчи* лойиҳасини таклиф этади.

Олимнинг паштў адабиёти тарихини даврлаштириш бўйича ёзиб қолдирган бу иккинчи лойиҳаси даврлаштириш бўйича мавжуд бўлган ва асосан, эътирофда бўлиб келаётган илмӣ концепцияларга асосланганлиги ва изчиллиги билан диққатга сазовордир. Олим бу лойиҳасида баъзи бир методологик масалаларни ҳам ўртага қўяди ва афғон адабиётини даврлаштиришда ўз шахсий позициясини белгилашга ҳаракат қилади. Биз олимнинг ушбу лойиҳасини батафсилроқ келтириш ва шарҳлашга ҳаракат қиламиз.

Лойиҳада олим имкон қадар тарихий-ижтимоӣ - адабий даврлаштириш принципига асосланиб паштў адабиётини учта йирик даврга, яъни Қадимги, Ўрта аср ва

Ҳозирги даврларга бўлиб, бу даврларнинг ҳар бири бўйича куйидаги мулоҳазаларини ўртага ташлайди.

Унинг фикрича, юқорида зикр этилган ҳар бир давр, ўз навбатида, яна бир неча босқичларга бўлинади. Бу даврлар тарихий, ижтимоий, иқтисодий тизимлар ва шу билан бирга адабиётнинг ўзига хос, ички хусусиятлари ривожини билан мувофиқ келади. Қабилавий ҳукмронлик даврдан иборат бўлган Қадимги давр милодий XVI асргача давом этади. Адабиёт тарихида бу давр Амир Крўрдан бошланиб, рўшонийлар ҳаракати ва адабиётини юзага келишигача давом этади.

Ўрта асрлар адабий даври милодий XVI асрдан XX асргача давом этади. XX асрда эса капиталистик иқтисодий муносабатларнинг юзага кела бошлаши билан адабиётда ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй беради, унда ўша вақтининг ижтимоий вазияти ва муҳити ўз аксини топади.

Шу тартибда ҳозирги давр XX асрдан бошланмоқда. Олимнинг таъкидлашича, бу паштў адабий тарихи даврининг бир қисқача эскизидир. Чунки, ҳар бир адабий даврда умумий ва махсус ўрганилиши керак бўлган муҳим босқичлар ҳам бор. Юқорида зикр этилган Қадимги давр адабиётига назар солинса, унда Ригведа ҳамда Авесто кўшиқлари ва готлари билан тўлиқ ўхшашлиги кузатилади. Хусусан, бу кўшиқларнинг шаклларида ўзаро муштараклик бор.

М.С.Рухий таъкидлаганидек, Қадимги даврнинг асосий мавзулари, маросим кўшиқлари, марсиялари, мақтовлар, севги, айрилиқ ва ахлоқий кўрсатмалар бўлиб, уларда гоёвий ранг-баранглик ва лафзий санъатлар кўпам кузатилмайди.

Ғурийлар ҳукмронлиги даврида қасиданинг пайдо бўлиши янги бир босқич ҳисобланганлиги эслатилган эди. Қадимги даврга мансуб XI-XII асрларда ёзилган паштў қасидалари айнаи ўша даврларда юксак бадиий чўққиларга

эришган форсий қасидалар даражасидан анчайин узоқ эдилар. Улар қасида шаклига қўйиладиган юксак талабларга жавоб бериш даражаси ҳам етиб бормаса-да, лекин, уларда мазмун нуқтаи назаридан миллий бирлик тимсоллари ўз аксини топган эди.

Ўрта асрлар паштў адабиётини даврлаштириш масаласида М.С.Рухий асосан тўғри схемани чизиб беради. Аммо, бу давр адабиётини бир неча бир –биридан кескин фарқ қиладиган адабий босқичлар, йўналишлар ва услублардан иборат бўлган жиҳатлари мақолада ўзининг тўлиқ тавсифини топмаган.

М.С.Рухий мана шу Ўрта асрлар адабий жараёнини ўта умумий тарзда таърифлайди. Жумладан, олим бу давр адабиётининг қуйидагича тафсилотини беради.

Паштў адабиётининг Ўрта асрлар даври сиёсий ва мафкуравий кураш билан бошланади. Аммо, бу кураш феодал тузум чегарасидан чиқмайди. Пири Рўшон (Боязид Ансорий) бир мазҳабий фирқанинг йўлбошчиси сифатида қилич ва қалам билан курашади. Олимнинг бу фикрида ҳақиқат кўриниб турса-да, лекин, алоҳида адабий ҳодиса сифатида рўшонийлар адабиётининг Ўрта аср паштў адабиётининг сарчашмаси эканлиги, бу адабиёт узоқ асрлар тўлиқ уйғонолмай ётган адабиётнинг ислом маданий минтақасида вулқондай отилиб чиққан янги, тўлақонли бир бутун адабиётнинг юзага келганлиги, унинг нафақат гоёвий фалсафий, мазҳабий қиёфасини таъкидлаш билан чегараланиб қолмасдан, унинг ўзига хос бадиий-услубий олами шаклланганлигини ҳам очиб бериши керак эди. Чунки, Ўрта асрларнинг биринчи йирик ва тўлақонли адабий босқичи бўлган рўшонийлар адабиётидан кейин гоёвий, бадиий-услубий жиҳатдан бошқа босқични вужудга келтирган буюк Хушқолхон Хатак бошлиқ хатаклар адабий йўналиши жанрий шакллар ва баъзи гоёвий мазмун нуқтаи назарияси рўшонийлар

шеъриятининг давомчиси бўлиб кўринса-да, лекин, бу адабиёт сифат жиҳатидан буткул бошқа адабий ҳодисаси эди.

Ўрта асрлар паштў адабиётида, Залмай Ҳиводмал тўгри ажратиб кўрсатганидек, бадий олами, санъаткорона ёндашув, услубияти, тараннум этган ғоя ва образлари нуқтаи назаридан рўшонийлар ва хатаклар адабий босқичларидан кейин то XX асргача бир неча адабий йўналиш ва босқичларни кузатамиз. Булар Абдурахмон, Абдулхамид ва яна бир қатор йирик шоирлар ва уларнинг издошларининг бадий-ғоявий олами, услубияти билан боғлиқ адабий босқичлар. Бизнингча, Ўрта асрлар паштў адабиётини даврлаштиришда юқорида зикр этилган адабий йўналишларнинг бир-биридан фарқи тўлароқ очиб берилиши лозим эди. Лекин, олим Ўрта асрлар паштў адабиёти ҳақидаги мулоҳазаларини куйидаги ўта умумий ва схематик хулосаси билан яқунлаш билан чегараланади. У ёзади: “Ўрта давр адабиётида учта муҳим босқични: фикрий, сиёсий, бадий хусусиятлари, уларнинг асосий намояндалари ғоявий жиҳатдан рўшонийлар, сиёсий жиҳатдан Хушқолхон Хатак ва бадий жиҳатдан Ҳамид Мўманд ва Козимхон Шайдо ва бошқаларни кўриб чиқиш мумкин”⁸.

М.С.Рухийнинг зикр этилган бу лойиҳасида паштў адабиёти тарихининг Ўрта асрлардан кейинги, яъни Ҳозирги замон даври XX асрнинг 20-йилларидан бошланишини эътироф этади. Олимнинг таъкидлашича, Афғонистон паштў адабиётининг замонавий асри куйидаги учта муҳим босқичлардан, яъни: маърифатпарварлик (*рўшонтиё*), уйғониш (*вештиё*) ҳамда янгиланиш (*ўвуштун*) босқичларидан иборатдир.

⁸Ўша асар. 35-бет

Олим Афғонистон паштў адабиётининг ҳозирги даврининг биринчи – маърифатпарварлик босқичини 1911 йилда “Сирож ул-ахбори афғония” газетасининг нашр этилиши билан бошланди, деб белгилайди. Бу вақтда, ҳақиқатан ҳам, замонавий адабиёт пайдо бўлиши учун объектив ҳамда зеҳний-интеллектуал шароит юзага келган эди. Ижтимоий-иқтисодий шароит нуқтаи назаридан капиталистик тузум асосини юзага келтириш учун илк ҳаракатлар бошланган эди. Маданиятнинг моддий воситалари, яъни фабрикалар (жун маҳсулотларини тўқиш, оёқ кийимларини тикиш ва электростанциялар), матбуот, шифохона, замонавий воситалар (машина, телефон, фотоаппарат ва бошқалар), янгича кўчалар, бинолар, ва бошқалар каби замонавий яшаш жиҳозлари сифатида кўзга ташланади.

Хусусан, бир неча дунёвий таълим муассасаларидан Ҳабибия лицейи, ҳарбий билим юрти ва Дорулмуаллимин (Педагогика билим юрти)ни ташкил этилиши билан мамлакатда маърифат, кадрлар тайёрлаш тараққиёти йўлида сезиларли бурилиш бошланди. Сиёсий партияларни тузишга ҳаракатлар билан конституциявий тузум учун кураш бошланди. Худди шу моддий ва маънавий шароит давомида шакл ва мазмун жиҳатдан Ўрта асрлар даври шеъриятидан бир мунча фарқ қиладиган паштў замонавий шеъриятининг кўплаб илк намуналари вужудга келди.

Бу давр адабиётининг сюжети – замонавий таълим тизимини жорий қилиш, халқни маърифатга чорлаш, ёш авлодга дунёвий билим бериш, ватанпарварлик, мустақилликка интилиш, ўзаро жанжал ва фасодни, фанатизм ва реакцияни қоралаш, илм ва технология, янги маданиятни тарқатиш, мамлакат халқлари ва миллатлари орасида биродарликни мустаҳкамлаш, замонавий ҳаёт талабларига кўра урф-одат ва анъаналарни ислоҳ қилиш,

мутлак ҳукмронлик, истибдод ва мустамлакачиликка қарши халқни руҳлантириш ва бошқа шу каби миллий тараққиёт орзулари эди. Лекин, ушбу босқич адиблари шеърятни шаклан Ўрта асрлар адабиётининг шакллари ўша ғазал, қасида, рубоий, мухаммаслар каби эди.

Мақолада ҳозирги адабий давр 1-босқичининг пашту тилидаги машхур вакиллари Солиҳ Муҳаммад Қандаҳорий, Ғулом Муҳайиддин Афғон, Абдулвосеъ Қандаҳорий, Абдулали Мустағний, Абдулҳоди Довий, Мулло Абдулбоқий Кокар ва бошқалар эканлиги ҳам тўғри таъкидланади.

Мақолада Ҳозирги замон адабиётининг *уйғониш* босқичи эса Афғонистонда иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган “бедор ёшлар” ижтимоий ҳаракати билан боғланади. Дарҳақиқат, бу босқичда юзага келган бадиий асарларнинг асосий йўналиши, мазмуни адабиётга янги кириб келган зиёли, уйғонган ватанпарвар ёшларнинг қаламига мансуб эди.

Олим таъкидлаганидек, уйғониш адабий босқичининг бадиий методи танқидий реализм бўлиб, умумий тарзда бошқарувдаги фасод, бюрократизм, ўзаро можаролар, автократия, реакция, зулм ва эксплуатация, хонлар ва муллалар томонидан деҳқонларнинг эксплуатация қилинишига қарши кураш унда акс этган. Шунингдек, бу давр адабиётида паштунлар ва балужлар миллий озодлик ҳаракати, аёлларнинг демократик ҳуқуқлари, ижтимоий-сиёсий ислохотлар ва иқтисодий ҳолатни яхшилаш учун бўлган кураш мотивларини ҳам ёдга олиниши ўринлидир. Уйғониш босқичи адабиётининг шеър, қисқа ҳикоялар, адабий мемуар, драма, киноя ва адабий мақолалар каби тур ва жанрларида танқидий рух, таҳлил ўзини намоён қилди.

Уйғониш даври адабий босқичининг йўлбошчилари Гулпоча Улфат, Бенаво, Абдулхай Ҳабибий, Қиёмиддин Ходим, Сидиқулло Риштин, Абдулшукур Рашод,

Садиддин Шпун, Насрулло Ҳофиз каби сўл қанот маърифатпарварлари эдилар. Улар ўз асарларида фақат маърифий ислохотлар билан чегараланиб қолмасдан, туб фундаментал ўзгаришлар қилиш каби талаб ва орзуларни ҳам баён этишди. 1963 йил 9 мартда Муҳаммад Довуд ҳукумати алмашиши билан фикр ва сўз эркинликлари учун кураш янада авж олади.

“Халқ” ва “Парчам” газеталари чоп этилиши билан инқилобий адабиёт ривожланди ва 1978 йил Савр инқилобининг ғалабаси *янгиланиш* адабий босқичини ҳукмрон адабий босқич сифатида танитди. Ушбу янгиланиш даврининг асосий намояндалари прозада Нур Муҳаммад Таракий ва шеърятда Сулаймон Лойиқ эдилар. Паштуларнинг янги авлод шоирлари Сиддиқ Карвон, Исҳоқ Мангал, Ориф Хазон, Латиф Бахонд ва ҳикоянависликда Амин Афғонпур, Акбар Коргар, Зарин Анзур, Шоҳ Маҳмуд Ҳусайн, Барёлай Бажаурий ва бошқаларнинг ижодлари айни шу босқичга тегишли эканлигини эслаб ўтишга арзийди.

Мана шу хулосалари билан М.С.Рухий ўзининг афғон (паштў) адабиётини даврлаштириш масаласига оид мақоласини яқунлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу олимнинг мақолада кўтарган даврлаштириш масалалари, хусусан, янги адабиётнинг вужудга келиш жараёнлари билан боғлиқ даврлаштириш масалалари, унинг вафотидан сўнг 1999 йилда Пешаворда босилиб чиққан “Паштў адабиёти тарихи (ҳозирги замон даври)”⁹ китобида ўз давомини топади. Тўғрироғи, мақолада паштў адабиётининг янги даври бўйича ўртага ташланган маърифатпарварлик, уйғониш ва янгиланиш босқичлари бу китобда тўлалигича нафақат қайтарилади, балки бутун ҳозирги замон паштў

⁹Рухий, Муҳаммад Сиддиқ. Дэ паштў адабиётў торих. (дваҳим тўк). Пешовир дониш китобтун, 1999 кол.

адабиётининг янги тарихи ана шу уч босқичлар доирасида қайта кўриб чиқилади ва ушбу ҳар бир босқичга тегишли деб ҳисобланган афгон адибларининг қисқача ҳаёт йўли ва ёзган асарларининг таништирма тафсилотлари билан жиддий тўлдирилади.

Юқорида номлари зикр этилган Афғонистон олимларининг¹⁰ ўз адабиётлари тарихини даврлаштириш бўйича олиб борган изланишлари бу соҳадаги дастлабки, аммо жиддий қадамлар эди.

Афгон адабиёти тарихини даврлаштириш мавзуси Покистон ва Россияда босилиб чиққан бир неча асарларда ҳам у ёки бу тарзда ўз ифодасини топган эди. Жумладан, Покистонда¹¹ ҳам паштў адабиёти тарихини яратишда

¹⁰ Паштў адабиётини даврлаштириш масалалари алоҳида масала сифатида қўйилган юқоридаги асарлардан ташқари Афғонистонда яна бир неча китоб ва талабалар учун қўлланмалар чоп этилган эди. Булар: Зевариддин Зеварнинг Кобил университетидан нашр этилган “Паштў адабиёти тарихи” (1982 й., ротопринт) Сайид Маҳмуд Коригарнинг Кобилда тўрт марта (охирини 1989 йил) нашр этилган “Паштў адабиёти тарихи” китобларидир. Бу китобларда ҳам паштў адабиётининг ривожланиш даврлари берилди, лекин уларда асосан, А.Хабибий, С.Риштин ва бошқа муаллифларнинг асарларида зикр этилган даврлар доирасида фикр юритилди.

¹¹ Маълумки, XIX асрнинг охиригача паштун (афгон) халқи бир бутун халқ сифатида мавжуд эди. Аммо 1893 йили инглиз сиёсатчиларининг “сайъ-ҳаракати” натижасида бу халқ деярли тенг ярмидан иккига бўлиниб ташланди ва уларнинг бир-биридан ажратиб қўйган сунъий чегара – “Дюранд чизиғи” (The Durand Line) номини олади. Шу чизиқ туфайли ҳозиргача паштунлар икки мамлакат ҳудудида, яъни Афғонистон ва дастлаб собиқ Британия Ҳиндистони, 1947 йилдан кейин эса ҳозирги Покистон ҳудудида истиқомат қиладилар. Покистон Ислом Республикаси ҳудудида яшайдиган паштунларнинг (тахминан 17 млн.) маданий, тарихий маркази Пешовар шаҳри бўлиб, бу ерда университет ҳам жойлашган. Покистон паштунлари Афғонистон паштунлари каби қадимги даврдан XIX асрнинг охиригача яратилган паштў адабиётининг муштарак

анчагина диққатга сазовор ишлар қилинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Ҳозирги кунда ҳам бу ерда паштў адабиёти бўйича салмоқли илмий ишлар қилинмоқда, илмий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда паштў адабиёти тарихига оид паштў ва урду тилларида ўнга яқин китоб¹² чоп этилган бўлиб, уларнинг баъзиларида ҳам даврлаштириш масаласи алоҳида баҳсга киритилмаса-да, лекин, афгонларнинг адабиёти тарихининг ривожланиш жараёнлари у ёки бу давр доирасига олиниб ўрганилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Қуйида биз кўраётган масалага бевосита алоқаси бўлганларини кўриб чиқамиз. Бу китобларда аксарият ҳолларда даврлаштириш масаласида афғонистонлик ҳамкасбларининг тутган анъанавий йўлидан борадилар. Шу билан бирга айрим покистонлик олимларнинг паштў

соҳибидирлар. Аммо XX асрнинг бошларидан эътиборан Покистонда – ўз тарихига эга бўлган алоҳида, янги паштў адабиёти яратилди.

¹²Қаралсин: Соҳар, Фақир Хусайн. Паштў забон ва адаб про йек назар. Пешовир, 1965 сол. (урду тилида); Ризо, Муҳаммад Афзал. Дэ паштў дэ наср торих. Пешовир, 1968 кол (иккинчи нашри 1995 йилда чоп этилган), паштў тилида; Аббоси, Муҳаммад Маданий. Паштў забон авр адаб ки торих. Лоҳўр, 1969 сол. (урду тилида); Паштў адаб. Лоҳўр, 1971 сол. (Муаллифлар: Саид Анвар ул-Хаққ, Саид Форуғ Бухорий, Мир Абдул Самад, Саид Азимшоҳ Хиёл Бухорий, Муҳаммад Навоз Тойир. Паштў тилида, олти қисмдан иборат); Профессор Тоир, Муҳаммад Навоз. Руҳи адаб (Дэ паштў адабиёту торих), Паштў академи, Пешовир йуниверсити, 1986 сол. (паштў тилида); Нўшаҳри, Абдулрауф. Паштў адаб йек тариф (урду тилида). Лоҳўр, 1985 сол.; Хатак Паришон. Паштў шоири ки торих. Исломобод, 1988 сол. (урду тилида); Ҳиводмал, Залмай. Пэ ҳинд ки дэ паштў жэбэ ау адабиёту дэ ижод ау вадэ паровуна (паштў тилида). Пешовир, 1994 кол; Барақуйи, Шер Афзалхон. Дэ паштў шеър ва адаб торих (пушту тилида). Пешовир, 1995 кол.; Сайид, Тож. Паштў адаб ки мухтасар торих (урду тилида). Исломобод, 1995 сол.; Хатак, Рож Валишоҳ. Дэ паштў адабий таҳрикуна. Паштў академи, Пешовир йуниверсити, 1989 кол (паштў тилида); Обид, Абдуллажон. Паштў забон ва адаб ки мухтасар торих (урду тилида). Пешовир, 2006 сол.

адабиёти тарихига доир тадқиқотларида адабий даврлар чегараларини белгилаш ва номлашда ўз қарашларини билдиришга ҳаракат қилганлар. Жумладан, 1971 йилда пешоварлик бир неча муаллифлар ҳамкорлигида ёзилган “Паштў адаб” (“Паштў адабиёти”) ¹³ китобида афгон адабиёти қуйидагича даврлаштириб таништирилади, яъни: VIII асрдан то XVII аср бошларигача бўлган (қарийб IX аср) давр, Хушҳолхон Хатак даври (1613-1771 йиллар); 1772 йилдан 1900 йилгача бўлган давр ва ниҳоят 1900 йилдан 1970 йилларгача бўлган давр. Кўриниб турибдики, паштў адабиёти тарихи даврлари ўта умумий ва мужмал, ноаниқ белгиланган.

Бу мамлакатда паштў адабиётини ўрганиш, тарихини яратиш ишига катта ҳисса қўшиб келаётган таниқли олимлардан Муҳаммад Навоз Тойирнинг “Руҳий адаб” (“Афгон адабиёти”) ҳамда Рож Валишоҳ Хатакнинг “Дэ паштў адабий таҳрикуна” (“Паштў тилида адабий ҳаракатлар”) ¹⁴ каби йирик тадқиқотларда ҳам афгонларнинг Қадимги, Ўрта асрлар ва Замонавий адабиётининг пайдо бўлиши, шаклланиш босқичлари масалалари, унинг муҳим ҳодисага айланган асарлари ва қирраларини маълум сана-даврлар ичига олиб ўрганиш, материалларни жойлаштириш, изоҳлаш тенденцияси мавжуд бўлса-да, лекин, биз кўраётган масалада иккала асарда ҳам айтарлик янгича назарий ёки методологик ёндашув кўринмайди.

1995 йил Исломободда урду тилида босилган Тож Сайиднинг “Паштў адаб ки мухтасар торих” (“Паштў

¹³ Қаралсин: Паштў адаб. Лоҳур, Панжоб йуниверсити, 1971 сол.

¹⁴ Қаралсин: Тойир, Муҳаммад Навоз. Руҳий адаб. (Дэ паштў адабиёту торих”). Пешавир йуниверсити, 1986 кол; Хатак, Рож Валишоҳ. Дэ паштў адабий таҳрикуна. Пешавир йуниверсити, 1989 кол.

адабиётининг мухтасар тарихи”)¹⁵ китобида афгонлар адабиёти анъанавий ва ўта умумий тарзда қуйидаги катта уч даврга бўлинади:

- Биринчи давр: 750-1620 йиллар ичидаги даврларни ўз ичига олиб Амир Крўр (VIII аср)дан бошланиб рўшонийлар адабиёти вакиллар ижоди ҳамда Охунд Дарвезанинг ижоди билан ниҳоясига етди.

- Иккинчи давр: 1620-1920 йиллар орасида пайдо бўлган Хушқолхон Хатак (1613-1691), унинг издошлари, шунингдек, Абдурахмон (1632-1708) ва Абдулҳамид (1660-1732) ҳамда уларнинг адабий мактабларининг таниқли вакиллари ижоди билан тугайди.

- Учинчи давр: 1920-2000 йиллар орасига киритилади. Бу давр замонавий ва энг янги адабиётнинг чегараларидир.

Паштў адабиётини юқорида зикр этилган даврлаштиришдан кўра бироз аниқроқ деталлаштирилган лойиҳасини профессор Парашон Хатакнинг 1988 йилда Исломободда урду тилида чоп этилган “Паштў шоири ки торих” (“Паштў шеърियाи тарихи”)¹⁶ асари ҳамда Абдуллажон Обиднинг 2006 йилда чоп этилган “Паштў забон ва адаб ки мухтасар торих” (“Паштў тили ва адабиётининг мухтасар тарихи”)¹⁷, урду тилида) тадқиқотида учратамиз. Жумладан, Паришон Хатакнинг нисбатан кичик ҳажмдаги китобида паштў шеърियाи даврлари қуйидагича номланади: илк (ибтидоий) ёзма шеърят; Ёзма паштў шеърятининг бошланиши; Паштў шеърятининг иккинчи даври: рўшонийлар ҳаракати ва

¹⁵Қаралсин: Сайид, Тож. Паштў адаб ки мухтасар торих. Исломобод, 1995 сол.

¹⁶Қаралсин: Хатак, Паришон. Паштў шоири ки торих. Исломобод, 1988 сол.

¹⁷Қаралсин: Обид, Абдуллажон. Паштў забон ва адаб ки мухтасар торих. Пешовир йуниверсити, 2006 сол.

адабиёти, Дарвеза ижоди; паштў шеъриятининг учинчи даври: Хушҳолхон Хатак ва унинг издошлари; паштў ғазалининг юксалиши даври: Абдурахмон (Раҳмон бобо) ва унинг издошлари; паштў шеъриятининг тўртинчи даври: XX асрдаги адабий ҳаракатлар, деб номланади.

Абдуллажон Обиднинг асарида ҳам Ўрта асрлар паштў адабиёти уч йирик даврларга бўлиб тавсифланади. *Биринчи*, яъни Қадимги давр VIII асрдан XVI асргача, *иккинчи* давр XVI-XVII асрлар, яъни Боязид Ансорий ва унинг издошлари яратган даври адабиёт, *учинчи* давр (XVII-XVIII асрни 50-йиллари) Хушҳолхон Хатак, унинг издошлари ҳамда Абдурахмон, Абдулҳамид ва уларнинг издошлари ижод қилган давр.

Абдуллажон Обид *тўртинчи* давр сифатида замонавий ва бугунги адабиёт хусусида алоҳида боб бағишлайди ва унга, асосан, XX аср бошларидан бошланган Покистон паштў адабиётининг то ҳозирги кунгача бўлган йирик муаллифлари ижоди, газал, маснавий, рубоий каби анъанавий шеър турлари ва паштў адабиётига янги кириб келган роман, новелла драма, қисса, (повесть) хайку, озод шеър каби янги шеър шакллари ва уларнинг таниқли ижодкорлари борасида қисқа-қисқа маълумот беради. Бу бобда ҳозирги замон адабиётининг ривожланиш жараёнлари билан боғлиқ даврлаштириш ва бошқа чуқур таҳлилий масалалар кўтарилмайди.

Россия афғоншунослари ҳам паштў адабиёти тарихини ўрганиш жараёнида даврлаштириш масалаларини алоҳида қўймаган бўлсалар-да, лекин, улар ёзган мақола ёки очеркларда паштў адабиёти тарихини маълум даврларга бўлиб кўрсатилганлигини кўрамыз. Жумладан, 1950 йил таниқли афғоншунос М.Г.Асланов ўзининг “Қатта совет энциклопедияси”да чоп этилган “Афғон адабиёти” обзор мақоласида Россияда биринчилардан бўлиб, паштў адабиётида учта йирик адабий йўналиш: Боязид Ансорий

асос солган рӯшонийлар, Хушқолхон Хатак асос солган хатаклар, Абдурахмон (Раҳмон бобо) ва Абдулҳамид асос солган мумандлар адабий йўналишлари ҳақида ёзган эди¹⁸. 1962 йил бу олим 9 жилдлик “Мухтасар адабиёт энциклопедияси”нинг биринчи жилди учун ёзган илмий мақоласида ҳам паштў адабиётининг XVI асрдан, яъни рӯшонийлар адабиёти вужудга келган даврдан то XX асрнинг 50-йилларига бўлган ҳар бир даврнинг муҳим босқичларини тарихий саналар орқали қисқа, аммо лўнда тасвишлаб берган, ундаги адабий йўналишлар, оқимлар ҳақида ўз хулосаларини қолдирган эди¹⁹. Йирик афгоншунос олим Г.Ф.Гирснинг олима А.С.Герасимова билан ҳамкорликда 1963 йилда яратган ва Афғонистон адабиётини ўрганиш ва таништиришда муҳим қадам ҳисобланган “Литература Афғанистана” очеркида паштў адабиёти тарихини имкон доирасида даврлар ва босқичлар орқали кўрсатиб берилгани билан диққатга сазовордир. Муаллифлар²⁰ мазкур очеркнинг паштў адабиётига тегишли қисмларида бу адабиётнинг ривожланиш жараёнлари икки даврга, яъни Ўрта асрлар адабиёти ва Замоनावий адабиёт ҳамда Ҳозирги кун адабиёти қисмларига бўлиниб, бу даврлар, ўз навбатида, бир неча босқичлар ва номланишлар орқали характерланади. Жумладан, китобда паштунларнинг фольклори тавсифидан сўнг дастлаб XV аср паштў адабиёти ҳақида қисқача сўз юритилиб, бу асргача паштў адабиёти ҳақидаги ёзма маълумот ва манбалар жуда кам миқдорда эканлиги ва

¹⁸ Асланов М.Г. Афганская литература.—М.: «Большая советская энциклопедия». 2-изд. Т.3. 1950.

¹⁹ Асланов М.Г. Афганская литература. —М.: «Краткая литературная энциклопедия». Т.1. 1962.

²⁰ Ушбу очеркнинг “Адабий анъаналар”. “Ўрта асрлар адабиёти” ва “Замоनावий адабиёт” қисмлари Г.Ф.Гирс, “Ҳозирги кун адабиёти” эса А.С.Герасимова томонларидан ёзилган.

борлари ҳам барча олимлар томонидан бирдек эътироф этилмаганлиги, бу масалаларда олимларнинг нуқтаи назарлари қарама-қарши эканлигини таъкидлашдан бўлак мулоҳаза билдирилмайди.

Очеркида Ўрта асрлар афғон адабиёти тарихий саналар ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда XVI асрдан бошланиб XIX асрнинг деярли охиригача давом этганлигини таъкидланади. Шу билан бирга, ана шу давр ичида паштў адабиёти ривожига бир неча йирик адабий оқимлар вужудга келганлигини, жумладан, XVI асрда афғон жамиятида юзага келган мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар таъсирида шаклланган рўшониёлар диний-тасаввуфий адабий йўналиши ва бу йўналиш вакиллари яқин давом этаётган бир пайтда XVII асрнинг 40-йиллариданоқ Хушқолхон Хатак бошлаб берган янги, улкан дунёвий адабий йўналиш ҳамда кетма-кет майдонга чиққан Абдурахмон ва Абдулхамид мўминлар яратган адабий йўналишлар паштў адабиётининг XVII – XVIII асрлардаги гуллаган, бадиий камолотга етган даврлари сифатида изоҳланади.

Паштў адабиёти тарихида XIX аср бирон бир янги йўналиш, даврни белгилайдиган, фавқуллодда аҳамиятли адабий ҳодисалар рўй бермаганлиги, маълум маънода бу давр паштў адабиёти “таназзул” касаллигига учраган давр эканлиги маълум. Шунинг учун ҳам Г.Ф.Гирс бу давр паштў адабиётидан ўрин олган баъзи бир муаллиф ёки асарлар ҳақида қисқа изоҳ бериб ўтиш билангина чекланади.

Очеркда паштў Замонавий адабиёти қуйидаги беш даврга бўлиниб номланади:

- Янги адабиётнинг илк қадамлари (XX асрнинг боши);

- Мустақилликнинг дастлабки 1919-1929 йиллари адабиёти;

- Янги адабиёт шаклланишининг яқунловчи даври (1929-1939 йиллар);

- Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда маърифатпарварлик адабиёти;

- Миллий ва ватанпарварлик адабиёти (50-йиллар).

Очеркнинг охири “Бугунги давр адабиёти” қисмида паштў адабиётининг 50-60 йилларнинг бошлари Афғонистонда вужудга келган адабий ҳодисалар ҳақида сўз юритилади. Кўрииб турибдики, “Афғонистон адабиёти” очерки муаллифлари Россияда биринчилардан бўлиб, паштў адабиётини қисқа бўлсада ўрганилган материаллар асосида илк бор яхлит тарихини яратишга ва тан олинган тарихий-адабий даврлаштириш принциплари асосида ёзишга қўл урадилар. Хусусан, замонавий паштў адабиётини ўн йилликларга тақсимланиб ўрганилиши диққатга сазовордир. Албатта, кичик ҳажмдаги очеркда паштў адабиётининг даврлаштириш билан боғлиқ чуқур назарий, методологик масалаларни атрофлича ўртага қўйиш, баҳсга киритиш ёки ҳал этиш мақсади қўйилмаган. Очерк ёзилган XX асрнинг 60-йилларида бунинг тўлиқ имкони ҳам йўқ эди. Хали паштў адабиёти тарихи билан боғлиқ жуда кўп масалалар, таниқли адибларнинг ижоди ўрганилмаган, асарлари чоп этилмаган эди.

Россияда ушбу очеркдан кейин 9 жилдлик “Жаҳон адабиёти тарихи”нинг 4, 5, 6, 7-жилдлари учун Г.Ф.Гирс “Афғон адабиёти” сарлавҳаси остида XX асргача бўлган паштў адабиётининг қисқа-қисқа тарихини ёзиб қолдирди. Бу очеркда муаллиф томонидан киритилган баъзи бир янги материаллар ва ёндашувларини ҳисобга олмаганда, у асосан, юқорида зикр этилган “Афғонистон адабиёти”

очеркида Ўрта асрлар даврига оид келтирилган паштў адабиётининг қисқача тарихи²¹ тавсифини такрорлайди.

1971 йил Ленинград давлат университети Шарқ факультети олимлари томонидан талабалар учун ёзилган “Эрон, Афғонистон ва Туркия адабиётининг мухтасар тарихи” кичик қўлланмасида ҳам паштў адабиёти тарихи асосан, асрлар кесимида юқорида зикр этилган олимлар М.Г.Асланов, Г.Ф.Гирс, А.С.Герасимоваларнинг афғон адабиётига багишланган асарлари асосида даврларга бўлинган ва бу масалада бирон-бир янги ёндашув кузатилмайди. Шунингдек, москвалик афғоншунос олим Н.А.Дворянковнинг Москва давлат университети нашриётида чоп этилган “Шарқ адабиётининг энг янги даври”²² китоби учун ёзилган 12 бетлик “Афғонистон адабиёти” қисмида ҳам замонавий паштў адабиёти даврлари Г.Ф.Гирс ва А.С.Герасимова очеркида қўлланилган даврлаштириш принципларини (асосан 10 йилликлар) қисман ўзгартирилган ҳолда берилган. Лекин, бу олим XVI-XVIII Ўрта асрлар паштў адабиёти тараққиёт даврларини рўшонийлар, хатаклар ва Абдурахмон ҳамда Абдулхамидлар яратган мўмандлар адабий мактаблари тимсолида кўради.

Шундай қилиб, паштў адабиёти тарихини даврлаштириш масаласида Афғонистон, Покистон ва Россия олимларининг юқорида кўриб чиқилган кузатишлари, тезис ва мулоҳазалари орасида Залмай Ҳиводмал ва Муҳаммад Сиддиқ Руҳий, Дўст Шинворай ҳамда Г.Ф.Гирснинг позициялари ўзининг ёндашуви, улар

²¹ Қаралсин: История всемирной литературы (ИВЛ). –М.: Наука, 1987, Т.4. –С.398-400; тажже см.: –М., 1988, Т.5. –С. 473-474; –М., 1989, Т.6. –С.702-704; –М., 1991, Т.7. –С.619-620.

²² Қаралсин: Дворянков Н.А. Литература Афганистана. В кн.: Литература Востока в новейшее время. Изд-во Московского университета. –М., 1977. –С.179-191.

ажратиб кўрсатган ҳар бир адабий давр, унинг босқичларига хос бўлган умумий ва муҳим хусусиятларини ҳамда бир-биридан бадиий сифатлари жиҳатидан ажралиб турувчи белгиларини имкон қадар тўғри баҳолашлари билан ажралиб туради. Лекин, бу юқоридаги олимлар афғон адабиётини даврлаштириш бўйича барча масалаларни тўлиқ, тўғри ва узил-кесил ҳал эта олдилар, дегани эмас. Бунинг асосий сабаби паштў адабиёти тарихининг анчайин ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган нуқталари, муаммолари ушбу олимлар томонидан зикр этилган ҳар бир давр, босқичлар учун етарли эканлигидадир.

Тўғри, охириги 50-60 йил давомида Афғонистон ҳамда Покистонда паштў мумтоз ва ҳозирги замон адибларининг ўнлаб девонлари, шеърий ва насрий тўпламлари, роман ва қиссалари чоп этилди, паштў адабиётининг умумий тарихига оид ўнлаб китоблар, монографиялар, рисоалар, минглаб илмий мақолалар чоп этилиб диссертациялар ёзилди. Аммо, бу адабиётнинг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган Мирзахон Ансорий, Хушқолхон Хатак, Ашрафхон Хижрий, Абдулқодирхон Хатак, Абдурахмон Мўманд, Абдулҳамид Мўманд, Козимхон Шайдо, Хожа Муҳаммад Бангаш, Пирмуҳаммад Кокар, Гул Поча Улфат, Абдулрауф Бенаво, Сулаймон Лойик, Саъдиддин Шпун, Амир Ҳамза Шинворай, Роҳат Зоҳейли, Ажмал Хатак, Абдулғанихон Ғани, Сайид Расул Расо қабиларнинг ёзган асарларининг ижоди улкан воқеликка айланган, буюк бурилишлар ясаган Ўрта аср ва Замонавий адибларнинг ижоди, шунингдек, паштў адабиётида жанрларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиёт омиллари, шеър системаси, анъанавий ва ноанъанавий поэтика, матншунослик, ҳар бир адабий давр ёки босқичга хос бўлган бадиий тафаккур мезонлари, дунёвий ва диний-тасаввуфий адабий оқимлар

характеристикаси, индивидуал маҳорат, XX асрдан шаклланган бадиий насрнинг юзага келиши ва тараққиёти, замонавий адабиётнинг бадиий-эстетик ва ижтимоий қиёфасини белгилайдиган реалистик ва нореалистик тенденциялар, образлар тизими, лингвопоэтика, анъанавийлик ва новаторлик масалалари ва бошқа ўнлаб муаммолар ўзининг замонавий адабиётшуносликнинг назарий мезонларига асосланган комплекс, фундаментал тадқиқотлар орқали ўз баҳосини олмаган.

Шунинг учун ҳам юқорида кўриб чиқилган асарлар паштў адабиёти – тараққиёт даврларини кичик-кичик, майдарок, тор бўлақларга бўлиб эмас, балки катта-катта даврларга, босқичларга ёки мактабларга бўлиб белгилаганликлари тушунарли ҳолдир. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда бу адабиёт тарихида ўрганилмаган муаммоларнинг тўлақонли тадқиқини амалга оширилишига қадар, паштў адабиётини даврлаштиришда йирикроқ давр, босқичларга ажратиб кўрсатилиши тўғрироқ бўлади. Шундан келиб чиқиб, биз З.Ҳиводмал, М.Сиддиқ Руҳий ва Г.Ф.Гирсларнинг бу масалада таклиф қилган ёндашувлари конструктив, ва асосан, тўғри эканлигини эътиборга олган ҳолда, келгусида паштў адабиётини илмий даврлаштириш бўйича изланишларни давом эттириш лозим бўлади, деб ҳисоблаймиз.

О ПРИНЦИПАХ ПЕРИОДИЗАЦИИ КЛАССИЧЕСКОЙ ВОСТОЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

М. Имомназаров,
доктор филологических наук, профессор.

До настоящего времени существуют разнообразные принципы периодизации истории восточной литературы: а) династический, б) географический, в) историко-социологический, г) хронологический, д) жанровый, е) по стилям, ж) по мировоззрению и т.д. По нашему мнению,

характеристикаси, индивидуал маҳорат, XX асрдан шаклланган бадий насрнинг юзага келиши ва тараққиёти, замонавий адабиётнинг бадий-эстетик ва ижтимоий қиёфасини белгилайдиган реалистик ва нореалистик тенденциялар, образлар тизими, лингвопоэтика, анъанавийлик ва новаторлик масаллари ва бошқа ўнлаб муаммолар ўзининг замонавий адабиётшуносликнинг назарий мезонларига асосланган комплекс, фундаментал тадқиқотлар орқали ўз баҳосини олмаган.

Шунинг учун ҳам юқорида кўриб чиқилган асарлар паштў адабиёти – тараққиёт даврларини кичик-кичик, майдароқ, тор бўлақларга бўлиб эмас, балки катта-катта даврларга, босқичларга ёки мактабларга бўлиб белгилаганликлари тушунарли ҳолдир. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда бу адабиёт тарихида ўрганилмаган муаммоларнинг тўлақонли тадқиқини амалга оширилишига қадар, паштў адабиётини даврлаштиришда йирикроқ давр, босқичларга ажратиб кўрсатилиши тўғрироқ бўлади. Шундан келиб чиқиб, биз З.Ҳиводмал, М.Сиддиқ Руҳий ва Г.Ф.Гирсларнинг бу масалада таклиф қилган ёндашувлари конструктив, ва асосан, тўғри эканлигини эътиборга олган ҳолда, келгусида паштў адабиётини илмий даврлаштириш бўйича изланишларни давом эттириш лозим бўлади, деб ҳисоблаймиз.

О ПРИНЦИПАХ ПЕРИОДИЗАЦИИ КЛАССИЧЕСКОЙ ВОСТОЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

М. Имомназаров,
доктор филологических наук, профессор.

До настоящего времени существуют разнообразные принципы периодизации истории восточной литературы: а) династический, б) географический, в) историко-социологический, г) хронологический, д) жанровый, е) по стилям, ж) по мировоззрению и т.д. По нашему мнению,

конца X–XI веков, где **иносказательное описание** («*мажзий тасвир*») является только лишь как литературный прием.

Но, этот прием в суфийской литературе превращается в способ выражения мистической Истины. Так как сокровенный мир суфиев нельзя выразить прямыми значениями слов, они прибегают к **иносказаниям**. Так возникают художественные произведения мистического («*ирфоний*») содержания, ярким примером которых является «*Логика птиц*» («Мантик ут-тайр») Фаридуддина Аттара. Здесь “*мажоз*” представляет собой **аллегория**, т.е. птицы означают людей, вступивших в мистический путь суфиев (“*тариқат*”), Удод (“*Худхуд*”) – суфийский наставник, легендарная царь-птица **Семург** – божественная **Истина** (“*Хаққ*”), к познанию которого стремятся мистики. С XII века суфийские мотивы все больше проникают в литературу исламского культурного региона. Вместе с ними широко распространяются многозначность художественных образов «**вино**» («*май*»), «**возлюбленный**» («*ёр*»), «**друг**» («*дуст*») и т.д.

Суфии считают единственно **истинным** («*хақиқат*») Бытие Бога, поэтому их любовь к мистической Истине считается “**истинной любовью**” (“*ишқи хақиқий*”). Они этот видимый («**материальный**») мир считают иллюзорным, бранным, точнее **инобытием** («*мажоз*») истинного (божественного, вечного) мира. Из этого следует, что любовь к явлениям этого («**материального**») мира является иллюзорной, преходящей, т.е. ненастоящей любовью («*ишқи мажзий*»). Таким образом, поэты, которые воспевают божественную любовь считаются идущими по «**пути Истины**» («*хақиқат тариқи*»), а поэты, которые предпочитают воспевание явлений этого («**бренного**») мира, считаются идущими по «**пути Метафоры**» («*мажоз тариқи*»).

ни один из них полноценно не учитывает подлинной сущности художественной литературы, как вида искусства.

Художественная литература, как вид искусства, является самостоятельным путем постижения Истины бытия, которая, в отличие от науки, опирается не на логическое, а образное мышление. Поэтому, именно развитие образного мышления и должно стать основным принципом периодизации истории литературы.

Попытаюсь объяснить свой тезис только одним примером:

Восточная литература часто пользуется приемом сравнения. Например, «*юзи мисли гул*» («*ее лицо как цветок*» или «*ее лицо как роза*»). Так же можно сравнить чувство любви как чувство опьянения, на основе этого возникает сравнение «*любовь как вино*». Если из этих сравнений убрать связующее слово «*как*» уже получается художественный образ («*цветок ее лица*», «*вино любви*»), которую М.Н.Османов именует метафорой с именным определением²³. Далее мы убираем и поясняющие слова, оставляя только «*цветок*» в значении «*лицо*» и «*вино*» в значении «*любовь*». Эти слова с переносными значениями являются **иносказаниями**, которые на арабском языке передаются лингвистическим термином «*мажоз*».

Теперь рассмотрим развитие значения этого термина в исламской региональной литературе. Сначала «*мажоз*» от лингвистического значения

«**иносказание**» перешел в литературу как художественный прием **иносказательного описания**, на примерах «*Мать вина*» Рудаки, а также, в стихах соответствующего содержания Башшара Маргази и Манучехри. Это светская литература на персидском языке

²³ М.-Н.Османов. Стиль персидско-таджикской поэзии. (М., 1974, с.147

С XIV века последователи «пути **Метафоры**» открыто заявляют о своем выборе (например, Амир Хосров Дехлеви). А в конце XV века Алишер Навои теоретически обосновывает это явление как художественный метод. В чем разница «пути **Метафоры**» («*мажоз тариқи*») от «пути **Истины**» («*ҳақиқат тариқи*»).

**ПЕРИОДИЗАЦИЯ АРАБСКОЙ СРЕДНЕВЕКОВОЙ
ЛИТЕРАТУРЫ
(история вопроса)**

Т. Мухтаров,
доктор филологических наук, профессор

Периодизация является одной из основ теоретического осмысления истории любой литературы. Накопление обширного фонда фактологического материала по истории литературы вызывает потребность в его систематизации. Смысл всей системы периодизации заключается в том, что лишь на её основе можно выстроить общие теоретические посылки, исходящие из собранного и изученного материала, конкретных фактов литературы, для того, чтобы составить наше понимание истории литературного процесса и представить его в связи с историей народа и историей его культуры.

Попытки систематизации литературного наследия Арабского Востока предпринимались еще арабскими средневековыми филологами. Особенно много внимания этому уделялось в период расцвета арабской литературы в IX-XI вв. /Ибн Кутайба (828-899), ас-Сули (ум. 946), Абу-л-Фарадж ал-Исфагани (897-967) и др./ . Филологи позднего средневековья обычно исходили из традиционной для арабской средневековой историографии династической периодизации.

В Европе первой попыткой построить очерк истории арабской литературы можно считать трёхтомный труд

австрийского востоковеда И.Хаммера²⁴. Он привёл в систему все памятники арабской литературы и классифицировал их по периодам: доисламский период, период Пророка и четырёх первых халифов, литература при Омейядах, при Аббасидах и т. д. Разделение арабской литературы на «доисламскую» и «исламскую» с последующей разбивкой «исламского» периода по династиям, а в пределах династии по «специальностям» авторов тех или иных памятников письменности стало для мировой арабистики XIX века традиционным. Крупнейшим событием в изучении истории арабской литературы явилось издание на рубеже XIX - XX веков «Истории арабской литературы» К.Брокельмана²⁵. Эта книга явилась завершением целого этапа работы над историей арабской литературы и стала «необходимым» и «незаменимым» пособием²⁶ для всякого арабиста, ираниста, тюрколога и семитолога.

Значительным шагом вперед в деле создания научного очерка истории арабской литературы явилась книга Никольсона²⁷, также включившего в свой очерк всех представителей арабской письменности. Никольсон делил историю арабской литературы на следующие периоды:

1. Сабейско-химьяритский период (от 800 г. до н.э. до 500 г. н.э);

2. Доисламский период;

²⁴ J. von Hammer. Litteraturgeschichte ber Araber, - Bd. I-IV. Wien, 1850-1853

²⁵ C. Brockelmann. Geschichte der arabischen Litteratur, Bd. I-II. Weimar-Berlin, 1898, 1902; Supplementband, I-III. Leiden, 1937, 1938, 1942

²⁶ И.Ю.Крачковский. Избр. соч., т. II. М.-Л., 1956, стр. 543

²⁷ Никольсон

750); 2. Расцвет арабской литературы (750-1258); 3. Века упадка арабской литературы (1258-1800); 4. Возрождение арабской литературы (с 1800). Бесспорным достижением Пелла можно считать его стремление показать историю литературы разных периодов на широком историческом фоне, раскрыть ее исторические корни.

В арабском литературоведении XX века вопросы периодизации истории литературы до самого последнего времени также решались в духе средневековых арабских традиций. Так, крупнейший арабский историк литературы и писатель Джирджи Зайдан воспроизводил в своем четырёхтомном труде привычную схему династической периодизации, лишь слегка конкретизируя ее в отдельных деталях³¹.

В русской арабистике с конца XIX в. было предпринято несколько попыток построить общий курс истории арабской литературы (И.Н.Холмогоров, В.Р.Розен, В.Ф.Гиргас, А.Е.Крымский³²). Во всех этих трудах в основном применялась традиционная династическая периодизация.

Особое место в истории русской и мировой арабистики принадлежит И.Ю.Крачковскому. И.Ю.Крачковский³³ предложил следующую периодизацию средневековой арабской литературы: 1) Древняя Аравия (ок. 1000 г. до н. э. - 600 гг. н. э.) /сюда включается и южноарабская литература и литература Йемена/; 2) Период экспансии (622-750); 3) Багдадский халифат (750-1258) /сюда И.Ю.Крачковский включал кроме поэзии и

³¹ Дж. Зайдан. История литературы на арабском языке. т. 1-4. Каир, 1924

³² Крымский А.Е. История новой арабской литературы. М., 1971

³³ Крачковский И.Ю. Общие соображения о плане истории арабской литературы. // Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. – Т. 2. – С.569

художественной прозы ораторские речи, послания, произведения «адаба», а также исторические, географические, философские сочинения и трактаты физико-математического, медицинского и естественно-научного содержания;/ 4) Литература арабской Испании (750-1492); 5) Мамлюкский Египет (1258-1517) /сюда включались теневой театр, рыцарский роман и «1001 ночь»;/ 6) Период турецкого господства (1517-1800); 7) Новая литература.

Эта периодизация во многих своих пунктах не устарела и до настоящего времени. К моменту своего появления она с достаточной полнотой обобщала результаты деятельности филологов-арабистов всего мира, и многие провозглашенные в ней принципы, несомненно, не потеряли своего значения и до настоящего времени. В частности, положительным моментом периодизации И.Ю.Крачковского, безусловно, можно считать полный разрыв с традиционной династической периодизацией.

Литературоведы-западники и руссисты ещё в XIX веке отвергли представление о литературе как о совокупности произведений письменности и с тех пор занимаются исключительно теорией и историей художественной литературы, рассматривая литературу как вид искусства, отличительной чертой которого является создание художественного образа при помощи слова. В этих отраслях литературоведения давно поняли, что специфические закономерности развития литературы не могут быть выявлены при одновременном изучении всех памятников письменности, поскольку язык искусства - художественная образность - никак не свойственен научной, богословской и прочим специальным отраслям и видам письменности.

Поэтому в основу периодизации средневековой арабской литературы, как и всякой другой литературы,

следовало бы положить качественно различающиеся этапы художественного творчества, выделив для каждого периода главные, наиболее существенные черты, определяющие общую направленность литературного процесса. При этом, чтобы избежать узкого и мелочного схематизма, надо, прежде всего, выделить в истории развития арабской литературы большие периоды, используя в главных рубриках периодизации историческую схему, разумеется, лишь постольку, поскольку она соответствует отдельным этапам истории литературы³⁴.

Средневековая арабская литература охватывает огромный период со времени появления ее первых памятников и до конца XVIII в.

Древнейшие памятники арабской письменности восходят ко II тысячелетию до н. э. К сожалению, литературных произведений этого времени (хотя бы в отрывках) не сохранилось, и в настоящее время мы не имеем оснований говорить сколько-нибудь определенно о древней арабской литературе, а можем только предполагать о ее существовании.

Итак, всю средневековую арабскую литературу можно разделить на три больших периода:

1) Арабская литература периода возникновения феодальных отношений и образования халифата (VI в. — сер. VIII в.). Раннее средневековье;

2) Арабская литература периода расцвета халифата и его распада (вторая половина VIII-XIII вв.);

³⁴ Следует отметить, что с такой периодизацией хронологически совпадает в общих чертах периодизация Пелла. Однако мы вкладываем в формально совпадающие рубрики совершенно иное содержание.

3) Арабская литература периода мамлюкского-турецкого господства (XIII-XVIII вв.). Позднее средневековье.

Несмотря на то, что история арабских стран в VI-VIII веках наполнена значительными историческими событиями (возникновение новой религии, грандиозные завоевания и т.д.), приведшими к коренным сдвигам во всех областях идеологии, литература до середины VIII в. продолжала сохранять свои традиционные доисламские формы, что и позволяет объединить в один период несколько столь отличных друг от друга по своему историческому содержанию столетий. В связи с чем внутри первого большого периода можно выделить три самостоятельных, хотя и перемежающихся между собой по времени литературных этапа: 1) Лирическая поэзия Аравии (VI - сер. VII вв.); 2) Религиозная литература периода возникновения ислама (сер. VII в.); 3) Политическая и придворная поэзия периода арабских завоеваний и образования халифата (сер. VII - сер. VIII вв.).

Арабская литература периода расцвета халифата и последующего распада централизованного государства на ряд фактически независимых провинций также может быть разбита, по крайней мере, на три этапа. В качестве определяющего момента для этого разделения может быть принята борьба, которая происходила как в идейном, так и в чисто литературном отношении между арабами и неарабами (в первую очередь, иранцами). Разумеется, эта борьба литературных направлений была отражением политической борьбы, которая велась в халифате между арабами и шуубитами, с одной стороны, и между представителями различных классов уже сложившегося феодального общества, - с другой. Эти три этапа таковы: 1) Литературное обновление (сер. VIII - нач. IX вв.); 2)

Возврат к литературным традициям (нач. IX - нач. X вв.); 3) Стабилизация традиционной классической литературы и начало ее упадка (нач. X – XIII вв.).

Терминология («обновление», «возврат к традициям», «стабилизация»), которую мы заимствуем из работ арабских литературоведов (Ханна ал-Фахури, Марун Аббуд), представляется нам наиболее приемлемой на нынешнем уровне изученности материала.

Под литературой обновления, вслед за арабскими специалистами, мы понимаем тот этап истории литературы классического периода, которому свойственно привнесение в традиционную литературу раннего средневековья идей, жанров и стилистических особенностей, свойственных древним литературам покоренных народов (в первую очередь, иранцев). В это время арабская поэзия, замкнутая ранее в сфере традиционных тем и образов, поворачивается к реальной и многогранной жизни народов халифата. В условиях обновления арабская литература порывает с племенными традициями; стихи о вине, сатирические, благочестивые и охотничьи стихи выделяются в самостоятельные жанровые формы. Придворный панегирист из благородного шайра превращается в льстивого попрошайку.

Следующий этап развития арабской литературы арабские литературоведы определяют как возврат к традициям (или «движение противодействия»). Этот этап связан с попытками избавиться от неарабских влияний в литературе и воскресить древнеарабские литературные формы, в связи с чем арабская литература стала уходить от изображения реальной жизни; поэты отказались от непринужденности и доступности языка. Разумеется, этот поворот к прежним традициям не мог привести к полному возрождению доисламских литературных канонов. Литература этого этапа не могла избавиться от влияния

городской цивилизации. В то же время ознакомление халифатской «интеллигенции» с греческой культурой в результате широкой переводческой деятельности придало арабской литературе этого времени рационалистическую окраску, а традиции иранской культуры продолжали оказывать влияние на поэзию.

Третий этап этого периода - «стабилизация традиционной классической литературы и начало ее упадка» - наиболее богат именами крупнейших арабских поэтов и прозаиков (ал-Мутанабби, ал-Маарри, ал-Хамазани, ал-Харири и т.д.). Этому этапу свойственна самая высокохудожественная разработка традиционных идей и тем и, одновременно, возникновение формализма, подражательства и даже прямого поэтического заимствования.

Наконец, последний период средневековой арабской литературы, период мамлюкско-турецкого господства (сер. XIII-XVIII вв.), который, в общем, характеризуется неуклонно продолжающимся упадком литературы, можно разделить на два этапа, соответствующих этапам общеисторической периодизации: 1) Монгольское завоевание и установление в Египте и Сирии власти Мамлюков (1258-1516); 2) Время османского господства (1516-1798).

Разумеется, такую периодизацию, составленную с учетом достижений арабистов «старшего поколения»³⁵, надо считать лишь первым шагом на пути к созданию научной периодизации и дальнейшее конкретное изучение истории арабской литературы неизбежно приведет к серьезным изменениям в предложенной схеме.

Династический принцип периодизации опирается на внешние по отношению к литературному процессу факты.

³⁵ Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. - М., 1965

Он страдает расплывчатостью. В то же время, если преодолевать её, опираясь исключительно на доминирующие литературные жанры, то литература предстает оторванной от реальной жизни общества. Поэтому, говоря о периодизации литературы, следует признать, что речь должна идти об историко-культурной периодизации.

ЎРТА АСР АРАБ АДАБИЁТИНИ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ ХУСУСИДА

Р. Ходжаева,

филология фанлари доктори, профессор

Адабиёт тарихини даврлаштириш деганда биз миллий ёки умумжаҳон адабий жараёни ривожда йирик даврий босқичлар ажратилишини назарда тутамиз. Бу босқичлар ўз хусусиятларига эга бўлиб, уларни белгилашда турли принципларга амал қилинади. Баъзан бадий тафаккур ўлғариши, баъзан эса муайян услубларнинг устун келиши, турли йўналиш ва оқимларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар буларнинг барчаси, ўзига хос тарихий-маданий, адабий-бадий янги жараёнлар контекстида рўй беради ва бир неча турли омилларнинг мезонларини уйғунлаштиради. Даврлаштиришни тўғри ҳал этиш миллий адабиётни чуқурроқ ўрганишга, босқичларнинг моҳиятини англашга, мазмунини таҳлил орқали очиб беришга, қолаверса, ушбу миллий адабиётни жаҳон адабий жараёнида тутган ўрнини аниқлашга ёрдам беради.

Араб адабиётига келсак, у жаҳон адабиётининг салмоқли қисмини ташкил қилади, араб адабиётшунослиги эса шарқшуносликнинг энг ривожланган соҳаларидан, десак муболаға қилмаган бўламиз. Айниқса, ўрта аср адабиёти XIII асргача яхши ўрганилган ва унинг даврлаштириш масалалари етарли даражада кўриб чиқилган. Бунда Европа олимлари И.Гольдциер,

К.Брокельман, Х. Гибб, Ш. Пелла, Р. Блашер, рус арабшуносларидан И.Ю.Крачковский, А.Е.Крымский, И.М.Фильштинскийларнинг ҳиссалари каттадир.

Ўрта аср адабиётини ўрганишда Ўзбекистонда ҳам ўзига хос мактаб шаклланди, унда шаҳар адабиётига, халқ оғзаки ижоди – фольклорга алоҳида урғу берилди.

Араб ўрта аср адабиётини даврлаштиришда дастлаб бир нечта катта босқичларни ажратиб оламиз: VII асрнинг ўрталаригача қадимги оғзаки ижод, VII аср ўрталаридан то VIII аср ярмигача – илк ўрта аср давридаги ижод, уни Уммавийлар сулоласи ҳукм сурган давр билан ҳам боғлашади, VIII асрнинг иккинчи ярмидан XII асрлар араб ўрта аср адабиётининг энг етук мумтоз даври ҳисобланади.

XIII асрдан то XIX асргача араб адабиёти тарихида кеч ўрта асрлар адабиёти даври ва, ниҳоят, XIX асрдан янги давр адабиёти тарихи бошланади.³⁶

Ўз навбатида бу катта давр босқичлари майдарок босқичларга бўлинган. Масалан, сал кам 500 йиллик мумтоз араб адабиёти ривожиди (VIII-XII асрлар) “янгилиниш”, “анъанага қайтиш”, “синтез” даврлари ажратилади.³⁷

Шунинг билан XX аср 60-йилларига бориб шаклланган араб адабиёти тарихини даврлаштириш тўла маромига етди деб бўлмайди. И.М.Фильштинский бу масала тўғрисида қуйидагиларни ёзган: Ўз-ўзидан равшанки, “катта авлод” арабшунослари ютуқлари ҳисобига тузилган даврлаштиришга оид тадқиқотимизни илмий даврлаштириш яратиш йўлида фақат биринчи қадам деб ҳисоблаш керак. Араб адабиёти тарихини истиқболда аниқ ва батафсил ўрганиш биз тақдим этган схемани муқаррар

³⁶ Фильштинский И.М. Вопросы периодизация средневековой арабской литературы. В. Сб. «Промлемы периодизации истории литератур народов Востока». Из-во «Наука», М.1968. Б. 271-289

³⁷ Ўша асар, Б.287-288

жиддий ўзгаришга олиб келади. Шунга қарамасдан адабиётни ҳозирги ўрганилган даражаси асосида кўрилатган масала бўйича дастлабки мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик, чунки, улар бу муаммонинг кенг муҳокамасига асос бўлади, деб ишонамиз.³⁸

Ушбу мақолада араб адабиёти тарихини даврлаштириш масаласига кенг қамровда ёндошишга асло даъват қилмаган ҳолда унинг баъзи босқичлари тўғрисида ўз мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик. Улар асосан кеч ўрта асрлардаги ривож билан боғлиқ бўлиб, айни шу босқич тўғрисида фикрлар бирмунча чалкаш ёки ноаниқ бўлганлигини кузатамиз. Бунинг сабабини даврни илк ислом даври адабиёти ёки мумтоз адабиёти даврига нисбата кам ўрганилганлигида кўрамиз. Натижада араб адабиётшунослари таъсирида бутун бир 600 йиллик босқичга (XIII-XVIII) “таназул ва тақлидчилик” даври деб таъриф берилди.

Бу босқич К.Хюар, И.Пацци, Р.Никольсон ва бошқалар фикрича 1258 йил Аббосийлар халифалиги мўғуллар зарбасидан емирилгандан кейин то XIX асргача давом этган. Инглиз шарқшуноси Х.Гибб ўрта аср араб адабиётини даврлаштиришда 1258-1800 йиллар даврини “Мамлуклар даври адабиёти” деб кўрсатади³⁹, ваҳоланки, “Мамлуклар даври” 1250 йилдан то 1517 йилгача Миср ва Сурияда давом этган, сўнг бу минтақа 1517 йили Усмонли турклар томонидан босиб олинган ва Усмонийлар империясининг бир қолақ вилоятига айланган.

³⁸ Фильштинский И.М. Вопросы периодизация средневековой арабской литературы. В. Сб. «Проблемы периодизации истории литератур народов Востока». Из-во «Наука», М.1968. Б.289

³⁹ Гибб Х.А. Арабская литература. Классический период. Из-во Восточной литературы. М. 1960. Б.99

Немис арабшуноси К.Брокельман бу масалага аниқроқ ёндошади ва кеч ўрта асрлар адабиётини тарихий воқеалар билан боғлаб 2 даврга бўлади:

1. Муғуллар томонидан Бағдод забт этилишидан (1258) то усмоний турклар Мисрга бостириб кириши(1517), яъни мамлук султонлари даври⁴⁰;

2. Усмоний туркларнинг босқинидан (1517) то 1798 йил Бонапартнинг армияси Мисрга бостириб киришигача бўлган давр.

Аммо, олим маданий ҳаёт жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи бу икки босқичлар адабиётига “таназзулга юз тутган” деб бир хил умумий баҳо беради.

Француз шарқшуноси М.Пелло ҳам араб адабиёти тарихини даврлаштиришда 1258-1800 йилларни араб адабиётининг таназзули деб ҳисоблайди.

Аммо, унинг ватандоши Р.Блашер бу масалага бошқачароқ ёндошади. У бахрий мамлуклар давридаги, яъни XIII-XIV асрлардаги адабиётни мутлақо таназзул даври ҳисобламайди, аксинча Бағдод вайрон бўлгандан кейин маданият маркази Мисрга кўчиб ўтиши, бу ерда янги адабий шакллар пайдо бўлиши, умуман жамиятда сезиларли ўзгаришлар кузатилганлигига ишора қилиб шундай ёзади: “Аммо, VII ҳижрий XIII милодий асрдан бошлаб маданиятнинг асосий ўчоғи империя пойтахти деб эълон қилинган Қоҳирага кўчди ва натижада икки асрдан кўпроқ муддат давомида у ўз зиммасига ана шу шарафли, бироқ анча оғир ва масъулиятли вазифани олди.”⁴¹

⁴⁰ Фильштинский И.М. Вопросы периодизация средневековой арабской литературы. В. Сб. «Промлемы периодизации истории литератур народов Востока». Из-во «Наука», М.1968.С. 277

⁴¹ Блашер Р. Некоторые соображения по поводу форм, присущих энциклопедизму в Египте и Сирии в период с VIII/XIV по IX/XV в. В сб. «Арабская средневековая культура» Литература. Из-во «Наука». М. 1978. С.77

Шу давр маданиятининг энг катта ютуги бўлган энциклопедияларнинг яратилишига етарли илмий салоҳият бўлганлигига Р.Блашер ишора қилади: “Кутилганидек, ушбу даврнинг энциклопедизми фақат интеллектуал фаолият борлиги учун шаклланиши мумкин эди.”⁴²

Шуниси эътиборга молики, адабиётни даврлаштиришда сулолавий ёки тарихий-сиёсий даврлар билан боғлаб бўлишнинг тарафдори бўлмаган Р.Блашер ўзи XV асрдан бошлаб, яъни мамлукларнинг буржий (Кавказдан чиққан) сулоласи ҳукмронликка келиши билан араб маданиятининг ривожига то XIX асргача тўхташни таъкидлайди. Бизнинг назаримизда, бундай бурилиш унчалик кескин бўлмаган, XIII-XIV асрлардаги маданий тамойиллар ва анъаналар XV асрда ҳам, айниқса, биринчи ярмида кузатилди, аммо, XVI асрдан Усманий турклар даврида маданий марказ Истамбулга кўчди, араб тили Усманий турклар девонхоналарида ўз мавқеини йўқотди, Миср бир қолақ вилоятга айланди. Аммо, Фильштинскийнинг ёзишича: “... араб адабиёти бир кун ҳам воқеликнинг жонли ҳодисаси бўлишдан тўхтамади. Айни шу нарса унга бошқа, қулайроқ тарихий шароитларда янги шаклларда юксалишга имконият яратиб берди”.⁴³

Назаримизда, XIII аср иккинчи ярмидан араб адабиёти таназулга юз тутди деб ҳисоблаган ғарб олимлари араб адабиётшунослари таъсирида бўлган. Араб адабиётшунослари учун аббосий халифалар ҳомийлик қилган сарой шеърияси юксак намуна ҳисобланиб, туркий қабилалардан чиққан мамлук султонлари эса бундай шеъриятни тушунмаганлари ва қадрига етмаганлари учун

⁴²Ўша асар, Б.78

⁴³ Фильштинский И.М. Вопросы периодизации средневековой арабской литературы. В. Сб. «Промлемы периодизации истории литератур народов Востока». Из-во «Наука», М.1968.С. 279

улар давридаги шеърят юксалмаган ва бутун адабиёт “таназзулга юз тутган”. Масалан, Маҳмуд ар-Рибдавий мамлуклар даврини “Мўғуллар даври”, шу давр адабиётини эса “таназзул даври”⁴⁴ адабиёти деб таърифлайди. Ҳатто, таниқли адабиёт тарихчиси Ханна ал-Фахурий ўзининг рус тилига таржима қилинган “Араб адабиёти тарихи”⁴⁵ китобида мамлуклар даври адабиёти ва усмоний турклар даври(1258-1798) адабиётини бирлаштириб “Турклар ҳокимлиги даври” деб таърифлайди, сўнг икки қисмга бўлиб, биринчиси – 1258-1517-мўғуллар даври, иккинчисини – усмонийлар даври(1517-1798) деб номлайди. Нега араб адабиётшунослари 1258-1517 йиллар адабиёт босқичини мўғуллар номи билан боғлагани аниқ эмас. Тўғри, 1258-1260 йилларда мўғуллар Ироқ ва Сурияни забт этишди ва Миср худудига яқинлашди. Аммо, 1260 йили айни мамлук султони Қутуз ва унинг жасоратли лашкарбошиси амир Бейбарс Фаластиндаги Айн Жалут деган жойда мўғуллар билан жанг қилиб уларни шиддатли мағлубиятга учратди ва Хулагу қўшинларини орқага улоқтириб ташлади. 1260 йилдан бошлаб султонлик тахтини эгаллаган аз-Зоҳир Рукниддин Бейбарс(1260-1277 йилларда ҳукм сурган) эса Сурияни бутунлай мўғуллар ва салибчилардан озод қилди. Мусулмон сулолалари келиб чиқиши ва ҳукмронлик солномасини тузган инглиз шарқшуноси К.Э.Босворт мамлуклар салтанати тўғрисида қуйидагиларни ёзади: “Мамлук давлатининг қудрати ва ютуқлари таъсирлидир.

Мамлуклар бутун мусулмон оламида будпараст мўғуллар ва насронийларни тор-мор қилганлари туфайли юксак шухратга сазовор бўлишди. Мамлукларнинг Миср ва Сурияда ҳукм суриши иқтисодий ҳолатни кўтарилиши,

⁴⁴Рибдавий Маҳмуд, Ал-адаб ал-хадис. Дамашк, Сурия 1981. Б.34-36

⁴⁵ Аль-Фахури Ханно. История арабской литературы. Из-во Иностранной литературы, М.1961.Б. 294-309

маданият ва санъатнинг гуллаб-яшнаши билан белгиланган, айниқса меъморчилик, кулолчилик ва ўймакорлик санъатида.”⁴⁶

Демак, икки ярим асрдан ортиқ ҳукм сурган мамлуклар давлатини “мўғуллар даври” билан номлаш нотўғри ва улар даврида маданият ва адабиёт таназзулга учраган деб ҳисоблаш мантиққа тўғри келмайди, чунки, Миср XIV асрга бориб ислом маданияти марказига айланди, унинг заминида бутун мусулмон оламидан олимлар ва адиблар йиғилиб адабий-илмий ҳаёт Бағдодда сўнгандан кейин Қоҳирада ва Дамашқда яна жонланди. Баъзи замонавий араб адабиётшуносларининг даврлаштириш масаласидаги изланишларида ҳали биз янгилик кўрмаймиз, улар кеч ўрта асрлар даврини давлат бошқарувида араблар эмас, туркийлар турганига ишора қилиб тўппа-тўғри “Турклар даври” деб номлашади. Тўғри Муҳаммад Халифа “ал-аср ат-туркий – туркийлар даври” ни икки қисмга бўлади:

1. Мамлуклар даври;
2. Усманийлар даври.⁴⁷

Машҳур рус шарқшуноси И.Ю.Крачковский томонидан араб адабиёти тарихини даврлаштиришда Мамлуклар даври(1258-1517) адабиётига алоҳида ўрин ажратилган ва бу даврда энциклопедиялар, соя театри, янги халқ романлари(сиралар) пайдо бўлганлиги, “Минг бир кеча” эртаклари ёзиб олинганлиги алоҳида қайд этилган.⁴⁸ Унинг “Араб жўғрофий адабиёти” фундаментал асарида мамлуклар даври адабиётидан энциклопедияларга катта ўрин ажратилган.⁴⁹

⁴⁶ Босворт К.Э. Мусульманские династии. Из-во «Наука», М. 1971.Б. 102

⁴⁷ Муҳаммад Халифа. Ал-араб ва-н-нусус. Ал-хайат ал-омма лишуун ал-мата би ал-амирийа. Қоҳира, 1999. Б. 6

⁴⁸ Крачковский И.Ю. Общие соображения о плане истории арабской литературы. Изб.соч. Т.II.М-Л. 1956.Б.540-569

⁴⁹ Крачковский И.Ю. Энциклопедии мамлюкского периода. Арабская географическая литература. Изб.соч. М-Л. 1957.Б. 399-430

Ўрта аср араб адабиёти билимдони И.М.Фильштинскийга келсак, унинг илмий изланишлари илк ўрта асрлардан бошлаб аббосийлар даврини қамраб олади.^{50,51} Мамлуқлар даври адабиёти тўғрисида фақат баъзи мулоҳазаларни билдирган, уларда у Мисрда XV асргача иқтисодий ва маданий ривожини, шаҳар насри ва тасаввуф шеъриятининг юксалишини кўрсатиб ўтади.

“Мусулмон империясининг XIII асрда мўғуллар босиб олган ва талон-тарож қилган Ироқдан халифаликнинг ғарбий вилоятларига кўчиши араб оламининг маданий ривожини тўхтата олмади. XIII-XV асрлар араблар тарихида, биринчи навбатда Миср ва Сурияда аҳамиятли ютуқлар давридир,” – деб ёзади Фильштинский “Араб ўрта аср маданияти ва адабиёти” тўпламининг муқаддимасида.⁵² И.М.Фильштинский мамлуқлар даврида яратилган халқ романи – машхур “Султон аз-Зоҳир Бейбарс сираси”ни тадқиқ этган.⁵³

Шундай қилиб, араб адабиётининг кеч ўрта асрлар давридаги тарихига таъриф беришда яқдиллик кўрмаймиз ва бунинг сабаби, юқорида қайд қилганимиздек, шу давр маданияти ҳали етарли ўрганилмаганлигига бориб тақалади. Аммо, араб адабиёти XII асрдан кейин таназзулга учрамаганига, аксинча, XIII-XV асрларда янги ривожланиш давридан ўтганлигига шубҳа йўқ. Бу хулосага келишимизга қуйидаги омиллар сабаб бўла олади:

⁵⁰ Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века. Словесное искусство арабов в древности и раннем средневековье. М. 1977.

⁵¹ Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века: арабская литература VIII – IXв. М.1978.

⁵² Фильштинский И.М. Арабская средневековая культура и литература. Сборник статей зарубежных ученых. Составитель и автор предисловия И.М.Фильштинский. С.9

⁵³ Фильштинский И.М. Народный роман о султана аз-Захире Бейбарсе – Жизнеописание султана аз-Захира Бейбарса. М. 1975.

- XIII-XV асрларда Миср Қоҳира пойтахти билан маданий-адабий марказга айланди. Сурияда ҳам маданий-адабий ҳаёт жонланди.

- Шеърятда “зажал”, “маввал”, “ал-мувашшаҳ”, “дубайт”, “кана ва кана”, “қума” ва бошқа шеърый шакллар ривож топди. Улар халқ оғзаки ижодида яқин эди.

- Араб анъанавий қасида жанри бошқа шеърятга нисбатан устунлигини йўқотса ҳам, унинг услубида ёзилган янги жанрлар пайдо бўлди, масалан “ал-мадҳ ан-набавийа” (Пайғамбарни мадҳ этувчи қасида), тасаввуф шеърятга ҳам анъанавий “ал-қарид” шаклида айнан шу даврда ривож топди.

- Насрий жанрларда шаҳар ҳикояти ривож топди, у маиший кундалик ҳаёт мавзуларига бағишланган эди. Айни шу ҳикоятлар янги даврда замонавий ҳикоянинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди.

- Айни шу даврда дастлабки машҳур энциклопедиялар пайдо бўлди. Уларнинг муаллифлари Ан-Нувайрий. Ал-Умарий, Ал-Қалқашандийлар ўз шахсиятларида ҳам олим, ҳам адиб хусусиятларини мужассамлаштирган эди. Олим сифатида ўз асрларида илмнинг кўп соҳалари бўйича тўплаган маълумотларни жамлашди, адиб сифатида асарларга адабий унсурлар (шеърят, ривоят, мақол, масал ва ҳ.к.) ни киритишди, адабиёт масалаларига, услубга катта эътибор бердилар.

- Нисбатан қисқа даврда халқ оғзаки ижодида янги сиралар – халқ романлари пайдо бўлди. Уларнинг қаҳрамонлари олдинги сиралардан фарқли ўлароқ араб қавмига мансуб бўлмасдан, балки Дашти Қипчоқ ва Мовароуннаҳрдан чиққан туркий қавмларга мансуб бўлган мамлук султонлари Зоҳир Бейбарс ва Қутузлардир. Улар мўғуллар ва салибчилар устидан ғалаба қозонганлари учун мисрликларнинг қаҳрамонларига айланди. Бейбарс халқ

хотирасида ижодкор, донишманд ҳоким сифатида ҳам сақланди.

- IX асрдан насрнависликда кенг тарқалиб келган “адаб” жанри бу даврда мазмунан ва шаклан янгилашиб янада ривожланди. Айни шу жанр орқали араб тилининг бой имкониятлари янада намоён бўлди.

Бу ва яна бошқа омиллар ҳар бири чуқур тадқиққа лойиқдир. Сўнгги ўн йилликлар ичида араб олимлари томонидан мамлуклар даврига эътибор кучайди ва адабиётга бағишланган янги китоблар пайдо бўлди, жумладан Аҳмад Мухтор ал-Ибодийнинг “Миср ва Сурияда мамлукларнинг биринчи давлатининг барпо бўлиши”(1995)⁵⁴, Муҳаммад Зағлул Саломнинг “Мамлуклар даври адабиёти”(1996)⁵⁵, Нуриддин Халилнинг “Сайфиддин Кутуз – муғулларни қақшатган ғолиб”(2005)⁵⁶ ва бошқалар.

Бу асарлар муаллифлари XIII-XV асрлар маданияти ва адабиётига ҳолисона ёндошиб, шу даврнинг ютуқлари ва хусусиятларига объектив баҳо беришга ҳаракат қилганлари кузатилади. Мазкур тадқиқотларда XIII-XV асрлар маданияти ва адабиётини янада “жиддийроқ ва чуқурроқ” ўрганиш лозимлиги таъкидланган.

Умуман олганда, ҳар бир миллий адабиётни тўғри даврлаштириш уни ҳар босқичдаги ўзига хос хусусиятларини кашф этиб, аниқ тарихий омиллар ва устунлик қилган адабий ҳодисаларни уйғунликда ўрганишни тавсия қилади. Турли босқичлардаги адабий

⁵⁴ Аҳмад Мухтар ал-Ибадий, Қийам давлатил-мамалик ал-ула фи Миср ва-ш-Шам, ан-нашр “Муассасату шабаб ал-жомиа”, Искандария, 1995

⁵⁵ Муҳаммад Зағлул Салам, Ал-адаб фи-л-аср ал-мамлуки, Маншат ал-маориф, Искандария, 1996.

⁵⁶ Нуриддин Халил, Сайфиддин Кутуз – коҳир ал-муғул. Искандария, 2005.

ходисаларни, тарихий-типлогик метод асосида маданият ҳаёт шарт-шароитларининг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш бизда умумий адабий жараён тўғрисида тўла тасаввур яратишга имкон яратади.

К ПРОБЛЕМЕ ИСТОРИКО-ТИПОЛОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА К ИЗУЧЕНИЮ ЛИТЕРАТУР ИНДИИ И ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Т.Ходжаева,
кандидат филологических наук, доцент

Регион Центральной Азии и Индии представляет одно из важнейших по значимости и интереснейших по своеобразию явлений для изучения взаимосвязей мирового литературного процесса. Одна из существенных черт литературного процесса региона - наличие некоторых схожих характеристик для развивающихся в его пределах литератур.

Исследования последних лет свидетельствуют о типологических и генетических связях между народами Центральной Азии и Индии, обладающих общим историческим, культурным и литературным наследием. Типологическое изучение литератур предполагает «выяснение не индивидуального своеобразия литературных явлений и сходных черт и связей как таковых, а раскрытие тех принципов и начал, которые позволяют говорить об известной литературно-эстетической общности, о принадлежности данного явления к определенному типу, роду»⁵⁷.

И в этой связи следует согласиться с точкой зрения И.Г. Неупкоевой, отмечающей, что типологическому

⁵⁷ М.Б Храпченко. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. М., 1972. С. 246.

изучению должно предшествовать исследование национальной литературы.

Развитие литератур у народов Южноазиатского региона характеризуется многообразием и сложным взаимодействием. Сложность в том, что они испытывают влияние политической и идеологической расчлененности и подвержены различному влиянию извне как по интенсивности, так и по объему. В свою очередь, это требует уточнения в периодизации, определения понятий и терминов применительно к каждой из них.

В исторической последовательности в этом вопросе можно вычлениить, опираясь на принципы историко-культурного развития регионов, 4 периода:

1. Просветительская литература (вторая половина XIX в. - начало XX в.).
2. Первая половина XX века.
3. Вторая половина XX века.
4. Конец XX века - начало XXI в (с 1991 г. - по наши дни).

В жизни народов Центральной Азии ко второй половине XIX в. произошли важные изменения - глубокий экономический и политический кризис, когда в недрах феодального общества стали зарождаться элементы нового буржуазного строя. В этих условиях усиливался рост рабочих слоев, крестьянской и городской бедноты, буржуазных элементов, развертывалась национально-освободительная борьба против колонизаторского режима. В новой исторической обстановке и возникла новая литература, главным качеством которой были - более тесная связь с жизнью и борьбой народов, просветительно-демократические черты, интерес к западной культуре, к русской литературе. Наиболее яркими представителями просветительской литературы в узбекской литературе можно считать Муками, в казахской

Абая, в таджикской Ахмада Дониша, Бердаха - в каракалпакской. Общей, наиболее важной чертой их творчества является развитие реалистического начала в литературе.

Просветители Индии выступали поборниками буржуазно-демократических преобразований, духовного раскрепощения личности от средневековых предрассудков. Они выражали идеологию складывавшийся национальной буржуазии, что имеет много общих черт с исторической обстановкой народов Центральной Азии. «Главные темы творчества всех крупных писателей хинди в конце XIX в. - начале XX в. связаны с борьбой против тирании колонизаторов, пробуждение национального самосознания, за утверждение новых, более гуманных общественных идеалов»...⁵⁸

Это Б. Харишчандра, М. Дотто, Р.М. Рой, С.А. Хан, Хали, Озод и другие. Героем этой новой литературы, как и в литературах Центральной Азии был борец за национальное освобождение, за социальную справедливость, за национальное возрождение. Так же как и в литературе Индии, в литературах Центральной Азии наблюдалось сосуществование разных стилей, развитие романтического и сентиментального начал и отдавалась дань традиции. В то же время прослеживаются настойчивые творческие поиски нового. В таких условиях формировался просветительский реализм.

С начала XX века наблюдается определенное размежевание среди просветителей Центральной Азии. Один из них развивали свою деятельность приспособившись к местной буржуазии, другие всё более осознавали ограниченность одного лишь просветительства

⁵⁸ Б.И. Балин. Социальные воззрения Бхаратенды Харишчандры. Труды межвузовской научной конференции по истории литератур Зарубежного Востока. М., 1970. С. 133

в условиях, когда в России нарастала революционная ситуация. Такие просветители призывали к активной борьбе народа за освобождение. Это идейная борьба развернулась и в национальной периодической печати, и в отдельных произведениях. Кроме этого, мировая война 1914 г., народные выступления 1916 г. в Центральной Азии - всё это требовало от писателей определить свою позицию. В эту эпоху складывается Новейшая литература принципиально нового типа, национальная по форме и социалистическая по содержанию.

В 20-30 г. XX в. в литературах Центральной Азии проявилось, но уже в иных исторических условиях черты эволюции просветительства. Одним из ярких представителей этой эпохи был Х.Х. Ниязи в узбекской литературе, Садриддин Айни в таджикской литературе, С.Сайфулла в казахской поэзии. Литература искала пути развития, формы художественного воздействия на массы, новые эстетические идеалы и нормы, жанры.

Это революционные песни – марши Хамзы а Айни. Это реалистическая проза и драматургия, художественный очерк, репортаж, которые нашли отражение в творчестве узбекских писателей 2-й половины 30-х годов (Айбек, Г.Гулям, Х.Алимджан, в таджикской литературе – М.Турсунзаде).

И третий период в развитии литератур Центральной Азии - это период после 1945 г. После второй мировой войны, литературы Центральной Азии вступили в новый этап своего развития, они вышли на мировую арену благодаря высокому художественному мастерству и уровню писателей. Значительно расширилась читательская аудитория благодаря переводам на многие языки. Это произведения Г.Гуляма, Яшена, А.Каххара, Уйгуна. Наряду с методом критического реализма наблюдается развитие литературы социалистической ориентации,

взаимодействие реалистических и романтических тенденций.

Наряду с такими жанрами как новелла, поэма, очерки существуют и распространяются своеобразные жанровые формы, как гражданская газель. Усиливается процесс интернационализации формы благодаря интенсивному росту переводов.

В литературах Индии - это период с 1947 г., когда наряду с укреплением позиций реализма оптимистические настроения на успех в строительстве новой жизни после независимости вносят романтическую струю в творчестве многих писателей. Романтизм в 50-х годах проявляется в поэзии и прозе. В прозе - в рассказах и романах наблюдается взаимодействие реалистических и романтических тенденций (рассказы и романы К. Чандара, произведения А. Притам.

Под влиянием событий 1917 г. в литературах Индии так же отразились настроения общего революционного подъема и большую роль в этом сыграла демократическая печать, на страницах которой выступают многие деятели освободительного движения, прогрессивные писатели и журналисты. Это поэт хинди Нирала, это основатель современной тамильской литературы С. Баради, это Маулана Абул Калам Азад, это Премчанд. Революционным романтизмом овеяны некоторые произведения Тагора. Символична его пьеса «Красные олеандры» (1924). Одним из первых в Индии М. Икбал обращается к трудящимся всего мира с революционным призывом («Хизр - проводник», «Крыло Джабраила» 1935), бенгальский поэт Назрул Ислам («Бунтарь»), в литературе урду Джош Малихабади («Мечта о падении тюрем» 1921), С. Пант и т.д.

В то же время в литературах народов Индии развивающихся в других исторических условиях в 20–30-х

наблюдается большое влияние идей М. Ганди-нравственного самосовершенствования, призыв к несопротивлению злу насилием. В 30-х годах часть писателей отходит от гандистских воззрений, разоблачают жестокость и лицемерие власть имущих т.е. так же наблюдается идейное размежевание(романы Шоротчондро Чоттопадхайя.) В 30-х годах углубляются противоречия между английским империализмом и индийской национальной буржуазией, создается единый фронт всех социалистических идей. В индийскую литературу входит новый для неё образ - представителя рабочего класса, революционного борца, усиливается критическое начало, закладываются основы метода критического реализма.

Так же как в литературах Центральной Азии получает развитие литература социалистической ориентации, пути и формы которой сложены и противоречивы.

Становятся всё более заметными тенденции социалистического реализма. Это романы Яшпала «Товарищ Дада», «Мятежник», роман «Революция» (1949) писателя урду Х.А. Аббаса, роман М.Р. Ананда «Меч и серп» (1955), роман Кришан Чандара «Когда пробудились поля» (1951). В 60–70 годах можно наблюдать усиление позиций реализма в прозе, усиление критического начала, развитие таких жанров как новелла, очерк, одноактная пьеса, так же как в литературах Средней Азии.

Что касается периода после 1991 - это отдельный самостоятельный вопрос, требующий специального рассмотрения. Необходимо только отметить, что узбекская литература как и другие литературы региона развивались, осваивая лучшие традиции мировой литературы, опираясь на лучшие достижения литературного национального наследия и здесь уместно поставить вопрос и о взаимообогащении и о влиянии мировой литературы и взаимосвязях с литературами Индии.

В целом можно говорить, во-первых, об идейно-тематических и проблемных параллелях в литературах Центральной Азии и литературах Индии определенных этапах развития, а также о схожих тенденциях появления и формирования художественных методов о динамике типологически общих эстетически значимых фактов.

Причём, уровни типологических исследований могут быть разными и конкретными по каждому этапу: типология литературных направлений, жанров и т.д. Что касается условной периодизации, обозначенной ранее, специфика историко-культурного развития регионов внесла, как мы видели, некоторые уточнения:

1. Просветительная литература – вторая половина XIX – начало XX в. (Новый период)
2. Первая половина XX века – до 1947 г. (Индия); до 1945 г. (Центральная Азия) (Новейший период)
3. Вторая половина XX века – после 1947 г. (Индия); после 1945 г. (Центральная Азия) (Новейший период)
4. Конец XX – начало XXI в. (Индия); с 1991 г. – начало XX в. (Узбекистан) (Современный период) и т.д.

Терминологически каждый из периодов соответственно обозначен во многих исследованиях как в СНГ, так и в Индии. Но индейские литературоведы обозначают и XIX и XX век термином «адхуник» - современный, что не предполагает обозначение тех существенных различий, которыми отмечается каждый из этих периодов.

Литература:

1. Брагинский И. Проблемы востоковедения. М., 1974, 494 с.
2. Бушмин. Методологические вопросы литературоведческого исследования. М., 1969, 169 с.
3. Взаимосвязи и взаимодействия национальных литератур. М., 1961, 439 с.

4. Вирк К.С. Время Земли. Рассказы. М.: Прогресс, 1974, 223 с.
5. Генезис романа в литературах Азии и Африки. М., 1980, 288 с.
6. Гуляев Н.А., Богданов А.Н., Юдкевич Л.Г. Теория литературы в связи с проблемами эстетики. М., 1970, 379 с.
7. Идеологическая борьба и ответственность художника. М., 1964.
8. История индийских литератур. Под ред. Нагендры. М., 1964.
9. Конрад Н.И. Запад и Восток. М., 1972.
10. Мачве Прабхакар. Современные течения в литературах на индийских языках. Иностранная литература. М., 1959, №1.
11. Методология современного литературоведения. Проблемы историзма. М., 1978.
12. Новая история Индии. М., 1961.
13. Новейшая история Индии. М., 1959.
14. Подкацкая И. Поэтика жанра и национальное своеобразие. Вопросы литературы. 1969, №1.
15. Полинова О. К проблеме становления реализма в современном индийском романе (автореферат). Т., 1971.
16. Проблемы индийского романа. М., 1974.
17. Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока. М., 1964.
18. Идеологические проблемы в литературах Востока. М., 1971.
19. Индия: 1998. Ежегодник. М., 1998.
20. Литературы Азии и Африки. Опыт XX в. М., 2002.
21. Перегудов Л.В., Саидов М., Аликулов Д.Е. Методология научного творчества. Т., 2002.
22. Теоретико-литературные итоги XX в. М., 2002.
23. Теоретические проблемы восточных литератур. М., 1969.
24. Труды межвузовской научной конференции по истории литератур зарубежного Востока. М., 1970.
25. Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. М., 1972.
26. Чаухан Ш. Очерк истории литературы Индии. М., 1960.

ҲИНДИСТОН ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИНИ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИГА АЙРИМ ҚАРАШЛАР

У.Муҳибова,

филология фанлари номзоди, доцент

Адабиётни даврлаштириш адабиётшуносликнинг назарий ва амалий асосларига эга бўлган масалалардан бири бўлиб, ҳар бир миллий адабиётда у ўзига хосдир. Жумладан, Ҳиндистон халқлари адабиёти кўптилли адабиётлардан бўлгани боис бу масала ҳар бир миллий адабиётда турлича ҳал этилади. Бу ҳар хилликнинг асосида уларнинг ягона бир негиз эга бўлган ҳолда⁵⁹ турли даврларда миллий адабиёт сифатида шаклланганлиги объектив сабаб сифатида ётади. Мазкур мақолада ҳинди (шимол) ва маратхи (жануб) адабиётларининг даврлаштириш масаласига ҳинд ва рус адабиётшунос олимларининг фикрига айрим муносабатлар билдирилади.

Ҳиндистон субконтинентида аслида икки тил – ҳинд-орий ва дравид тиллари гуруҳига кирувчи тилларда адабиёт яратилган. Ҳинд-орий тиллар гуруҳи Ҳиндистоннинг шимолий қисмларида ва дравид тиллар гуруҳига кирувчи тиллар эса мамлакатнинг жанубий қисмларида тарқалган. Санскрит тилидаги адабиёт эса қадимдан бутун субконтинент адабиёти сифатида баҳоланади. Лекин, бугунги кунда жанубий тиллардан тмил тили ва адабиёти шу ҳудуддаги энг қадимий адабиётлардан бири сифатида баҳоланмоқда.

Жанубий тиллардаги адабиётлардан яна бири маратх адабиётидир. Бу адабиётни даврлаштириш масаласига рус ҳиндшуносларидан В.К. Ламшуков⁶⁰ ўз муносабатини

⁵⁹бу ерда санскрит тилидаги адабиёт назарда тутилади

⁶⁰О периодизации маратхской литературы. В книге.: Проблема периодизации истории литератур народов Востока, М, 1968,

билдирган ва у мазкур адабиётни куйидагича даврлаштиришни таклиф этган:

1. Ядав даври – 1189-1320
2. Бахманидлар даври – 1320-1600
3. Маратхлар даври -1600-1700
4. Пешвлар даври – 1700-1850
5. Британияликлар даври – 1850-1947

Маратх адабиётшунос олими Шарсоде К⁶¹. эса маратх адабиётини куйидагича даврлаштиришни таклиф этади:

1. Илк шаклланиш даври 1150-1350
2. Илк ўрта асрлар даври 1351 – 1651
3. Кеч ўрта асрлар 1651-1821
4. Янги давр 1821 йилдан бошланади ва уни ҳам икки даврга ажратади. (1821-1876 биринчи давр, 1876-1954 иккинчи давр)

Маратх адабиётини ўрганган ҳинд адабиётшунос олими Прабхакар Мачве⁶² ҳам маратх адабиётини даврлаштириш масаласига ўз муносабатини билдиради:

1. Қадимий давр – X-XVI асрлар: варкарлар мактаби шеърляти: (натх Мукундража, Днянешвар, Намдев ва Экнатх (1533-1599)лар ижодий мероси).

2. Ўрта асрлар – XVI-XVII асрлар. Муктешвар ижоди билан бошланади ва Рамдзоши, Анантпхант, Хонаджи Бали, Саганбхау, Прабхар Датара, Парашурамлар ижоди билан яқунланади. Бу давр маратхларнинг Бахманидларга (мусулмонларга) қарши кураш ва «Махабхарата» ва «Рамаяна» эпосларига мурожаат қилган даври.

3.Замонавий давр - 1818 йилдан бошланади. Махараштра штатига инглизларнинг кириб келиши ва Пашв давлатининг инқирози билан боғлиқ мураккаб ва қарама-қаршиликлар даври.

⁶¹Шарсоде К. Маратхс адабиёти тарихи. Аллахабад, 1943. Б.32

⁶²Прабхакар Мачве. Маратхи ва унинг тарихи. Дехли, 1986 (хинди тилида) Б.234

XVII асрда Махараштрада давлатчилик шаклланади. Пандиткави⁶³ ўрнига санткави⁶⁴ ривожлана бошлайди. Санскрит адабиётидаги сюжет ва жанрлар маратх адабиётига кириб келиб, унда мураккаб образ, услуб ва бадиий тасвир воситалари билан бойитиш даври бошланади. Бу йўналишда ижод қилган шоирларга Ваман (1606-1665), Рагхнатх (1630-1720), Шридхар (1678-1729), Моропант (1729-1794) кабилар киради. Санскрит шеъриятининг анъанавий канонларидан четга чиқиш ва шахира номли халқ кўшиқларининг ривожланганлигини кузатиш мумкин.

Янги давр маратх адабиёти XIX асрдан, яъни инглизлар ҳукмронлик қилган даврдан бошланди ва унда, миърифатпарварлик адабиёти ривожланади. Шу даврда ижод қилган Пхуле (1827-1890), Брахмачари (1825-1871) ва Дешмукх (1823-1892)лар маърифатпарвар шоирлар жумласидандир.

Ҳинди адабиётини даврлаштириш масаласига ҳам кўпгина адабиётшунос олимлар томонидан фикрлар билдирилган, хусусан, ҳиндий адабиётини Вишванатх Трипатхи қуйидагича даврлаштиради.

- Қадимги давр (виргатха кал) - 1157-1375
- Илк ўрта асрлар (бхактикал) 1375-1700
- Кеч ўрта асрлар (ратикал) 1700-1900
- Замонавий давр (гадя кал) 1957 дан

Қадимий давр Харша ҳукмронлиги даври, унда сиддх, нитх ва жайн адабиётлари ва қаҳрамонлик поэмалари, хусусан, расо жанри шаклланди.

Илк ўрта асрлар (бхактикал): 1432-1757

⁶³ Динга ва диний китоблар мазмуни билан боғлиқ шеърият

⁶⁴ Диндан узоклашиб фақат Яратганга меҳр ва садоқат туйхулари билан сугорилган тасаввуф шеъриятига ўхшаш шеърият

- *Ниргун кавья*: Кабир (1398-1518), Редас (1388-1518), Гуру Нанак (1469-1538), Дадудайал (1544-1603), Сундардас, (1596-1689), Ражжаб (1567-1689).

- *Ишқ мавзусидаги ёки суфий шеърят*: Кутубан (1567-1689), Малик Мухаммад Жаяси (1492-1542).

- *Сагун бхакти*: Рамбхакти: Тулсидас(1532-1623), Набхадас (16 аср)

- *Кришнабхакти*: Нанддас (16 аср), Кришнадас (16 аср), Мирабаи (1498-1546), Расхан (1548-1628), Рахим (1556-1627).

Ҳиндий адабиётини даврлаштиришга таниқли адабиётшунос олим Ачарья Рамчандра Шукла⁶⁵ ҳам ўз муносабатини билдирган:

- Қадимий давр (адикал - виргатха кал) 1107-1432

- Илк ўрта асрлар (бхактикал) 1432-1757

- Кеч ўрта асрлар (ритикал) 1757-1900

- Замонавий давр (гадя кал) 1900 дан

Нанда Дуларе Важпей ҳам ҳинди адабиётини куйидагича даврлаштиришни таклиф этган:

- Қадимий давр 1107-1432

- Илк ўрта асрлар 1432-1757

- Кеч ўрта асрлар 1757-1907

- Замонавий давр 1907дан хозиргача

Қадимий давр: расолар: “Притхвираж расо”, “Кхуман расо”, “Бисалдев Расо”лар хиндий тилидаги биринчи назм.

Илк ўрта асрлар: Кабир, Даду, Малукдас, Сурдаслар шеърятти.

Кеч ўрта асрларда: Кешавдас, Бихарилал, Чинтамани, Матирам, Бихаридас, Падмакар, Бхушанлал кабилар ижоди. **Суфий адабиётда**: XV-XVI асрларда Малик Мухаммад Жаяси, Кутубан, Манжхан, XVII асрда шайх

⁶⁵Ачарья Рамчандра Шукла. Хиндм сахитья ка итихас. Дехли. 1968

Наби, Усмон, XVIII асрда Қосимшоҳ, Нур Муҳаммад ва бошқалар ижоди.

Бхактӣ адабиётининг сағун бхакти йўналишида: Рамбхактида: XVI асрда Тулсидас, XVII асрда Аградас, Набхадас, Пранчанд Чаухан, Хитхариванш, Хридайрам ва бошқалар.

Кришнабхакти йўналишида: XV-XVI асрларда Сурдас, Нанддас, XVII асрда Мирабаи, Кришнадас, Параманаддас, Кумбхандас, Чатурбхужадас, Чхитсвами, Гададхар, Говиндсвами ва бошқалар ижоди.

Кеч ўрта асрларда: Инглизларнинг кириб келиши ва адабиётга ғарб таъсирининг кучайиши, маърифатпарвалик адабиётининг шаклланиши.

Замонавий давр XX аср биринчи ўн йиллигидан бошланади ва бу давр Ҳиндистонда озодлик учун кураш гоёлари кучайиб бораётган давр ҳисобланади. XX аср ўрталарига келиб озодлик мавзуси бутун Ҳиндистон халқлари адабиётининг етакчи мавзусига айланди.

Ҳинди адабиётининг худудаларига ҳинди тилида сўлашиладиган ва бадиий асарлар яратилган худудлар кириди, улар, Харияна, Химачал, Деҳли, Уттаранчал, Уттар прадеш, Бихар, Жхарканд, Мадхья прадеш ва Чхаттисгарх худудлари.

Ҳиндий тилининг бир неча диалектлари мавжуд, улар ғарбий ва шарқий диалектлар бўлиб, улар қуйидагича номланади: кумаюни, гархвали, химачали, хариянви, кхари боли, браж, авадхи, багхели, бунделкханди, бхожпури кабилар.

Демак, ҳинд адабиётшунос олимлари ҳиндий адабиёти ривожланишини, асосан, XII асрлардан бошланган деб ҳисоблайдилар ва буни шу даврларда яратилган адабий мерослар билан исботлайдилар.

Демак, Ҳиндистон халқлари адабиётини, хусусан миратҳи ва ҳинди адабиётларини, даврлаштириш

масаласига кўпгина адабиётшунос олимлар ўз муносабатларини билдирганлар ва бу даврлаштиришда қўлланилган принципни, яъни В.К. Ламшуков қўллаган сулолалар номига кўра даврлаштириш, Ачарья Рамчандра Шукла ва Вишванатх Трипатхи қўллаган даврнинг етакчи мафкуравий олами асосида даврлаштириш ҳамда Шарсоде К., Прабхакар Мачве, Нанда Дуларе Важпейлар қўллаган милодий аср ҳисобидаги хронологик тарзда даврлаштиришни биз бошқа миллий адабиётларда, жумладан, тамил, телугу, канара, панжоби, гужароти ва бошқа миллий адабиётларда ҳам кузатишимиз мумкин. Ҳинд мутахассислари ҳинд миллий адабиётларини даврлаштириш масаласида хали аниқ бир тўхтамга келганлар деб ишонч билан айта олмаймиз, чунки, манбаъларда ҳар бир адабиётшунос ўзи тўғри деб ҳисоблаган даврлаштириш асосида адабиёт тарихини ўрганади ва бу анъана ҳанузгача давом этиб келмоқда. Бундан келиб чиқадики, Ҳиндистон халқлари адабиётини даврлаштириш масаласи ўзининг хали якуний ечимини топган эмас ва бу масалага, албатта, XXI аср адабиётшунос олимлари янгича қарашлар ва мулоҳазалар билан масалани якунига етказадилар, деб умид қиламиз.

МУМТОЗ АРАБ АДАБИЁТИНИНГ ДАВРЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

М. Зиявуддинова,
филология фанлари номзоди, доцент

Ўрта аср араб адабиётини даврлаштириш масаласи билан, асосан, европалик шарқшунослар шуғулланганлар. XIX аср охири XX аср биринчи чорагидан бошлаб рус шарқшунослари ҳам араб адабиётини даврларга бўлиб ўргана бошладилар. Улар И.Н.Холмагоров, В.Р.Розен, В.Ф.Гиргас, А.Е.Кримскийлар анъанавий даврлаштиришга

асосланиб, араб адабиёти тарихига оид дарсларни олиб бордилар.

И.Ю.Крачковский Ўрта аср араб адабиётини қуйидагича даврлаштирди: 1) Қадимги арабистон (эр. илг. 1000 йилдан эрамининг 600 йилгача). 2) Фатх юришлари даври (622-750). 3) Бағдод халифати (750-1258). 4) Араб Испанияси адабиёти (850-1492). 5) Миср мамлуклари даври (1252-1517). 6) Турк хоқонлиги даври (1517-1800). 7) Янги адабиёт.

И.М.Фильштинскийнинг “Ўрта аср араб адабиётининг даврлаштириш муаммолари” мақоласида ўрта аср араб адабиётини учта катта даврга тақсимлайди, булар: 1) Илк ўрта аср адабиёти (VII аср охири – VIII аср ўртаси); Мумтоз адабиётнинг гуллаб-яшнаган даври (VIII – XII асрлар); 3) Кеч ўрта аср адабиёти (XIII – XVIII) деб номланган.

Мумтоз араб адабиётининг гуллаб-яшнаган даври 3 босқичга бўлинади: 1) “Янгиланиш” даври адабиёти (750 – IX аср биринчи чораги), 2) Қадимиятга қайтиш даври адабиёти (IX аср биринчи чораги охири – X аср бошлари), 3) Араб адабиётининг равнақ даври (X-XII асрлар).

Андалузия адабиёти ҳам 3 босқичга бўлинади: 1) Тиклид даври адабиёти (VIII – X асрлар), 2) Янгиланиш даври адабиёти (XI – XIII асрлар), 3) Андалуз адабиётининг таназзул даври (XIV – XV асрлар)

Юқорида қайд этилган даврлаштириш масалаларига суянган ҳолда ўзбек тилида яратилган “Мумтоз араб адабиёти” номли ўқув қўлланмамаизни қуйидаги даврларга ажратиб талабалар эътиборига ҳавола этдик.

I боб. Қадимги давр араб адабиёти (V – VII аср бошлари). Бу даврда Исломдан илгариги давр адабиёти кўчманчи бадавий шоирлар шеърини ва шудаврдаги сарой шеърини намояндалари ҳақида сўз боради.

II боб. Куръони карим ва ҳадиси набавийя деб номланади. Унда Куръони карим, ҳадис ва муҳаддислар Имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий ҳамда илк Ислом шоирлари ҳақида фикр юритилади.

III боб. Ўрта аср араб адабиёти (VII аср охири – XVIII аср) деб номланиб, дастлаб илк ўрта аср адабиёти (661-750 йил) ҳақида сўзланади. Унда Умавий сарой шоирлари, Ҳижоз ишқий шеърляти ҳамда илк ўрта аср араб насри ҳақидаги маълумотлар жой олган.

IV боб. Араб мумтоз адабиётининг равнақ даври (VIII аср ўрталари – XII аср) бўлиб, дастлабки давр “янгилиниш” даври адабиёти ҳақидадир. Унда мазкур давр шеърляти ва насри ҳақида сўз юритилади.

V боб. “Қадимиятга қайтиш даври” адабиёти қисмида шу давр шоирлари ижоди билан бир қаторда адабий жараён ҳақида гап боради ҳамда “Китобал-бадиъ” (“Бадиият китоби”) ва унинг муаллифи, издошлари ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилади.

VI боб. Адабий тараққиёт даври шеърляти хусусидадир. Унда машхур шоирлар ал-Мутанаббия, Абу Фирас ва Абу-л-Алаал-Маъррийлар ҳақида сўз боради.

VII боб. Тараққиёт даври насри ҳақида бўлиб, унда мақома ва сира жанрлари хусусида маълумотлар берилади.

VIII боб. VIII – XV асрлардаги араб-испан адабиётига бағишланган ва у бир неча даврларга ажратилган ҳолда ўрганилади.

IX боб. Кеч ўрта аср (XIII – XVIII) араб адабиёти деб номланади ва, асосан, шоирлар ва сўфий шеърляти ҳақида сўз боради.

X боб. Кеч ўрта аср насри. Унда “Минг бир кеча” асари ва унинг яратилиш тарихи ва халқ романлари жанри хусусида фикр юритилади.

Демак, китоб мумтоз араб адабиётининг V асрдан XVIII асргача бўлган даврини ўзичига олади. Тадрижий

равишда берилган ҳар бир боб би неча фасллардан иборат. Унда кўплаб шоирлар ва адиблар ижоди ҳақид амаълумотлар ҳамда шоирлар шеърятидан баъзи намуналар ҳам ўзбек тилига ўгириб берилган.

ЗАМОНАВИЙ ЭРОН РОМАНЧИЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИНИ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

С. Сотиболдиева,
филология фанлари номзоди, доцент

Кўп асрлик мустаҳкам адабий илдизларга эга бўлган Эрон адабиётида янги типдаги роман жанрининг пайдо бўлишидан ҳозирги кунги ҳолатигача бўлган давр бир асрдан ортиқроқ вақтни қамраб олган бўлиб, бу вақт оралиғида роман жанри ўзига хос мураккаб тараққиёт босқичини босиб ўтди. Аксарият шарқ халқларида бўлгани сингари Эрон адабиётига ҳам янги, европа типигаги насрий жанрларнинг, хусусан роман жанрининг кириб келиши мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий вазият билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, кўп шарқшуносларнинг ишларида Европа адиблари ижодидан қилинган таржималарнинг Эронда роман жанрининг пайдо бўлиши ва тараққиётидаги ўрнига бот-бот урғу берилади⁶⁶. Эрон

⁶⁶Browne E.G. History of Persian literature of Modern Times (A.D. 1550-1924). Cambridge, 1924; К.Чайкин. Краткий очерк новейшей персидской литературы. М., 1928; К. Болоев- «La genies du roman persan modern» (1998 й.); Бертельс Е.Э. Персидский исторический роман XX в. В книге: Избранные труды. История литературы и культуры Ирана, М., 1988, 363-375 стр.; Бертельс Е.Э. Очерки истории персидской литературы. Л., 1928; Махальский Ф. Персидский исторический роман XX в. // Зарубежное востоковедение; Сб. М., 1961; Franciszek Michalski. Historycz na powiesi perska. (Materialy dostudio wnadwspol owozom Literaturalrani), Krakow, 1952; Очерки современной персидской прозы, М., 1960; Садек Хедаят. Жизнь и творчество. М., 1967; Пути развития новой и новейшей персидской литературы, М., 1982; «Новые

адабиёти тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Ғарб ва бошқа Европа халқлари адабиётидаги шеърӣ жанрлар Эрон адабиётига деярли ўзлашмаган ва таржима жараёнида ҳам Ғарб наср намуналаридан сон-саноксиз асарлар форс тилига ўгирилгани холда шеърӣ жанрдаги асарларга кўп эътибор қаратилмаган. Жуда бой ва қадимий анъаналарга, мустақкам миллий илдизга эга бўлган форс шеърӣяти ХХ асрга келиб ҳам ўз куч-қудратини йўқотмади. Эрон халқи ва ижод аҳли Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Ҳайём сингари мумтоз шеърӣят “титан”лари ижодини асраб авайлаб, янги шеърӣй усуллар билан бойитиб келдилар ва ҳозирги кунгача бу жараён давом этмоқда. Шу сабабли Ғарб шеърӣياتига “эҳтиёж” сезилмади. Насрда эса вазият бир оз ўзгача. ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб европа ва рус адибларининг юзлаб асарлари форс тилига ўгирила бошлади. Бирорқ, алоҳида таъкидлаш лозимки, насрий асарларга “эҳтиёж” эронда наср тараққиётининг оқшаши, ёки бадий жиҳатдан баркамол насрий асарларнинг нисбатан камлиги билан белгиланмайди, балки бу пайтга келиб мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг тубдан янги бурилиш олганлиги билан изоҳланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Наср тараққиёти тарихига қисқача назар ташланганда, Х асрларданок Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларида форс тилида бадий, илмий ва диний асарлар яратила бошланганлиги кузатилади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сига асос бўлган Дақиқийнинг «Шоҳнома» асари, Кайковуснинг «Қобуснома» (XI), Носир Хусравнинг «Сафарнома» (XI), Зоҳирӣ Самарқандийнинг «Синдбоднома» саргузашт асари (XII), Абул Маолийнинг «Калила ва Димна», Дақиқийнинг «Бахтиёрнома» асарлари, Саъдийнинг «Ғулистон» (XIII) ва Жомийнинг

черты персидского романа и повести 60-х годов» // Д.С. Комиссаров. Пути развития новой и новейшей персидской литературы, М, 1982

«Баҳористон» (XV) номли панд-насиҳат типигаги асарлари фикримиз далилидир. Бу асарларнинг аксарияти мунозара, халқ эртаклари ёки сажъ усулида ёзилган бўлиб, замонавий тассавурдаги наср тушунчасидан йироқ. Бироқ бу уларнинг бадиий қиммати асло туширмайди. Форс мумтоз адабиётининг бу қадар бой ва ранг-баранглиги кўп жиҳатдан ўша халқ фольклорининг бойлиги билан ҳам белгиланади. Эронда қадимдан ҳикоятлар, қаҳрамонлик, тарихий ва маиший характердаги латифалар, араб ва ҳинд эртакларининг қайта ишланган вариантлари, Мулла Насриддин ва содда Даҳоу ҳақидаги кўплаб ҳикоятлар мавжуд бўлган. «Тўтинома», «Бахтиёрнома» сингари эртакнамо усулда ёзилган насрий асарларнинг турли вариантлари ҳозирги кунга қадар ҳам Эронда қайта-қайта чоп этилмоқда. Насрда ёзилган эртакларга қисса ва ҳикоятлар ҳам киради. Афсуски, буларнинг кўпчилиги бошқа тилларга ўгирилмаган ва етарлича тадқиқ этилмаган. Эрон халқларининг насрий эртаклари ўз илдизлари билан қадимги эрон адабиётига бориб тақалади ва учта манбага эга, булар: қадимги фольклор, ҳинд адабиётидан таржима қилинган асарлар, қадимий тарихий солномалардир. Эртақ сюжетлари учрайдиган энг қадимги ёзма ёдгорлик «Авесто» ҳисобланади. Насрий эртақ жанрларининг ривожланиши ва такомиллашиши Сосонийлар даври (III-VIII асрлар)даёқ ровийлар мактабининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ўрта асрлар шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва шаклланиши туфайли насрий жанрлар сезиларли тараққий этди. Ровийларнинг давомчилари ҳисобланган қиссахонлар тарихий меросни ўз фантазиялари, чиройли савол-жавоблар, қаҳрамонона, шиддатли жангларнинг тасвири ва бошқа эпизодлар билан бойитдилар. Натижада, қисқа баён шаклига эга бўлган насрий жанрлардаги асарлар кўп жилдли эпопеяларга айлана борди. Барча Шарқ

мамлакатларида VIII – XII асрлардаёқ кўп жилдли роман-эпопеялар мавжуд эди, бироқ бизгача улардан айрим парчалар, ёки энг сўнгги нусхалари етиб келган.

Ўрта асрларда шеърий асарлар кўпроқ шаклий жиҳатларига асосан тасниф этилса, насрий асарлар мазмунига кўра гуруҳланган. Масалан, «саёҳат» китоби, «аёллар макри», «қахрамонлар» ва «хасислар», «ошиқлар», «руҳлар» ҳақидаги асарлар фикримиз далилидир. Албатта, бу тарзда «таснифлаш» Ўрта асрларга хос бўлиб, насрий асар спецификасини ўзида тўлиқ акс эттирмайди. Носир Хусрав қаламига мансуб «Сафарнома» (XI аср) – саёҳатлар китоби, XII асрда Заҳирий Самарқандий томонидан ёзилган доно Синдбод ҳақидаги «Синдбоднома» асари (Эронда машҳур бўлган «Синбоднома» асари асли ҳинд заминида пайдо бўлган ва кейинчалик форс тилига ўгирилган, асарнинг баъзи бир версиялари «Минг бир кеча» да ҳам мавжуд) «аёллар макри, вафосизлиги», Дақоқиқийнинг «Бахтиёрнома» асари эса шоҳларга «шошилич қарор чиқаришнинг зарари» ҳақида панд-насихат берувчи асарлар гуруҳига киритилган. Бу китобларнинг сюжет қурилиши ва композицияси «қисса ичида қисса» ёки «қолиплаш» усулида баён этишга асосланган⁶⁷. Айтиш керакки, қолиплаш йўли билан катта-кичик бадий асарларни бир ерга тўплаш, системалаштириш имкони туғилди. Жумладан, «Минг бир кеча» да уч юздан ортиқ эртақ ва қисса жамланган. Бу – халқ хаёлотини дурларидан йиғилган бутун бошли бир хазинадир.

Қолиплаш усулида яратилган асарлардан яна бири «Тўтинома» бўлиб, унда аёлни хиёнат йўлидан қайтариш учун тўтининг тилидан панд-насихат мазмунидаги ҳикоятлар берилади. «Бахтиёрнома» XIII асрнинг

⁶⁷ Средневековая персидская проза. М., «Правда», 1986. С.4

бошларида ёзилган бўлиб, муаллифи ҳақида маълумотлар йўқ. Асар сюжети «ўн вазир ҳақида қисса»дан олинган бўлиб, бу қисса форс ва бошқа Яқин Шарқ халқларининг тилларида турли талқинларда кенг тарқалган ва жуда машҳур бўлган. Унда Бахтиёрнинг дунёга келиши, ҳаётда катта муваффақиятларга эриши ва ҳасадгўй вазирларнинг унга қилган ёмонликлари акс этади. Қаҳрамонни ўлимга маҳкум этган шохнинг қаҳрдан қайтариш учун Бахтиёр тилидан турли панд-насиҳат характеридаги ҳикоятлар келтирилади.

«Самаке айёр» «олижаноб қароқчи» Самак ҳақида. Асарда шох Хуршид ва унинг Чин маликаси Моҳпарига бўлган севгиси қолипловчи ҳикоя вазифасини ўтайди.

Ҳикоят жанри Ўрта аср шаҳар ҳаёти маҳсулидир. Халқ орасида «саргузашт қиссалар ўқиш, ривоят ва латифалар, тамсил-масаллар ила нутқни безаш»⁶⁸ хусусиятининг ўта ривожланганлиги, мазмунан турфа хил бўлган асарларнинг кенг тарқалганлиги Эронда қадимдан насрий адабиётнинг тараққиёти учун тағзамин мавжуд бўлганлигини яна бир қарра исботлайди. Шунинг учун, Эронда насрнинг пайдо бўлиши ва тараққиётини фақат Фарбнинг таъсири билан боғлаб қўйиш⁶⁹, унчалик тўғри эмас.

Халқ ҳикоятлари⁷⁰ азалдан қиссахонларнинг репертуаридаги асосий асарлар ҳисобланган. Қиссахонлар бозорлар, чойхоналарда халқ ҳикоятларини ёддан ўқиганлар. XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, яъни Эронда китоб чоп этиш йўлга қўйилгач, муаллифи кўрсатилмаган

⁶⁸Н. Комилов. Тафаккур қарвонлари. Т., «Маънавият», Б.124

⁶⁹Е.Э. Бертельс «Персидский исторический роман XX в.»В книге «Очерк истории персидской литературы» - М., 1928.

⁷⁰Эронда халқ оғзаки ижодида тарқалган ҳикоятлар ва қиссалар «достон» деб юритилади. Эронда «достон» деганда турли характердаги насрий асарлар тушинилади. Замонавий форс адабиётида достон: повесть, ҳикоя ва новелла маъносини ҳам англатади.

қолдаги ҳикоят ва қиссалар тошбосма ҳолда чоп этила бошланди.

Бундай насрий асарлар нафақат Эронда балки Ироқ, Туркия, Афғонистон, Покистон ва бошқа мамлакатларда ҳам кенг тарқалган. Қисса ва ҳикоятлар – тугал сюжетга эга мустақил асарлардир. Энг қадимги форсий қисса «Самаке айёр» бўлиб, бу асар IX асрлардан бошлаб оғзаки тарқала бошлаган. Асарни XII асрнинг охирига келиб Фараморз ибн Худодод бошқа бир ҳикоятчи Саадақ ибн Абулқосимдан ёзиб олган. Бу қисса бизгача йирик учта жилддан иборат ҳолда етиб келган.

Романтик қиссалар сирасига XIII асрга оид «Доробноме» асарини киритиш мумкин. Қисса илк бор грек ёдгорликлари асносида Тартусий томонидан тузилган ва кейинчалик қадимги эрон манбалари асосида Беғамий исмли шахс томонидан қайта кўчирилган.

Сафавийлар давригача бўлган даврда «Абу Муслимнома», «Амир Ҳамза ҳақида қисса», «Ҳамза рамзлари» каби насрий асарлар машҳур ва маълум бўлган. Сафавийлар ҳукмронлик қилган даврда «Хусайн Кўрд» ҳақидаги қисса кенг тарқалган. Бундай қисса ва ҳикоятлар Эронда XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврларда ҳам яратилган. Масалан, XIX асрнинг охирида ёзилган «Амир Арслон» ҳақида қисса энг машҳур ва ўқувчилар томонидан севиб ўқиладиган асарлар сирасига киради.

Демак, Эрон адабиётида гарчи шаклан европа типигаги романдан фарқ қилсада, романбоп сюжетдаги кўплаб насрий асарлар ёзилаганлиги бу заминда роман жанри тугилишида **ички омил** етакчи бўлганидан далолат беради.

XIX-XX асрнинг биринчи ўн-йиллиги Эрон насрчилигида ўтиш даври бўлди, дея баҳолашади олимлар. Бу давр **классик аъналар** замирида янги турдаги насрий асарлар яратишга интилиш билан характерланади.

Бу йиллари янги типдаги сафарнома, эпистоляр жанр, ижтимоий-сиёсий рисола, повесть, янги типдаги ҳикоя, памфлет, фелъетон сингари насрий жанрлар пайдо бўлди. Тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда биз, Эронда романчиликнинг тараққиёти босқичларини даврлаштириш хусусида тўхталамиз. Аксарият даврлаштиришлар умуман наср тараққиётига тегишлидир. Масалан, эронлик адабиётшунос олим Хусайн Хатибий ўзининг 1987 йилда Техронда нашр эттирган “Форс адабиётида наср санъати” номли асарида форс насри тараққиётини 6 даврга бўлиб ўрганadi. **Биринчи давр** икки босқичдан иборат. Биринчи босқич – насрнинг тугилишидан то ҳ.ш. V/ милодий XI асрнинг ўрталаригача бўлган даврни; иккинчи босқич - ҳ.ш. V асрнинг биринчи ярмидан то VI асрнинг бошларигача (милодий XI асрнинг биринчи ярмидан то XII асрнинг бошларигача) бўлган даврни қамраб олади. Кейинги босқичлар эса кўпроқ ҳокимият тепасига келган сулолар номи билан номланади ва насрдаги услублар нуқтаи назаридан таснифланади.

1. Биринчи давр форс насри услуби (ҳижрий 300-400/ милодий 912-1058 й.). Оддий, қофияланмаган наср

2. Иккинчи босқич форс насри услуби (ҳижрий 450-550/ милодий 1058-1155 й.) – Ғазнавийлар ва биринчи Салжуқийлар даври.

3. Учинчи босқич форс насри услуби. Салжуқийлар ва биринчи Хоразмшоҳлар даври (ҳижрий 550-600/милодий 1155-1203 й.)

4. Тўртинчи босқич форс насри услуби (ҳижрий 600-1200/милодий 1203-1785 й.). Ироқ услуби ва “сунъий” шер.

5. Бешинчи босқич форс насри услуби. Адабий кийитиш – “Бозгашт” (ҳижрий 1200-1300/милодий 1785-1882 й.)

6. Олтинчи босқич форс насри услуби. Ҳозирги давр (XX аср)

Хатибийнинг даврлаштириш умуман форс насри тараққиётига оид бўлиб унда роман жанрига алоҳида тўхталинмаган.

Йирик тадқиқотчи олим Ҳасан Миробидиний ўзининг “Сад соле достоннависи Ирон” (Эрон насрининг юз йили) номли монографиясида наср тараққиётини қуйидагича 5 босқичга бўлади:

1) ҳижрий 1274 йилдан то 1320 йилгача (милодий 1895 йилдан то 1941 йилгача);

2) ҳижрий 1320 йилдан то 1332 йилгача (милодий 1941 йилдан то 1953 йилгача);

3) ҳижрий 1332 йилдан то 1340 йилгача (милодий 1953 йилдан 1961 йилгача);

4) ҳижрий 1340 йилдан то 1357 йилгача (милодий 1961 йилдан то 1978 йилгача)

5) ҳижрий 1357 йилдан то 1370 йилгача (милодий 1978 йилдан 1991 йилгача)

Ҳ. Миробидиний ушбу даврлаштириш нисбий эканлигини, ҳар бир давр ўзидан олдинги даврни давом эттирганини таъкидлайди, шунингдек наср тараққиётини босқичларга ажратганда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг адабиётда акс этиши нуқтаи назаридан ёндашганлигини эътироф этади.

Биз роман тараққиётини даврлаштиришда Миробидинийнинг вариантини асос қилиб олдик ва бироз ўзгартириш киритдик. Сабаби, Миробидинийнинг даврлаштиришида энг муҳим босқич XXI аср акс этмаган (даврлаштириш 1991 йил билан тугаган). Эрон ёзувчиларининг баён услуби, роман мавзуларидаги кескин ўзгаришлар, шаклдаги янгиланишларни ҳисобга олган ҳолда эрон романчилигини 3 босқичга бўлиб ўрганишни

мақсадга мувофиқ деб билдик мақсадга мувофиқ деб билдик мақсадга мувофиқ деб билдик:

1. *Ислом инқилобигача* бўлган эрон романчилиги (1895 - 1979 йилгача).

2. *Ислом инқилобидан кейинги* давр эрон романчилиги (1979-1990 йиллар).

3. *XXI аср бошлари* Эрон романчилиги (2000 йилдан то бугунги кунга қадар).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, XX аср эрондаги адабий жараёнларда, наср, хусусан, роман жанрининг тараққиётида юқорида таъкидлаб ўтилган ички омиллар, мамлакатдаги *ижтимоий-сиёсий вазият* (Машрутият инқилоби, оқ инқилоб, Ислом инқилоби, Эрон-Ироқ уруши) етакчи мавқе эгаллайди.

Албатта, жанр тараққиётини инқилоб билан боглаб даврлаштириш тўғрими, деган савол туғилиши табиий. Адабиётшунос олим Қ.Йўлдошев таъбири билан айтганда, “...миллатнинг адабиёти учун ҳам, адабиётшунослиги учун ҳам ўша йиллар адабиётини қандай номланишнинг ва ўша даврда ижод қилган адибларнинг қайсисини қайси гуруҳга мансублигини белгилашнинг деярли аҳамияти йўқ. Чунки бирор босқичга мансублик бирор асарнинг жозибасини ошириб, унинг бадий қийматини юксалтиролмайди. Даврлаштириш бадий асарни тўла идрок этиш, уни тўғри англаш, айти тимсоларни ҳис қилиш тамойилларини аниқлаш учун зарур, холос”⁷¹.

⁷¹ Қ. Йўлдошев. Ёниқ сўз. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2006. Б. 12

ЯНГИ ДАВР СУРИЯ ҲИКОЯНАВИСЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ

Д. Муҳиддинова,
филология фанлари номзоди

Замонавий Сурия ҳикоянавислиги ўз тараққиёти давомида хилма-хил йўллارни босиб ўтди ва бугунги кунда ҳам ривожланишда давом этмоқда. Сурия ҳикоянавислиги тараққиёти учун хос бўлган ижодий йўналишларнинг шаклланиши тўрт босқичга бўлинади:

1. Маърифатпарварлик даври (XIX аср охири XX аср бошлари);

2. Романтизм даври (XX аср 20-30 йиллар);

3. Реализм даври (XX аср 40-50 йиллари «Сурия ёзувчиларуюшмаси» биланбоғлиқ);

4. Реализм ва замонавий адабий йўналишлар даври (XX аср 60 йилларидан ҳозирги давргача)⁷².

Замонавий Сурия ҳикоянавислигининг шаклланиши ва ривожланиши араб дунёсида юз берган «ан-Наҳда», яъни жамиятнинг барча соҳаларида янгиланиш жараёни билан узвий боғлиқдир. Бу давр Сурия ҳикоянавислиги маърифий йўналишида ривожланар экан, Сурия халқи орзу-умидларини бадий ифода этишга, халқ идрокида миллий озодлик гоёларини кучайтиришга, шунингдек уларни умумбашарий дунёқарашлар ва тафаккур билан боғлашга хизмат қилган.

Маърифатпарварлик даврида Сурия ҳикоянавислиги, бир томондан, Сурия жамияти тараққиётининг янги босқичга қадам қўйиши билан боғлиқ ички омиллар таъсирида, иккинчи томондан эса, Сурия адабиётининг жаҳон адабий жараёни билан аста-секин боғлана бошлаши,

⁷² Қаранг: Акбарова М.Х. Пути развития современной сирийской литературы. // Сб. науч.тр. ТашГУ: Арабская литература (средневековье и современность).—Ташкент, 1982. — № 697. С.104-105.

француз ва рус адабиётлари билан танишув каби ташқи омиллар таъсирида шаклланиб, ривожланиб борган. Суриянинг янги авлод ёзувчилари ўз вазифаларини нафақат анъаналарни сақлаб қолишда, балки уларни янгилашда ҳам деб тушунганлар.

Маърифатпарварлик даврининг ёрқин ҳикоянавислари сифатида Франсис Марраш, Нуъман ал-Касталий, Шукри ал-Асалий, Антуан ас-Сақала номларини зикр этиш лозим. Улар ўз ижодларида жамиятнинг долзарб масалаларини қаламга олдилар. Булар тенглик, Суриянинг сиёсий мустақиллик масаласи, маърифатпарварлик ғоялари, муслмон аёлининг оилада, жамиятда тутган ўрни каби муаммолардир. Мазкур ёзувчилар асарларида илмни, маърифатни тарғиб қилиш орқали жаҳолатга, қолоқликка қарши курашишни мақсад қилдилар. Бу давр асарларида аста-секин янги услубга - содда ва тушунарли тилга ўтиш жараёнини ҳам кузатиш мумкин. Бу давр ҳикояларида қаҳрамонлар кўпинча индивидуал хусусиятларга эга бўлмаган, уларнинг ички дунёси етарлича чуқур ёритилмаган, улар ҳикояга фақат ижтимоий ёки маънавий тарғибот мақсадидагина киритилган. Ҳикояларнинг композицияси, ягона сюжет асосида бир неча мустақил қисмлардан иборат бўлган.

Сурия ҳикоянавислигининг иккинчи босқичи романтик (XX аср 20-30 йиллар) йўналишда ривожланиб борди ва бу ҳол, сўзсиз Ғарб адабиёти хусусан, француз адабиёти, шунингдек Америкадаги суриялик муҳожирлар - Сурия-Америка адабий мактаби таъсирида юзага келди. Бу давр романтизмга нафақат ижтимоий тенгсизликка қарши туриш, балки феодализмга қарши туриш ҳам хосдир. Айнан шу сабабдан, Сурия ҳикоянавислигидаги романтизмда шахсни жамиятга қарши қўйиш, юқори даражада таъсирчанлик, қаҳрамонларни тасвирлашдаги субъективлилик, имкониятдан ташқари талабларга

интилиш ва норозилик каби хусусиятлар шакллана бошлади. Араб адабиётида романтизм шаклланишини тадқиқ этган А.А.Долининанинг фикрича, «Капиталистик ҳаёт тарзига қарши чиқаётган араб романтик ёзувчилари маърифатпарварлик ғояларини тўлиқ инкор қилмайдилар: улар бу ғоялардан эмас, балки уларнинг ҳаётда акс этмаганидан норози эдилар, улар буржуача тартиб ва маънавиятгагина эмас, балки аниқ кўзга ташланаётган феодал қолоқликка қарши исён қилганлар»⁷³.

Сурия ҳикоянавислигида романтизм методидаги асарлар, одатда, ўта тушкунлик руҳида бўлиб, бунга тарихий шароит ҳам сабаб бўлган. Сурия жамиятининг илғор кучлари умид боғлаган 1925-1927 йиллардаги кўзғолоннинг⁷⁴ мағлубияти, илғор ватанпарварларнинг умидларини сўндирди ва руҳий тушкунлик кайфиятини юзага келтирди. Романтик адабиёт вакиллари Сурияда вужудга келган шароитдан қутулиш йўлини топа олмадилар ва бу ҳолат уларнинг ижодида акс этди. Кўзғолоннинг бостирилиши ёзувчиларнинг ижодига салбий таъсир қилгани ҳолда, Сурия адабиётида тушкунлик тамойилини ривожлантирди. Айниқса, романтик-тушкун кайфият Субҳи Абу Ғаним ва Сами ал-Қайалий ҳикояларида яққол кўзга ташланади.

Сурия ҳикоянавислигида романтизм методи узоқ давом этмагани ҳолда реализм методига ўз ўрнини бўшатди. Сурия адабиётига реализм методи бошқа араб мамлакатларига (Миср) нисбатан кечроқ кириб келди ва

⁷³Арабская романтическая проза XIX – XX веков. // Сборник. Пер. с араб. Предисловие А. Долининой. – Л.: Художественная литература, 1981. –С.7

⁷⁴ XX аср 1919-1920 йилларида бошланган Сурия – Ливан ҳамкорлигидаги француз мустамлакасига қарши миллий-озодлик ҳаракатлари 1925 йилда миллий-озодлик кўзғолонига айланган ва 1927 йилнинг баҳоригача давом этган.

бунга сабаб сифатида тарихий шарт-шароитлар, ўрта аср анъаналарининг давом этиши, турк мустамлакачиларининг зулми, 1946 йилгача французларнинг Сурияда олиб борган мустамлакачилик сиёсати туфайли Суриянинг ривожланган мамлакатлардан ажралиб қолиши ва шу каби бошқа омиллар сабаб қилиб кўрсатилади.

Сурия адабиётида реалистик тамойилларнинг ривожланишига ёзувчиларнинг рус адабиёти билан танишуви ижобий таъсир кўрсатди. Бошқа араб мамлакатларига нисбатан Сурия рус адабиёти билан чуқурроқ танишиш имкониятига эга эди. Бунга XIX аср 80-йилларида Фаластин православ жамияти томонидан ташкил этилган мактаблар фаолияти сабаб бўлиб, уларда рус тили мажбурий фан сифатида ўқитилар эди.

Сурия ўз мустақиллигини (1946) қўлга киритгач, мамлакатда барча соҳаларда, шу жумладан, адабиёт ва маданият соҳасида ҳам бир қатор ислохотлар олиб борилди. Адабий жараёндаги мана шундай янгиликлардан бири «Сурия ёзувчилар уюшмаси»нинг (1951) ташкил этилиши эди. Мазкур уюшма ватанпарвар, жонкуяр, иқтидорли, етук ёзувчи ва адибларни кашф қилди. Натижада Сурия адабиётида реализм методи юқори босқичга кўтарилди ва у тарихда «Сурия ёзувчилар уюшмаси анъанаси» номи билан из қолдирди. Сурия жамиятининг долзарб муаммоларини (ижтимоий муаммолар, миллий мустақиллик мавзуси, ахлоқий масалалар) ҳаққоний акс эттириш «Сурия ёзувчилар уюшмаси»нинг асосий дастури ҳисобланди. Зеро, «реализмнинг ҳаққонийлик тамойили ҳаётий зиддиятларни рўй-рост ва ёрқин тасвирлашни талаб этади. Етук реалистик асар даврнинг кучли зиддиятларини характерлар ва уларнинг беаёв кураши орқали кўрсатиш билан ажралиб

туради»⁷⁵. «Сурия ёзувчилар уюшмаси» илғор адабий ташкилотлардан ҳисобланиб, унинг фаол вакиллари Маваҳиб ва Ҳасиб Кайалий, Васфи ал-Бунний, Шавқий Бағдодий, Саид Хавранийя, Ханна Мина, Мурод ас-Сибайй ва бошқалар ҳисобланади. Мазкур ёзувчиларнинг сиймосида ўз олдига олий мақсадларни қўйган Сурия зиёлиларининг илғор кайфияти акс этади.

Сурия ҳикоянавислиги Уюшма фаолият кўрсатган даврда жамиятни ижтимоий адолатсизлик, сохтакорлик ва қолоқликка қарши курашишга чорлади. Шу маънода, Сурия ҳикоянавислигининг Уюшма тузилишигача бўлган даври ҳикоя жанрининг араб заминида ўрин эгаллаши, миллий характер, миллий руҳни ифодалашга уриниш даври бўлса, Уюшма фаолияти даври эса, Сурия ҳикоянавислиги тараққиётининг ҳақиқий гуллаб-яшнаш даври ва реализм методининг юқори босқичга кўтарилиши сифатида белгиланади.

XX аср иккинчи ярмидаги Сурия адабиётига ижодий йўналишларнинг хилма-хиллиги хосдир. Бадий ижоддаги мазкур ижодий ранг-баранглик нафақат Сурия адабиётида, шунингдек Миср, Ироқ, Тунис, Марокаш ҳамда Жазоир каби араб давлатлари адабиётида ҳам бир вақтнинг ўзида шаклланди. Мазкур янгиланиш жараёнларининг юзага келишига маълум ички ва ташқи омиллар сабаб бўлди. Ички омиллар сифатида XX аср ўрталарида Яқин Шарқ мамлакатлари, хусусан, араб дунёсида муҳим сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларнинг рўй бериши, жумладан, араб-исроил уруши, араб мамлакатларидаги ички низолар, зиддият ва қарама-қаршилиқлар, иқтисодий тенгсизлик, аёллар ҳуқуқлари, шахс эркинлиги учун кураш ва бошқа шу каби ҳолатларнинг адабиётга таъсирини

⁷⁵Sulton I. Adabiyot nazariyasi. Uchinchinashri. – T.: O'qitvchi, 2005. – B.249

этироф этиш мумкин. Ташқи омиллардан Фарб адабиётининг, ундаги замонавий йўналиш ва оқимларнинг таъсирини кўрсатиб ўтиш мумкин. «Шарқ адабиётида тарихий-сиёсий шароит ҳосил қилган мафкуравий бўшлиқ модернизмни кириб келишига асос бўлди ва бу нарса айрим ёзувчиларнинг гоёвий йўналишларини ўзгаришига сабаб бўлди. Шарқ ёзувчиларининг жаҳон адабиёти тажрибасини тезлик билан ўзлаштиришга бўлган табиий интилишлари, бунинг натижасида шакл мураккаблашуви, кўпинча ёзувчининг инсон ва борлиққа бўлган муносабатининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ёзиш техникасидаги янги услубларга интилиш каби адабий жараёнлар ҳам модернизмнинг шаклланишига анчагина ёрдам берди. Поэтик тилнинг мураккаблашув жараёни эса фақат миллий адабиёт доирасидагина юз берди»⁷⁶. Араб дунёсидаги мана шу жараёнлар янги авлод ёзувчиларнинг бадиий тафаккурида ўз ифодасини топди.

Хусам ал-Хатиб «Сурияда қисқа ҳикоя» номли китобида «XX аср иккинчи ярмида ижод қилган суриялик ҳикоянависларнинг Ж.П.Сартр, А.Камю, Ф.Кафка каби Фарб модернизми вакилларининг асарларидан таъсирланганлигини ва уларнинг қарашлари ўзгарганлигини таъкидлайди»⁷⁷.

Суриялик замонавий ёзувчиларнинг ижодида Фарб модернизмнинг тўлақонли аксини кўрмаймиз. Гарчи Жўрж Салим, Закарийа Тамер, Валид Ихлосий, Гада ас-Самман, Мустафо ал-Ҳаллаж, Ҳаний ар-Раҳиб каби ёзувчилар Фарбнинг модернизм оқими вакиллари ижодидан таъсирланган бўлсаларда, ўз асарларида

⁷⁶ Аганина Л.А. Введение. // Сб. науч. трудов: Идеологическая борьба и современные литературы зарубежного Востока. – М.: Наука, 1977. –С.5

⁷⁷84

миллийликка, диний дунёқарашга, шарқона қадриятларга, адабий меросларга содиқликни сақлаб қолганлар. Сурия адабиётшунос олимлари (Хусам ал-Хатиб, Набил Сулаймон, Буали Ёсин, Фейсал Саммак, Али Салих) ҳикоянависликдаги бу янги йўналишни «миллий экзистенциализм йўналиши» деб номлашган. Лекин XX аср иккинчи ярмида янги услубда ижод қилган ёзувчиларнинг ижоди билан яқиндан танишиш мазкур ёзувчиларни неореализм вакиллари деб номлашга асос бўла олади. Суриялик замонавий ёзувчилар ижодида анъанавий реалистик метод бир томондан, ўзининг табиий ривожланиши, иккинчи томондан, жаҳон адабиётининг замонавий адабий услублари таъсири натижасида кейинги босқич неореализмнинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Бу янгича, ўзгарган реализм адабиётшуносликда «неореализм» («янги реализм») ⁷⁸ деб аталади. Реалистик тасвир асосида рамзий ва модернистик поэтикага хос янги имкониятларнинг ўзаро қоришуви неореализмнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида эътироф этилади.

Реализмнинг янги сифатлари суриялик ёзувчилар ижодида дунёни фалсафий англашда, экзистенциализм фалсафаси таъсирининг кучайишида акс эта бошлади. Янги насрий адабиётда мажозий тасвир кучайди. Реал тасвир эса индивидуал онгда «мужассамлашган» шаклда ифода этила бошлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, адабий оқимларнинг шаклланиши ва ривожланиши араб дунёсида ўзига хос бир хусусиятга эгадир. Бу хусусият, миллатнинг тарихий тақдири, менталитети ва адабий анъаналари билан боғлиқ.

⁷⁸Неореализм -Қаранг: Теория литературы. Литературный процесс. – М.: ИМЛИ РАН, «Наследие», 2001. Т.4.– С.420-455

Адабиёт:

1. Акбарова М. Х. Пути развития современной сирийской литературы. В сборнике научных трудов № 697.: Арабская литература (средневековье и современность), Т. ТашГУ. 1982.

2. Акбарова М. Х. Сирийский рассказ (Становление и пути развития). Т.: Фан, 1975.

3. Абишева У. К. «Бытие сквозь быт». Вестник МГУ. Сер. 9. филология. 2004, №2, - С. 82.

5.

6. Ёсин Б., Сулаймон Н. Сурияда адабиёт ва идеология («Ал-адаб ва идулужийа фи Сурийа») Дамашқ, 1985.

7. Султон И. Адабиёт назарияси. Т.: Ўқитувчи, 2005.

8. Теория литературы. Литературный процесс. IV том, М.: ИМЛИ РАН, «Наследие», 2001.

ЗАМОНАВИЙ КУВАЙТ ҲИКОЯНАВИСЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИ

Ш. Аҳмедова,
филология фанлари номзоди

Кувайт-Форс кўрфазида жойлашган араб мамлакатларидан бири бўлиб, араблар ал-Ҳалиж деб атаган. Қадимда Козим деб номланган. Кувайт минтақасидан муҳим савдо йўллари ўтган бўлиб, дунёнинг турли қисмларини бойлаб турувчи ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган.

Кувайт XX асрда феодализм оламидан тўғридан-тўғри замонавий оламга қадам қўйди, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ҳайратланарли ўзгаришларни бошидан кечирди ва бир неча ўн йиллар ичида аҳоли жон бошига тақсимланадиган даромад бўйича дунёнинг энг бадавлат мамлакатларидан бирига айланди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт саноат юксалиши ва қурилиш талатўпларини

келтириб чиқарди. Бу эса маданий кўтарилиш билан бирга рўй берди. Аввалги муносабатлар ва анъаналар ўз қиёфасини ўзгартира бошлади.

Асрлар давомида меҳнатсевар Кувайтликлар муносиб ҳаёт кечириш учун учун курашганлар. Уларни сахий денгиз балиқ ва камёб марваридлар билан боқар эди. Кувайт ривоятларида довюррак Кувайтлик денгизчилар ўлжа талабида узоқларга йўл олганликлари, гаввослар чиғаноқда қуюлган қимматбаҳо марварид томчисини излаб денгиз тубига янада чуқурроқ тушганлари ҳақида тараннум этилган.

Чексиз денгиз кенгликлари Кувайтликларни кўркита олмас эди. Кўпчилик учун денгиз она уй тусини олди, худди бадавийларга сахро ўз она уйлари бўлгани каби. Денгиз Кувайтликларни нафақат боқар, балки улар учун назмий илҳом манбаи бўлиб хизмат қилар эди. Халқ дostonлари, қўшиқлари ва ҳикоятларда кўпинча денгиз стихияси, тўлқинлар, денгиз устидаги булутлар, денгиздаги ёлғиз кема ёки қайиқ образи тасвирланади. Қирғоқдаги кенг тошлоқ майдонларда - ичимлик учун яроқли чучук сув кам бўлган жойларда сахродан эсадиган кум бўронлари орасида кувайтликлар асов табиат билан курашда жасурлик ва собитлик сабоқларини олишар, қийин табиий шароитларда қандай енгиб чиқишни ўрганишар эди.

Денгиз томон тобора «бостириб бораётган» сахро ҳамда сувсизлик дастидан деҳқончилик билан шуғулланишга деярли имкон йўқ эди, бироқ айнан мана шу кумлар остида Форс кўрфазининг бошқа мамлакатларида бўлгани каби Кувайт ерларида ҳам Аллоҳнинг инояти, тарих, жуғрофия ва геологиянинг ўзига хос сири бўлган нефть яширинганди. Ҳозирги кунда бутун инсониятга ушбу бойлик ниҳоятда зарур.

XX асрнинг 40-йиллари охиридан бошлаб Кувайтда замонавий адабиёт шакллана бошлади. Унинг олдида янги воқеликни ва ундаги инсоннинг ўрнини тасвирлаш вазифаси турар эди. Тезлик билан рўй бераётган ўзгаришларга ҳикоя жанри жуда мос келар эди. Чунки бу жанр ҳозиржавоб жанр бўлиб, жараён ва воқеаларга тез муносабат билдира олар эди. Дастлабки босқичида анъана таъсирида бўлган янги Кувайт ҳикояси ўз ривожига эски шаклларга янги мазмун сингдирилган кўринишдан то энг замонавий шакл техникаси ишлатилган ҳикояларгача етиш эволюциясидан ўтди. Кувайт ҳикояси эволюциясининг бир неча босқичларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

40-50 йиллардаги ҳикоялар ўзининг бўш сюжети билан ажралиб турарди. Уларда насиҳат оҳанги ва юзаки баёнчилик услуби устуворлик қилади. Улар асосан оилавий муносабатлардаги ахлоқий меъёрларга тааллуқли эдилар. Кувайт новелласи 50-йилларнинг охирига келиб, бир мунча шаклланди, замонавий шаклга кира борди ва ҳаётни таҳлилий тасвирлай бошлади. Жаҳон адабиёти ва Ливан, Сурия, Тунис, Ироқ каби маданий жихатдан ривожланган араб мамлакатлари адабиёти тажрибаси билан яқиндан танишиш шундай имкониятни яратди. Булардан Миср адабиёти таъсири алоҳида ўрин тутди. Чунки мисрлик ёзувчилар XX асрнинг бошларидаёқ ҳикоя жанрида ижод қилиш маҳоратиغا эришган эдилар.

Оммавий ахборат воситалари- радио, телевидение, газета ва журналлар, кейинчалик интернетнинг шиддатли ривожланиши, публицистика ва журналистиканинг гуллаб-яшнаши, Кувайт адабиётининг ўсишига шароит яратди. Бутун араб оламида кенг тарқалган, юз минглаб тиражда ишпир қилинадиган «ал-Араби», «ал-Кувайт» журналлари умуминсоний тамаддун ютуқлари, жаҳон маданияти ва адабиёти билан таништириш учун кўп ишлар қилди. Бу ва бошқа маҳсус журналлар саҳифаларида жаҳонга машхур

классик ёзувчилар билан бирга энди ижодини бошлаган, ҳали таниқли бўлмаган ёш ёзувчиларнинг ҳам асарлари босилар эди. Бу бир томондан. Иккинчидан томондан замонавий Кувайт ҳикоясининг шаклланишида, шубҳасиз, халқ оғзаки ижоди алоҳида ўрин тутди. Бу ажойиб ривоятлар, ҳикоятлар, афсоналар кувайтликларнинг маънавий оламини бойитар эди. Уларнинг қаҳрамонларини ҳис-туйғулари олами, ҳаёлот парвози, қаҳрамонларнинг лирик кечинмалари маҳаллий анъаналар ва урф-одатлар, миллий руҳни акс эттиришга интилган ёзувчиларнинг дидини шаклланишига таъсир кўрсатди.

Нефть экспорти эвазига иқтисодда рўй берган кескин юксалиш ва ўзгаришлар аввалги ижтимоий алоқалар ва анъаналарни бузиб борди, уларга янги қиёфа берди. Кувайт ёзувчилари ўз асарларида шиддатли ўзгариб бораётган воқеликни англашга, руҳий синишига олиб келувчи рўй бераётган ҳодисаларни ўрганиш, тушуниш ва таҳлил қилишга уринадилар. Улар янги шахснинг, айниқса аёл шахсининг шаклланишига эътиборни қаратдилар.

Жамиятда ажралиб қолган араб аёлининг тақдири Араб шарқи ёзувчиларининг доимо диққат марказида бўлган. Кувайт ёзувчилари дастлаб бир мунча қисиниб-қимтиниб, кейинчалик анча дадиллик билан ўз асарларида аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни, унга чекланган бўлса ҳам, муайян ҳуқуқлар бериш ҳақида ёза бошладилар.

Аёллар мавзуси 1950-1970 йилларда жуда ривожланган эди. Бу ҳолат ҳозир ҳам давом этиб келмоқда. Кўҳна сюжетнинг яна тараққий этиши, муҳаббатнинг аёвсиз урф-одатлар билан тўқнашуви янги шароитларда рўй беради. Албатта кўп ҳолларда баён оҳангида мелодрама шакли кўзга ташланади. Лекин ёзувчи, ўқувчилар олдида анъаналар асосида шаклланган оила ва жамиятда билим олган аёл муносиб ўрнини қандай топиши мумкин, деган савол ўтади. Хадая Султон ас-Салим («Аёллар ҳаётидан

икки воқеа»), Али Жадид («Қонли уфқ»), Сурайё ал-Бақасами («Офтоб келинчаги») Лайло Усмон («Можарога аралашган аёл»)ларнинг ҳикоялар мавзуси шундан иборат. Бу босқичда маиший ҳикояда панд-насиҳат оҳанги ижтимоий таҳлил билан, шунингдек, шахснинг ўзгарган шароитдаги руҳий ҳолатига алоҳида эътибор билан алмашади. Ислоҳотлар ўтказиш ва мамлакатни янгилаш жараёнига фаол қўшилган, жамиятнинг ўрта табақасига мансуб шахс биринчи ўринга чиқади. Офис бошқарувлари, турли компания ва муассасалар, бошқарув аппаратларининг чиновликлар қатлами билан боғлиқ янги мавзулар вужудга келди. Масалан амалдорларнинг тийиқсизлиги тўғрисида Халафнинг «Жаноб бошлиқ» («Ҳазратул-мудир») ҳикояси яратилди.

Шу билан бирга 60-йиллар ҳикояларида ёзувчи томонидан янги ўзгаришлар шиддатидан ўзини йўқотиб қўйган одамлар руҳидаги чалкашликларни кўрсатувчи романтик кайфият ҳам кўзга ташланади. Урбанизация ва у билан боғлиқ шаҳарлар аҳолисининг кўпайиши, деҳқонларни анъанавий хўжалиқдан воз кечиши янги ижтимоий муносабатларга олиб келди. Мобилликни кучайиши ташвиш ва ишончсизлик каби зиддиятли ҳиссиётларни вужудга келтиради. Ёзувчилар жадал ўзгаришлар, эски турмуш тарзининг бузилиши назиятидаги шахснинг ташвишли ҳаётини усталик билан тасвирлай бошладилар. Улар янги ўзгаришларни ҳамма ҳам шодон қабул қилмаганлигини, бу янгилликлар уларга ғайри одатий ва номақул бўлганини кўрсатдилар. Уларнинг ҳикоялари қаҳрамонларининг руҳий шайлиги ҳар доим ҳам улар ҳаётига шиддат билан кириб келган кескин ўзгаришларга мос келмайди. Улар ўтмишни, болалик кунларини, югур-югурлардан ҳоли, қурилишлар шовқин-сурони, темир-бетонлар, машиналарнинг бақир-чақирлари бўлмаган чексиз саҳрони қўмсайдилар.

Айрим танқидчилар Кувайт адабиётидаги романтизмнинг пайдо бўлишини кеч бўлса-да, Европа ва Миср, Сурия адабиёти тажрибаларининг таъсири билан боғлайдилар. Лекин таъкидлаш лозимки, романтизм бу араб давлатларида XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Бошқа танқидчилар, хусусан, таниқли Кувайт адабиётшуносларидан Иброҳим Ғалум⁷⁹ ва Муҳаммад Шараф⁸⁰ бу ҳодиса Кувайт жамиятидаги ўзгаришлар самараси деб ҳисоблайдилар.

Хусусан, Иброҳим Ғалум 1981 йилда чиққан «Араб Халижидаги қисқа ҳикоя [ривож]» номли китобида шундай ёзади: «Бу новеллистикадаги романтизм ҳодисасини романтизм тамойилларини назарий жиҳатдан ўзлаштиргандан сўнг, бадий тажрибанинг татбиқ этилиши сифатида баҳолай олмаймиз. Бу илк Кувайт жамиятида ўзи пайдо бўлиб, Кувайт воқелигидаги объектив сабаблар натижасида ҳаёт ва адабиётга сингиб кетиши мумкин бўлган ҳодисадир. Кувайт ҳикоясида романтик образ шахс ва жамият ўртасидаги келишмовчилик, бу шахснинг ташвишлари ва унинг ўтмишини ва келажак фозил жамиятни кўмсагини кўрсатиш учун пайдо бўлган»⁸¹. «Амина» (Бадрия Мусайд), «Шарпа» (Фодил Халаф), «Қария ва қушча» (Фаҳд ад-Давари) каби ҳикояларда ўзида замондошининг барча зиддиятли ҳис-туйғулари ва ташвишларнинг акс эттирган қаҳрамонлар образи тасвирланган. Сулаймон аш-Шоти («Олдиндан сезиш»), Фарҳан ал-Фарҳан («Садоқат кадри»), Ҳасан Ёкуб ал-Алининг қаҳрамонларининг

⁷⁹ Иброҳим Ғалум. Ал-қиссату-л-қасирату фи-л-Халидж ал-араби. Кувейт, 1981

⁸⁰ Шараф Муҳаммад Йасир. Қираат. Ал-Кувейт. Марказ ал-китаб ал-араби, 1994

⁸¹ Иброҳим Ғалум. Ал-қиссату-л-қасирату фи-л-Халидж ал-араби. Кувейт, 1981

ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлиб, умидлари чилпарчин бўлганлигини кўрамиз. Улар янгиликлар кетидан кува олмайдилар, чунки эски одатлар ва анъаналарга боғланиб қолишган. Ташвиш ва саросимага тушган қаҳрамонлар руҳий бухрондан қутулиш йўлини кўр-кўрона излашади. Шу билан бирга ўз теварагида қайнаб тошган ҳаётдан узоқлашиб ўз олами, ўз орзуларига ғарқ бўлишади. Гоҳида эса ўтмиш ёки болалигидаги уйғунлик ва одатий ҳодисаларни эслаб теварагида кўринмас девор ҳосил қилишади.

Муҳаммад ал-Мажиднинг интеллектуал қаҳрамонлари ҳам гўзаллик, муҳаббат, яхшилик ва бахтга олиб борувчи идеалларни излаб, охир-оқибат уни тополмай ўзлигига, ўз ички дунёсига қайтишади ва жамиятдан айри тушишади.

Таниқли Кувайт танқидчиси Муҳаммад Ўасир Шараф бу кайфиятларни тезкор ўзгаришлар муносабати билан кириб келаётган ахборотлар оқимини ҳазм қилиш қийин бўлаётганлиги билан изоҳлайди. Араб Шарқи Миср, Сурия ва Ироқдаги миллий-озодлик ҳаракатлари, кейинчалик Исроил билан уруш натижасида жунбушга келган. Кувайтнинг ўзида Британия билан ҳамкорликка қарши натанпарварлик кайфиятлари кучая борди. Тараққиёт учун янги уфқлар очила бошлади. Яқиндагина анъанавий феодал тузумдан чиқиб, янги иқтисодий муносабатларга шиддат билан кириб келган жамиятда эски анъаналар янги қадрият ва мезонлар билан зиддиятларни келтириб чиқаради. Бу эса рўй бераётган воқеаларнинг ҳақиқий эмаслиги ҳиссиётининг келтириб чиқариши табиий эди. Адабиётда бу ҳодисаларнинг тушуниш ва тафаккур қилиш тимоийли кузатилади. «Бу ёзувчиларнинг романтизми,- деб ўзида Муҳаммад Ўасир Шараф, - зиёлиларда иккилик уйғотди, бир томондан узоқлашув ҳисси, иккинчи томондан жамиятни ислоҳ қилиш ва ўзгаритириш истаги ҳукм суради. Бу ҳодисалар уйғунлик ва мувозанат

излаётган шахсни тасвирлаётган ҳикоячилик тажрибасига асос солди»⁸².

Иброҳим Ғалум фикрича, Кувайтнинг кўпгина ёзувчилари ижодининг бошланиши босқичи бўлган романтизм «цивилизациялашган тараққиёт билан мустаҳкам алоқадор бўлган «ғоявий йўналиш» («ат-таважжуҳ ал-фикри»)га айланди.

У таъкидлаганидек, «мўлжалланаётган иқтисодий юксалиш кишилар кўнглида келажакка ишонч уйғотиши керак эди. Бунинг ўрнига шундай дунёни ҳис қилиш кузатиладики, унда умид билан умидсизлик, эркисизлик билан кўзғолон каби романтик зиддиятли образлар устивор келди»⁸³.

Лекин бизнинг фикримизча, романтизм Кувайт ҳикоячилигида бош адабий йўналиш сифатида мустаҳкам ўрин эгалламади. Кувайт муаллифлари асарларидаги романтик кайфият сўз усталарининг ҳаёт ҳақиқатларини акс эттиришда ижодий метод сифатида устувор ҳисоблаган реализм билан бирга уйғунлашади. Сулаймон ал-Хулайфий, Абд-ал-Азиз ас-Сарий, Сурайё ал-Бақсамий каби таниқли ёзувчиларнинг асарлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг ҳикояларида реализмнинг ижодий тамойиллари устувор келган. Улар асарларида характер ва қаҳрамонлар жамият ва муҳит билан алоқа орқали очилиб берилади. Бу қаҳрамонлар бошдан-оёқ ўз халқининг, ўз жамиятининг барча зиддиятлари, камчиликлари билан олганда, вакилдирлар.

Индивид ва жамиятнинг конкрет тарихий алоқаси доирасида воқеликни танқидий ўзлаштириш йўлига кирган Кувайт ҳикоячилиги шакл соҳасида ҳам дунё тажрибаси

⁸² Шараф Муҳаммад Йасир. Қираат. Ал-Кувейт. Марказ ал-китаб ал-араби, 1994. С. 49

⁸³ Шараф Муҳаммад Йасир. Қираат. Ал-Кувейт. Марказ ал-китаб ал-араби, 1994. С. 49

билан бойиб бориб етукликка эриша борди. Ёзувчилар баёнчилик шаклини янгилаш, ёзув техникасини такомиллаштиришга интилдилар.

Ёзувчи Абд-ал-Азиз ас-Сарий руҳий таҳлил устасидир. Бу йўлда у «онг оқими» («тийар ал-ваъйи») техникасидан кенг фойдаланади⁸⁴.

Ёзувчи Али Жадид «Қонли уфқ»⁸⁵ ҳикоясида интертекст (матн ичида матн) усулини қўллайди. Асосий сюжет йўналиши матнига қўшимча матн киритилади. Масалан, ҳикояда асосий матнда, камбағал талаба ва дўкондор қизининг бесамар муҳаббати ҳикоя қилинади. Қўшимча матнда илонни қафасдаги қуш ёнига бориши ҳикоя қилинади. Илон қафасга судралиб киради. Ёзувчи илоннинг ҳар бир ҳаракати ва қўрқувдаги қушнинг тапирлашини муносабатини синчковлик билан тасвирлайди. Сиртдан қараганда иккала матн мустақил характерда бўлиб, ўзаро алоқадор эмасдек туюлади. Бироқ ҳикоя ўқиб чиқилганидан сўнг интертекстуал усул ҳикоя тугунининг ечимини кучайтиргандек тасаввур ҳосил бўлади. Қушча учиб кетишга муваффақ бўлди, илон эса бир бурчакка тиқилиб, кулча бўлиб олди. Талаба ва қиз ажралишади. Ҳар қайсиси ўз йўлидан кетади, талаба ўқишини давом эттиради- у ўз оиласини оёққа қўйиши керак. Қиз эса бадавлат одамга турмушга чиқади ва баланд девор ортида яшай бошлайди.

Сулаймон ал-Хулайфий, аксинча, кескин сюжет тугуни ни ҳикоя мазмунидаги сабаб ва оқибат алоқаларига катта аҳамият беради. Шунга қарамай, унинг ҳикоялари инсон мавжудлигини турли ҳолатларда кенг тасвирлай олиш

⁸⁴Шараф Муҳаммад Йасир.Қираат.Ал-Кувейт.Марказ ал-китаб ал-арби, 1994. С. 51

⁸⁵Ветры залива. Сборник рассказов. (Перевод с араб.яз) М.,Радуга. 1983. С.127,133

излаётган шахсни тасвирлаётган ҳикоячилик тажрибасига асос солди»⁸².

Иброҳим Ғалум фикрича, Кувайтнинг кўпгина ёзувчилари ижодининг бошланиши босқичи бўлган романтизм «цивилизациялашган тараққиёт билан мустаҳкам алоқадор бўлган «ғоявий йўналиш» («ат-таважжух ал-фикри»)га айланди.

У таъкидлаганидек, «мўлжалланаётган иқтисодий юксалиш кишилар кўнглида келажакка ишонч уйғотиши керак эди. Бунинг ўрнига шундай дунёни ҳис қилиш кузатиладики, унда умид билан умидсизлик, эркисизлик билан кўзғолон каби романтик зиддиятли образлар устивор келди»⁸³.

Лекин бизнинг фикримизча, романтизм Кувайт ҳикоячилигида бош адабий йўналиш сифатида мустаҳкам ўрин эгалламади. Кувайт муаллифлари асарларидаги романтик кайфият сўз усталарининг ҳаёт ҳақиқатларини акс эттиришда ижодий метод сифатида устувор ҳисоблаган реализм билан бирга уйғунлашади. Сулаймон ал-Хулайфий, Абд-ал-Азиз ас-Сарий, Сурайё ал-Бақсамий каби таниқли ёзувчиларнинг асарлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг ҳикояларида реализмнинг ижодий тамойиллари устувор келган. Улар асарларида характер ва қаҳрамонлар жамият ва муҳит билан алоқа орқали очилиб берилади. Бу қаҳрамонлар бошдан-оёқ ўз халқининг, ўз жамиятининг барча зиддиятлари, камчиликлари билан олганда, вакилидирлар.

Индивид ва жамиятнинг конкрет тарихий алоқаси доирасида воқеликни танқидий ўзлаштириш йўлига кирган Кувайт ҳикоячилиги шакл соҳасида ҳам дунё тажрибаси

⁸² Шараф Муҳаммад Йасир. Қираат. Ал-Кувейт. Марказ ал-китаб ал-араби, 1994. С. 49

⁸³ Шараф Муҳаммад Йасир. Қираат. Ал-Кувейт. Марказ ал-китаб ал-араби, 1994. С. 49

билан бойиб бориб етукликка эриша борди. Ёзувчилар баёнчилик шаклини янгилаш, ёзув техникасини такомиллаштиришга интилдилар.

Ёзувчи Абд-ал-Азиз ас-Сарий руҳий таҳлил устасидир. Бу йўлда у «онг оқими» («тийар ал-ваъйи») техникасидан кенг фойдаланади⁸⁴.

Ёзувчи Али Жадид «Қонли уфқ»⁸⁵ ҳикоясида интертекст (матн ичида матн) усулини қўллайди. Асосий сюжет йўналиши матнига қўшимча матн киритилади. Масалан, ҳикояда асосий матнда, камбағал талаба ва дўкондор кизининг бесамар муҳаббати ҳикоя қилинади. Қўшимча матнда илонни қафасдаги қуш ёнига бориши ҳикоя қилинади. Илон қафасга судралиб киради. Ёзувчи илоннинг ҳар бир ҳаракати ва қўрқувдаги қушнинг таширлашини муносабатини синчковлик билан тасвирлайди. Сиртдан қараганда иккала матн мустақил характерда бўлиб, ўзаро алоқадор эмасдек туюлади. Бироқ ҳикоя ўқиб чиқилганидан сўнг интертекстуал усул ҳикоя тугунининг ечимини кучайтиргандек тасаввур ҳосил бўлади. Қушча учиб кетишга муваффақ бўлди, илон эса бир бурчакка тикилиб, қулча бўлиб олди. Талаба ва қиз ажралишади. Ҳар қайсиси ўз йўлидан кетади, талаба ўқишини давом эттиради- у ўз оиласини оёққа қўйиши керак. Қиз эса бадавлат одамга турмушга чиқади ва баланд денов ортида яшай бошлайди.

Сулаймон ал-Хулайфий, аксинча, кескин сюжет тугуни ва ҳикоя мазмунидаги сабаб ва оқибат алоқаларига катта аҳимият беради. Шунга қарамай, унинг ҳикоялари инсон минжудлигини турли ҳолатларда кенг тасвирлай олиш

⁸⁴ Шайх Муҳаммад Йасир. Қираат. Ал-Кувейт. Марказ ал-китаб ал-араби, 1994. С. 51

⁸⁵ Ветры залива. Сборник рассказов. (Перевод с араб. яз.) М., Радуга. 1983. С. 127, 133

имкониятига эга. Унинг «Бефойда саволлар», «Чиқиш визаси»⁸⁶ каби ҳикоялари шулар жумласидандир.

«Чиқиш визаси» ҳикоясида Сулаймон ал-Хулайфий Кувайт воқелиги учун муҳим ва мураккаб бўлган муҳожирлар муаммосини кутаради. Бу одамлар Кувайтга пул топиш дардида келган ва у ерда энг оғир ишларни бажараётган чет элликлардир. Улар ўзига хос турмуш кечириб, туб аҳоли билан ҳеч қачон аралашиб кетолмайдилар. Муҳожирлар Кувайт ҳаётида кўп, шу жумладан, ахлоқий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Воқеликнинг қалби билан берилиб қабул қилувчи Кувайт ёзувчилари бу долзарб муаммога жимгина қараб туролмадилар ва етарли даражада очиб бердилар. Иқбол Аҳмад Абдул Ваҳҳоб аз-Зурқийнинг «Ички овоз», Лайло Усмоннинг «Ёддан чиқмайдиган уй», «Кетиш», Муҳаммад Али Ваҳбанинг «Фалокат» каби ҳикоялари айнан шу мавзуда ёзилган.

Сурайё ал-Бақсамийнинг ҳикоялари миллий рух, кундалик Кувайт турмуши ва воқелигини акс эттириши билан ажралиб туради. Ёзувчи деталларни синчковлик билан тасвирлайди, унинг қаҳрамонлари халқона эканлиги кўзга ташланади.

Сурайё ал-Бақсамийнинг биринчи ҳикояси «Қора тер» 1971 йилги маданият фестивалида III-ўринни эгаллагач, адабиётга учиб кириб келди. Ҳозирги кунда Сурайё ал-Бақсамий таниқли Кувайт ёзувчиларидан бири ҳисобланади. Унинг ҳикоялари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган.⁸⁷

Ўзининг илк ҳикояларида Сурайё ал-Бақсамий денгиз бўйида яшайдиган одамларнинг қийин ҳаёти ҳақида ҳикоя

⁸⁶ Ветры залива. Сборник рассказов. (Перевод с араб.яз) М.,Радуга. 1983.С. 174-181

⁸⁷ Али Мидхат. Хабба Бу Хамсии Мурсиму лил-хайат шарклан джадидан би муфраддин рашика. газета Ар-рай ал-амм, 21 март 2005г

қилади. Бу одамларга ҳали иқтисодий ўзгаришлар етиб келмаган ва уларнинг ҳаёти денгиз билан боглиқ. Ваҳоланки, денгиз уларни боқади. Улар балиқ тутадилар, шу билан бирга уларга бойлик ва муносиб ҳаёт келтирувчи бойликни орзу қилиб марварид излаб чиғаноқларни очиб кўрадилар.

Денгизнинг ўзига хос жўшқин табиатини тасвирлаш— Сулаймон аш-Шотий ҳикояларида ўз аксини топган. У ўзининг «Руть» номли ҳикоясида Кувайт денгизчиларининг собитлиги ва бирдамлигини ҳикоя қилади. «Янги» номли ҳикоясида эса денгиз бўйи аҳолисининг ичимлик сув танқислигидан қийналишини, лекин яхши ҳаёт умидидан қайтмаганликларини тасвирлайди. Таниқли ёзувчи Лайло Усмоннинг ҳикоялари оддий одамларнинг кичик хурсандчиликлари ва ташвишларини тасвирлашга багишланган. Унинг ҳикоялари алоҳида маҳорат ва синчовлик билан ёзилиши жиҳатидан ажралиб туради. Лайло Усмон ва Сурайё ал-Бақсамийдан анъаналарни ёш иқтидорли ёзувчи Ҳабба Бу Хамсин қабул қилиб олди. У 2005 йилгача бир нечта ҳикоялар тўплами нашр қилди. Унинг сўнги тўпламларидан «Хавфсиз тубанлик» Кувайт жамияти ҳаётидан манзаралар чизади. Ўзига хос ҳикоя услуби миллий характерларнинг салмоқли тасвири билан алмашинади. Бу ҳақда танқидчи Мидҳат Аълам ўз мақоласида «Ҳабба Бу Хамсин нозик деталлар ёрдамида, янги шаклларда ҳаётини тасвирлайди. Ёзувчининг услуби катта авлод услубидан ўзининг мураккаблиги, уюшқоқлиги ва метафориклиги, билан ажралиб туради», дейди танқидчи.⁸⁸

Ҳабба Бу Хамсин адабиётга XX асрнинг охирларида кириб келган. У ижтимоий шарт-шароит адабиёт устидан

⁸⁸ Али Мидхат. Ҳабба Бу Хамсин Мурсиму лил-хайат шарклан джаълидан би муфрататин рашика. Ар-рай ал-амм, 21 март 2005.С.32

хукмрон бўлмаслиги, акс ҳолда у ҳаётни бошқа эстетик қадрият ва бадий тамойилларга мурожаат қилишини чеклаб қўяди, деб ҳисобловчи авлодга мансубдир. Бу авлодни ёзувчилар Халаф Аҳмад Халаф, Аҳмад Хужайрий, Исо Абдуллоҳ Ҳилол, Халифа ал-Орифий, Амин Солиҳ, Ҳабба Бу Хамсин, Тариқ Абдуллоҳ, Муҳаммад аш-Шарқ ва бошқалар ташкил қиладилар.. Бу авлод ўзи учун символизм-рамзийа, экспрессионализм-таъбирийа, абстракцизм-тажридийа, сюрреализм-сюрреалийа, эксизтенциализм-вужудийа каби фалсафий адабий оқимларни кашф қилди ва улардан ўз ижодида фойдаланишга ҳаракат қилди. Уларнинг ижодига неоромантизмдан (ички овоз, ўтмишни кўмсаш) тортиб анъанавий реализм, символизм ва бошқа турли йўналишлар қоришмаси устивордир. Кўзгудек равшан ҳақиқатдан юз ўгирган бу ёзувчилар услубий экспериментлар билан шуғулландилар ва ўзларининг янги тажрибалари ҳақида фикр билдириб, уларнинг асарлари «сиёсий билимлар олиш учун қўлланма» эмаслигини, шу билан бирга «муайян ижтимоий кучлар манфаатига хизмат қилиши шарт эмас»лигини ёки «воқеалар ортидан бориши шарт эмаслигини таъкидлайдилар.⁸⁹

Қувайт адабий танқидчилиги ёш авлоднинг турли услубларда ижод қилиши, кекса авлод ижодий кўрсатмалари ўзгариши ва экспериментлар қўлланишига хотиржам муносабатда бўлди. Улар бу ҳодисани турли эстетик тамойилларини оддий кўриниши деб қабул қилдилар. Бу тамойиллар барибир реализмга асосланган, унинг анъанавий доирасидан четга ҳам чиққан бадий синтез сифатида мавжуд бўлиши ҳуқуқига эга. Иброҳим Галум фикрича, Қувайт ҳикоячилиги тажрибаси шуни

⁸⁹ Шараф Муҳаммад Йасир.Қираат.Ал-Қувейт.Марказ ал-китаб ал-араби, 1994. С.54

кўрсатадики, реализм ўтмиш билан ҳам, келажак билан ҳам боғлиқ бўлган барча даврлар бадийий йўналишидир. Айнан реализм шахснинг жамият билан алоқасини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.⁹⁰

Хадая Султон ас-Салимнинг «Аёллар ҳаётидан икки ҳикоя» номли ҳикояси муҳаббат ва урф-одатларнинг тўқнашуви ҳақида ҳикоя қилади. Шуниси характерлики, Хадая ас-Султоннинг қаҳрамонлари тақдирдан нолишади, аммо ўз севгилари ва тақдирлари учун кураш йўлида ҳеч бир тадбир қўлламайдилар. Лекин Мунир Насифнинг «Умид саройининг қулаши»⁹¹ номли ҳикоясининг қаҳрамони бундай эмас. У ўзи, ўз обрўси учун кураша оладиган аёл. Унинг эри ошиғи олчи тадбиркор бўлиб, у тараққиёт мевалари, янги технология ва янги бозор муносабатлари қонунларига жуда тез мослаша олади. Фурсатдан фойдаланиб у ўз бойлигини кўпайтиришга устаси фаранг. Унинг бутун умри офисда пул кетидан кувиб ўтади. Кечкурун эса дўстлари даврасида қаҳвахона ва ресторанларда улфатчилик қилади. Бироқ унинг оиласи бор. Лекин у уларни буткул ташлаб қўйган. Биргаликдаги ҳаётининг дасталбки даврида унинг оёққа туришига ёрдам берган, эндиликда унинг бефарқлигидан ҳақоратланган хотини болаларини олиб эрининг уйидан чиқиб кетади. Ана шундагина бутун умри мазмунини бойлик орғитиришда деб билган ҳикоя қаҳрамони оила ўчоғи ўчган уйда одам қанчалик ёлғиз ва ташландиқ бўлиши мумкинлигини ҳис қилади. У гарчи одамлар орасида бўлишига қарамай, катта шаҳарда ўзини ёлғиз ҳис қилади.

Таъкидлаш лозимки, бу ҳикояда маҳаллий сифатлардан ва миллий руҳдан ҳеч қандай ишора йўқ. Содир бўлган

⁹⁰ Иброҳим Ғалум. Ал-қиссату-л-қасирату фи-л-Халидж ал-араби. Кунейт, 1981. С. 105

⁹¹ Ал-Араби, журнал № 311, октябрь 1984

воқеа курраи заминнинг барча бурчагида рўй бериши мумкин

Аёллар мавзуси Лайло Усмоннинг «Ақлдан озган» ҳикоясида бошқа ракурсда тасвирланади. Кувайтнинг Золушкаси ўз шахзодасини топади. Замонавий урф бўлган адабий оқим-постмодернизм таъсирида Салоҳ Абд ас-Саййиднинг «Пастлаш»⁹² ҳикояси ёзилган. Биз бу ҳикояни Кувайт ҳикоячилигида модернистик тамойилни тасвирлаш учун келтирганмиз.

Маълумки, постмодернизм XX асрнинг 2-ярмида Ғарб адабиётида кенг тарқалган бўлиб, кейинчалик у шарқ адабиётига, шу жумладан, араб адабиётига кириб келади. Постмодернизм бегона ва ноқулай, бўшлиқдан иборат дунёда мустаҳкам таянч тополмаган авлоднинг фожиавий кайфияти, ўзининг йўқотиб қўйганлигини ифода этади. Салоҳ Абд ас-Саййиднинг ҳикоясидаги воқелик шу тахлитда намоён бўлади. Унинг бу ҳикоясида оддий одамнинг ҳибсга олиниши тасвирланади. Лекин бу воқеа қайси давлатда рўй берганлиги тушунарсиз, бироқ шу нарса маълумки, ҳодиса қаерда рўй беришидан қатъий назар зўравонликка қарши йўналтирилган. Ҳикояда қўлланган ҳамма усуллар-сабаб-оқибат алоқаларининг йўқлиги, фрагментарлик, баён ракурсининг тез-тез ўзгариши, услубнинг хабар беришга асосланганибуларнинг ҳаммаси постмодернизм техникаси билан алоқадорликдан дарак беради. Ҳикоя буткул оғир таассурот қолдиради. Дунё қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари орқали бўшлиқ ва зўравонлик уйғунлиги сифатида намоён бўлади. Муаллиф бу ҳикояда анъанавий руҳий таҳлилдан қочиб, қаҳрамонларнинг руҳий азобларини жисмоний кийноқ образлари орқали тасвирлайди. Воқеликнинг бесўнақай қиёфаси ғаразли дунё тимсолида яратилади. Бу

⁹² Ал-Араби, журнал № 311, октябрь 1984. С. 152-159

ҳикоя юқорида таъкидланганидек, модернистик услубнинг ўзига хослиги, шунингдек, услуб изланишларининг намоён бўлиши билан қизиқдир.

Шунга қарамай, турғунлик ва умидсизлик руҳи билан суғорилган бу ҳикоялар Кувайт ҳикоячилигининг асосини ташкил этмайди. Унда яратувчанлик руҳи кўпроқ. Бу ҳикоялар даставвал реализм анъаналарига мос келувчи, стихияли тарзда пайдо бўлиб, кейинчалик таъриф характерини олган, ундан сўнг таҳлилий мазмунга эга бўлган, воқеликни танқидий таҳлил қилишга асосланган услубда яратилди. Кувайт ёзувчиси ўзининг воқеликни англаши билан чекланиб қолмай, яратувчилик жараёнида иштирок этиш ва бу йўлда тўғаноқ бўлган барча нарсани асарлари воситасида четга суриб ташлашни ўз вазифаси деб билади. Шу билан бирга Кувайт ҳикоячилари доимо бадий ифода воситаларини излашмоқда. Зеро Кувайт адабиёти араб дунёсида, хусусан, Форс кўрфази араб мамлакатлари адабиётлари орасида пешқадам бўлиб, жаҳон адабий жараёнига қўшилиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан сўнгги 50 йил унинг маданияти ва адабиёти тарихида муҳим аҳамият касб этади.

ИЛК ЎРТА АСР АРАБ АДАБИЁТИДА БАДИЙ САНЪАТГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

С. Рустамий,
филология фанлари номзоди, доцент

Қадимги араб адабиётини ўрганишда фақат наср ва назмдаги асарларгагина таянишга тўғри келади, чунки бу даврда назарияга оид асарлар яратилмаган. Араб адабиётида бундай асарлар илк ўрта асрларга келиб яратила бошлади [1,7].

Араб илмлари орасида адабиёт билан боғлиқ қарашларни ўзида мужассамлаштирган “Балоғат” тўлиқ

шаклангунга қадар унинг таркибий қисмлари бўлган баён, маъоний ва бадий ўзига хос равишда ривожланиб борган.

Шулардан баён илми ҳақида биринчи бор ибн Убайданинг (867 й. в.э.) “Мажозу-л-Қуръон” китобида зикр этилган. У Қуръонда учраган асл маъносидан бошқа маъноларда қўлланган сўзларни чуқур ўрганиб чиққан. Бир қанча олимлар унинг изидан бориб, истиора ва киноя ҳақида рисолалар битганлар. Лекин улар баён илмини махсус ажратмаганлар. Бу ҳол аббосийлар даврининг биринчи асригача давом этган.

Балоғатнинг таркибига кирувчи маъоний илми ҳақида айрим атоқли ёзувчилар ва Ҳорун Рашиднинг вазирларидан бири Жаъфар ибн Яҳё, асли форс бўлган шоир, адиб ва ҳаким Саҳл ибн Ҳорун каби ёзувчи ва нотиклар қисман гапириб ўтганлар. Бу ҳақда биринчи бор мавжуд маълумотларни бир китоб ҳолига келтирган кимса Абу Усмон Жоҳиз (775-868) бўлиб, унинг асарлари - “Ал-байон ва-т-табйин”, “Иъжазу-л-Қуръон” ва бошқалардир. Жоҳизга етук олимлардан Абу Аббос Мубаррад (826-898), ёзувчилардан Қудама ибн Жаъфар эргашдилар. Кейинчалик Маҳмуд Замахшарий (1075-1144) Қурони Карим тафсирларида ушбу илм такомилига катта ҳисса қўшди [2, 7].

Бадий илми борасида биринчи бор махсус асар ёзган киши – аббосийлар ҳалифаси Абдуллоҳ ибн Муътаззидир (296 ҳ./861-908). Унгача Башшар ибн Бурд (696-783), Муслим ибн ал-Валид (747-823), Абу Таммам (788-845) ва бошқа шоирлар ўз шеърларида бадий турларини қўллаганлар.

Абдуллоҳ ибн Муътазз ҳақида Саккокий шундай дейди: “Билгилки, бадийнинг турлари кўп. Уни ихтиро қилган биринчи киши ибн Муътаззидир”. Ибн Муътазз “ал-Бадий” китобининг муқаддимасида эътироф этишича,

“бадиъ” атамасини у биринчи бўлиб қўлламаган, лекин унинг санъатларини илк бора тадқиқ қилган ва бу ҳақда китоб яратган [3].

Ибн Муътаз ўз рисоласининг биринчи бобини истиора, иккинчи бобини тажнис, учинчи бобини мутобақа, тўртинчи бобини аъжазу-л-калам ғала ма тақаддумуҳа, бешинчи бобини ал-мазҳабу-л-каламийга бағишлайди ва уларни “фунуну-л-бадиъ”, яъни “бадиъ санъатлар” деб атайди. Бу боблардан сўнг китоб 274 хижрий йилда ёзилгани ва уни биринчи бор Али бин Ҳорун бин Яҳё бин Абу Мансур Мунажжим кўчириб ёзгани зикр қилинган.

Кейинроқ бу асарга Ибн Муътаз “маҳосину-л-калом” деб атаган ўн учта санъат турини киритган. Булар шундай номланган: “ал-илтифот”, “ал-ийтироз”, “ар-ружуъ”, “ҳусну-р-ружуъ”, “таъкиду-л-мадҳ бимо йушбиҳу аз-замма”, “тажоҳулу-л-ориф”, “ҳазл йуроду биҳи ал-жадд”, “ҳусну-т-тазмин”, “ат-таъриз”, “ал-киноя”, “ал-ифрот фи-с-сифа”, “ҳусну-т-ташбиҳ”, “ийноту-ш-шоъир нафсаҳу фи-л-қавофи” ва “ҳусну-л-ибтидот”. Ас-Сафий ал-Ҳиллий (750 х.) ўзининг “Шарҳу-л-Кофийати-л-бадиъийа” китобида келтиришича Қудам бин Жаъфар (260-327 х.) йигирма турни жамлашга эришди, шулардан еттита ибн Муътазникига мос келади. Шу тариқа ўша даврда бадиъ санъат турлари ўттиз турни ташкил қилди [3].

Кейинчалик абу Ҳилол ал-Аскарӣ (395 х. в.э.) уларни ўттиз еттитага, ибн Рашиқ ал-Қирвонӣ (390-456 х.) олтмиш бештага, Тифошӣ (651 х. в.э.) етмиштага етказди. Бадиъ санъатлар кенг ёритилган асарлардан бири Ибн абу-л-Исбаънинг (585-654 х.) “ат-Таҳрир”и ҳисобланади, унда тўқсонга санъат тури келтирилган. Ибн Мунқиз ўзининг “ат-Тафрий фи-л-бадиъ” китобига яна бешта турни киритган бўлса, Сафийу-д-дин ал-Ҳиллий қирқ бешта

санъат кўшиди. Шу билан араб адабиётида бадиъ санъатлар тури бир юз қирктага етказилди.

Араб адабиётига доир назарий масалаларни ўз ичига олган маъоний ва бадиъ илмлари кейинги асрдагина боблар ва фаслларга ажратилди. Бу ишга биринчи бўлиб амалга оширган киши балоғат илми шайхи имом Абдулқоҳир Журжоний (471 ҳ./1078 й. в.эт.) ҳисобланади. Ундан сўнг абу Ёқуб Юсуф Саккокий (626 ҳ./1160-1228) ўзининг “Мифтоҳу-л-улум” асари билан “Балоғат” илмини тўлиқ шакллантирди.

Араб тилида мавжуд бўлган тил ҳодисалари билан боғлиқ имкониятлар ундаги бадииятнинг бойишига асос бўлди, бу эса юксак маҳорат билан яратилган кўплаб назмий ва насрий асарларнинг нафақат илмий-ахлоқий, балки эстетик аҳамиятини ҳам кучайтирди, уларнинг асрлар оша яшаб боришини таъминлади.

Адабиёт:

1. Шидфар Б.Я. Образная система классической арабской литературы. М. 1974.
2. —
3. zaza@alwarraq.com

ЎРТА АСР КОРЕЙС АДАБИЁТИНИ ДАВРЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

У. Саидазимова
филология фанлари номзоди

Шарқдаги тарихий-адабий жараёни яхлит, тизимли ўрганиш, миллий адабиётларнинг ўзига хос типологик хусусиятларини тадқиқ этиш, шунингдек, умуман шарқ халқлари адабиётига хос бўлган муштарак жиҳатларнинг ўрганилиши умумбашарий маданият тизимида Шарқу Ғарб муносабати сингари долзарб масалага ҳам таъсир кўрсатиши табиийдир. Ана шу йўналишда корейс

адабиётининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, унинг шаклланиш ва тараққиёт омилларини аниқлаш, ўрта аср корейс адабиётини даврлаштириш масалалари бугунги кунда долзарблик касб этади.

В.М. Жирмунский куйидагича ёзади: “Ўрта асрлар адабиёти ҳақида гап кетганда, адабий йўналишлар алмашинуви ва шахсий таъсирлар ҳақида сўз боришига ҳожат йўқ, адабий йўналишларнинг алмашинуви жанрлар изчиллиги сифатида намоён бўлган. Хукмрон мавқедаги жанрлар доирасида индивидуал ижод яширинган: жанр – индивидуал ўзига хосликни эмас, балки ижтимоий типик дунёқараш ва услубнинг ифодасидир”⁹³.

Ўрта асрларкорейс адабиёти Корея Республикасининг ўзида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, тизимли равишда ўрганила бошланди. Хусусан, корейс адабиётшунослари Ко Жон Ок, Лю Чхан Сон тадқиқотларида корейс адабиётининг алоҳида жиҳатлари, яъни уни даврлаштириш ва жанрлар тизими хусусида сўз боради ⁹⁴ . 1959 йили Пхеньянда

“**사상사조와 한국문학방식의연구**”⁹⁵ “Корейс адабиётидаги ғоявий оқимлар ва услубларни ўрганиш” номли асарнинг нашр этилиши, корейс филологларининг ўрта аср адабиётига бўлган қизиқишларини кучайтирди.

XX асрнинг 60-йилларида корейс тадқиқотчилари ва россиялик корейешунослар ўртасида корейс адабиётини даврлаштириш масаласи долзарблик касб этиб, корейс адабиётини даврлаштириш масаласида асосий мезон сифатида сулолалар даври диққат марказида тутилган.

⁹³ Қаранг: Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л., 1979. – С. 161–162.

⁹⁴ Ко Жон Ок. О корейских сорхва. – Пхеньян, 1972; Елисеев Д.Д. Новелла корейского средневековья. – М., 1977.

⁹⁵ 사상사조와 한국문학방식의연구. – 평양, 1959.

